

№1 (21)
Yanvar-Mart

20
23



ISSN 2181-0567

ISSN 2181-1830

IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

**ЭКОНОМИКА:
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ**

**ECONOMY:
ANALYSIS AND FORECASTS**

ENG MUHIMI, MAMLAKATIMIZ IQTISODIY SIYOSATIDA NOREAL RAQAMLAR ORTIDAN QUVISH, AMALGA OSHMAYDIGAN XOMXAYOLLARNI HAQIQAT SIFATIDA TAQDIM ETISHDEK NOMA'QUL ISH USLUBI TANQIDIY QAYTA KO'RIB CHIQILDI. AMALIY NATIJADORLIK, INSON MANFAATI VA YANA BIR BOR INSON MANFAATI ISLOHOTLARNING BOSH MAQSADI ETIB BELGILANDI.

SHAVKAT MIRZIYOYEV



Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi bilan hamkorlikda nashr etilmoqda

ISSN 2181-0567



9 772181 056008



IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

**ЭКОНОМИКА:
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ**

**ECONOMY:
ANALYSIS AND FORECASTS**

№ 1 (21)
Yanvar-Mart, 2023-yil

TAHRIR HA'YATI:

- J.Qo'chqorov** – O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri o'rinbosari, tahrir hay'ati raisi
- U.Abidxadjaev**, DSc – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktori
- Z.Xaldarov**, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktorining birinchi o'rinbosari
- T.Axmedov**, i.f.d., prof. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktorining o'rinbosari
- B.Xomidov** – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktorining o'rinbosari
- D.Kurbanova**, i.f.n., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti instituti ilmiy kotibi
- S.Chepel**, i.f.d., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti bosh ilmiy xodimi
- N.Rasulov**, DSc, dots. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
- D.Karimova**, i.f.d., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
- R.Xasanov**, i.f.d., prof. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti bo'lim boshlig'i
- H.Saydaliev**, DSc., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
- N.Ibragimova**, PhD., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
- M.Karimov**, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari

TAHRIRIYAT:

- Bosh muharrir – **R. Xasanov**
Mas'ul muharrir – **A. Yuldashev**
Texnik muharrir – **I. Odashev**
Kompyuter grafikasi dizayneri – **I. Saidov**
Nashr uchun mas'ul – **N. Primov**

Jurnal Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2019 yil 29 iyundagi 266/8-sonli qaroriga asosan OAK dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga va Rossiya Federatsiyasining Ilmiy iqtibos indeksi (RINS) ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida 2021-yil 22-aprelda 1043-sonli guvohnoma bo'yicha qayta ro'yxatga olingan.

Bosma ISSN 2181-0567; Elektron ISSN 2181-1830.

Format 84/60, 1/8, 10,1 b.t. Chop etishga 06.04.2023-yilda ruxsat etildi. Jurnalning «Matbuot tarqatuvchi» AK obuna katalogidagi indeksi – 1360. Jurnal uch oyda bir marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

«Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar» jurnalidan ko'chirib bosish faqat tahririyatning yozma roziligi bilan amalga oshiriladi.

Tahririyat fikri mualliflar fikriga mos kelmasligi mumkin. Maqoladagi dalillarning haqqoniyligiga mualliflar shaxsan mas'ul hisoblanadi. Taqdim qilingan maqolalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Tahririyat manzili:

100011, Toshkent sh., Xadra massivi, 33A. Tel.: (+998 71) 244-05-42. E-mail: jurnal@ifmr.uz
Tarqatish bo'limi telefoni: (+998 71) 244-05-42

Mundarija / Содержание / Contents

Investitsiya, raqamli va innovatsion texnologiyalar / Инвестиции, цифровые и инновационные технологии / Investment, digital and innovative technologies

- 4 **Убайдулла НАДИРХАНОВ.** *Инвестиционные процессы в дорожно-строительной отрасли Республики Узбекистан*
- 12 **Наргиза ШАИСЛАМОВА.** *Инвестиция лойиҳаларига таъсир қилувчи риск даражасини пасайтириши йўллари*
- 22 **Алина АДЖИ.** *ESG (environmental, social and governance) – новое понимание, новое мировоззрение, новые возможности для бизнеса*

Makroiqtisodiyot, prognozashtirish va tahlil / Макроэкономика, прогнозирование и анализ / Macroeconomics, forecasting and analysis

- 29 **Сергей ЧЕПЕЛЬ.** *Какие условия и предпосылки должны быть созданы для вхождения Узбекистана к 2030 году в категорию стран с доходами выше среднего: результаты обобщения опыта мирового развития*
- 38 **Жавохирбек ШЕРАЛИЕВ.** *Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи барқарорлигини таъминлаш мақсадида оптимал бюджет дефицитини аниқлаш масалалари*
- 46 **Elyor MOYLIYEV.** *Jahon savdo tashkiloti doirasida qishloq xo'jaligi mahsulotlari savdosi holati tahlili*
- 52 **Улуғбек ШУКУРОВ.** *Ўзбекистон ҳудудларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши фаоллиги таҳлили*

Sanoat, agrar va hududiy iqtisodiyot / Промышленность, сельское хозяйство и региональная экономика / Industry, agriculture, and regional economy

- 57 **Фархад РАХИМОВ, Дилноза ИБОДОВА.** *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари рақобатбардошлигига инфратузилмаларнинг таъсири: Россия Федерацияси тажрибаси мисолида*
- 65 **Бобир ТУРСУНОВ.** *Анализ финансовой безопасности текстильных предприятий Республики Узбекистан в период пандемии: многомерный подход*
- 73 **Дарья ИЛЬИНА, Алексей КИМ.** *Активизация роста сельскохозяйственного производства: зарубежный опыт и выводы для Узбекистана*
- 82 **Сохибмалик ХОМИДОВ.** *Фармацевтика саноатининг ривожланишида демография ва экспорт омилларининг роли*
- 90 **Dostonbek ESHPULATOV.** *Qishloq xo'jaligi korxonalarini innovatsion rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlari*
- 99 **Бобир МИРЗАХАЛИКОВ.** *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлигини оширишининг асосий йўналишлари*

Xizmat ko'rsatish, logistika va infratuzilma /
Сервис, логистика и инфраструктура /
Service, logistics and infrastructure

- 105 **Милена ЗАГРЕБЕЛЬСКАЯ.** *Цифровая трансформация цепочек поставок: тенденции и выбор альтернатив*
- 112 **Одилжон НАЗАРОВ.** *Как снижение предельно допустимой скорости влияет на дорожную ситуацию и смертность на дорогах?*
- 119 **Шухрат ЗОКИРОВ.** *Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириши масалалари: муаммо ва ечимлар*

Ijtimoiy masalalar, fan, ta'lim va kambag'allikni qisqartirish /
Социальные вопросы, наука образование и сокращение бедности /
Social issues, science, education and poverty reduction

- 125 **Abduraxmon MIRISAEV, Shaxlo IBODULLAEVA, Nozimbek SOIBOV.** *O'zbekiston aholisiga arzon uylar barpo etishda iqtisodiy islohatlarning qurilishdagi o'rni*
- 134 **Anne-Charlotte MARCOMBE, Behzod TAGAEV, Humoyun SAYFULLAYEV.** *Environmental Values and Youth: A Comparative Study between Canada, France, and Uzbekistan*
- 141 **Файзуллох САТТОРИЙ, Сардор КАЮМОВ.** *Анализ факторов предпринимательства, влияющих на уровень бедности*
- 152 **Жаъсур УМИРЗОҚОВ.** *“Миллионлик шаҳар” концепцияси орқали инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириши методологияси*

Investitsiya, raqamli va innovatsion texnologiyalar / Инвестиции, цифровые и инновационные технологии / Investment, digital and innovative technologies

УЎК: 330.322.656.(575.1)

Убайдулла НАДИРХАНОВ,
кандидат экономических наук,
доцент Ташкентского государственного транспортного университета,
E-mail: u.nadirkhanov@mail.ru

Инвестиционные процессы в дорожно-строительной отрасли Республики Узбекистан

Аннотация: в статье рассматриваются инвестиционные процессы в дорожной сфере Узбекистана. Анализируются источники и динамика инвестиций, влияние коронавирусной пандемии на процесс инвестирования. Изучается международная практика и национальный опыт применения государственно-частного партнерства. Предлагаются рекомендации по повышению эффективности работы.

Ключевые слова: инвестиционный процесс, инвестиционная программа, транспортная отрасль, дорожная сфера, государственно-частное партнерство, экономическое развитие.

O'zbekiston Respublikasining yo'l-qurilish sohasidagi investitsion jarayonlari

Ubaydulla Nadirxanov,
iqtisodiyot fanlari nomzodi,
Toshkent davlat transport universiteti dotsenti

Annotatsiya: maqolada O'zbekiston Respublikasining yo'l-qurilish sohasidagi investitsiya oqimlari, manbalari o'rganilmoqda. Investitsiyalarning manbalari va dinamikasi, shu bilan birga investitsiya jarayoniga koronavirus pandemiyasining ta'siri tahlil qilinmoqda. Davlat – xususiy sherikchilikning jahon tajribasi va respublikadagi ilk amaliyotiga e'tibor berilgan. Ishlar samaradorligini oshirishga qaratilgan tavsiya va takliflar berilgan.

Kalit so'zlar: investitsion jarayon, investitsion dastur, transport tarmog'i, yo'l sohasi, davlat-xususiy sherikchilik, iqtisodiy rivojlanish.

Investment process in the road construction industry of the Republic of Uzbekistan

Ubaydulla Nadirkhanov,
PhD (in Economics),
Associate professor, Tashkent state transport university

Abstract: the article discusses investment processes in the road sector of Uzbekistan. The sources and dynamics of investments, as well as the impact of the coronavirus pandemic on the investment process are analyzed. International experience and national practice on implementing the public-private partnership has been studied. Recommendations for improving the work efficiency are proposed.

Keywords: investment process, investment program, transport field, road branch, public-private partnership, economic development.

Введение. С 2016 года международные и отечественные эксперты выделяют новый этап экономического и социального развития Республики Узбекистан, который характеризуется прорывным уровнем поставленных и решаемых задач. За этот период существенные результаты достигнуты во внешнеполитической сфере, улучшены двусторонние отношения с соседними странами Центральной Азии, что привело к значительной либерализации паспортного, визового и таможенного режимов между странами региона.

Одним из приоритетов стала защита предпринимательства и бизнеса, улучшение инвестиционного

климата, как для отечественных, так и иностранных инвесторов. Сформированная правовая среда, законодательная база, новые механизмы управления экономикой и социальной сферой дали позитивные импульсы для ускоренного развития и способствовали высоким результатам в диверсификации экономики, развитии банковской, налоговой, таможенной систем и внешнеэкономических связей. Так, объем валового внутреннего продукта (ВВП) вырос с 242 500,5 млрд. сум в 2016 г. до 901 600,5 млрд. сум (экв. \$ 80,0 млрд долл. США) в 2022 году (+3,7 раза) [1].

Впервые с начала экономических реформ в Республике Узбекистан объем инвестиций в экономику составил 30% к ВВП, а объем прямых иностранных инвестиций (ПИИ) – \$ 8,0 млрд долл. США, или 10% к ВВП республики. Следует отметить, что данные показатели достигнуты в сложный период постковидного развития и служат надежным источником инвестиционных процессов, в том числе, в дорожно-транспортной сфере.

Обзор литературы. В современных условиях, развитие сети автомобильных дорог является первостепенной задачей для повышения конкурентоспособности отечественной экономики, развития транспортного потенциала республики. Этим обусловлен высокий интерес национальных и международных экспертов к проблемам отрасли, приоритетное внимание руководства Республики Узбекистан к повышению эффективности инвестиционных процессов.

Специалисты AP Azizov & Partners отмечают, что на сегодняшний день по автомобильным дорогам республики осуществляется перевозка 98 процентов всех грузов и 88 процентов пассажиров, что, соответственно, делает развитие автодорожной инфраструктуры приоритетным. Не случайно инвестиционные проекты в сфере дорожного строительства финансируются такими крупными международными финансовыми институтами, как Всемирный банк, Европейский банк реконструкции и развития, Азиатский банк развития, Исламский банк развития, Саудовский фонд развития и Кувейтский фонд арабского экономического развития [2].

Ученые Ташкентского государственного транспортного университета выявили, что развитие экономики республики напрямую связано с развитием дорожной сети. Так, развитые страны определили дорожную сеть (ДС) в качестве приоритета эконо-

мического развития. По их оценке, сегодня США имеют 6 586 610 км. ДС, второе место занимает КНР – 4 356 200 км., Япония – 1 210 251 км. Плотность японской дорожной сети составляет 3,2 км/км². Сопоставительный анализ показал, что в Узбекистане, территория которого в 1,19 раз больше Японии, имеется лишь 184 000 км ДС, при этом плотность составляет 0,40 км/км², что в 8 раз ниже, чем в Японии [3].

Омонов К. в своем материале отражает текущее состояние и перспективы развития транспортной системы Узбекистана. Производит анализ развития дорожной сети, выделяет ее важную роль в социально-экономическом развитии страны в 2015-2019 гг., отмечает, что при неудовлетворительном состоянии ДС растут транспортные и эксплуатационные расходы, которые могут достигать 1% от ВВП [4].

Специалисты Министерства транспорта Узбекистана отмечают, что в стране осуществлены масштабные мероприятия, направленные на развитие сферы транспорта и транспортных коммуникаций, обеспечение высокого уровня безопасности перевозок, совершенствование системы управления в сфере транспорта, подготовку квалифицированных специалистов для отрасли. Дается анализ работы по выработке единой государственной транспортной политики, направленной на гармоничное развитие всех видов транспорта на основе их интеграции в единую транспортную сеть и использования новых эффективных транспортно-логистических систем [5].

Ряд европейских специалистов, среди них, Хосе Наварро-Морено, Хуан де Она, Франсиско Калво-Пойо провели исследования по влиянию экономических ресурсов, инвестированных в дорожную сферу, не только на экономическое развитие, но и на уровень жизни, здоровья, включая смертность на дорогах. Выявлено, что эти вопросы зависят от уровня экономического развития каждой из стран. В этих целях эксперты классифицировали 23 страны Европы в 2 группы по уровню ВВП на душу населения в период 1998 – 2016 гг. При этом за основу исследования взяты инвестиции в строительство и эксплуатацию дорожной сети [6].

Белорусская ученая Балджи Н.А. подчеркивает, что преимущества дорожного обеспечения являются, как прямыми, так и косвенными. По ее мнению, прямое преимущество автомобильных дорог заключается в обеспечении связи, позволяющей

облегчить доступ к рынкам товаров, работ услуг и рынку труда.

А косвенное преимущество автомобильных дорог – в предоставлении возможностей расширения социальных контактов между населенными пунктами, что способствует национальной интеграции. В сельских районах, как правило, наблюдаются гораздо более сильные эффекты от использования автомобильных дорог, чем в городских районах, поскольку расстояния больше, а связь намного ниже. Эксперт делает вывод, что, при всей значимости автомобильных дорог для экономики, для любой страны наиболее актуальным остается вопрос о тех инструментах, с помощью которых страны могут влиять на развитие автомобильных дорог, и какие инструменты обеспечат больше экономических эффектов от использования автомобильных дорог [7].

Основная часть. С одной стороны, в нашем исследовании мы акцентированно выделяем новый этап экономического развития Узбекистана, с другой стороны нельзя не учитывать и цикличность мирового экономического развития, включая кризисы, к которым следует отнести и коронавирусную пандемию, пусть даже имевшую кратковременную историю, но которая позволяет условно делать разделение на периоды «до» и «после».

В Узбекистане проводится комплексная работа, направленная на улучшение дорожно-транспортной инфраструктуры, строительство современных автомобильных дорог, повышение комфорта и безопасности дорожного движения.

Вместе с тем, несмотря на достигнутые результаты, рост экономики в Узбекистане, включая развитие экспорта, перетеки экономических ресурсов сдерживаются недостаточным развитием дорожно-транспортной инфраструктуры. Это потребовало формирования эффективной системы управления дорожным хозяйством на основе комплексного подхода при проектировании, строительстве и эксплуатации автомобильных дорог и искусственных сооружений. В первую очередь, на базе упраздняемой Государственно-акционерной компании по строительству и эксплуатации автомобильных дорог (ГАК «Узавтойул») создан Государственный комитет Республики Узбекистан по автомобильным дорогам [8].

Он стал специально уполномоченным государственным органом в области автомобильных дорог, при этом, в круг его задач вошли:

- проведение единой технической политики в области автомобильных дорог;

- разработка и реализация государственных программ развития автомобильных дорог; определение перспектив развития и совершенствования сети автомобильных дорог; обеспечение комплексного решения вопросов финансирования, проектирования, строительства, ремонта и эксплуатации автомобильных дорог, с учетом интересов пользователей автомобильных дорог в условиях современных транспортных потоков, а также организации эффективной деятельности службы заказчика;

- организация подготовки, переподготовки и повышения квалификации кадров в области автомобильных дорог, включая проведение учебных стажировок и семинаров за рубежом.

В Узбекистане реализуется широкомасштабная программа по ускоренному развитию и совершенствованию дорожно-транспортной системы республики. Методологическим инструментом ее реализации является ежегодно принимаемая «Инвестиционная программа Республики Узбекистан», в рамках которой объем капитальных вложений в Дорожный фонд Республики Узбекистан [9] вырос с 1103,0 млрд. сум в 2015 г. до 1961, 3 млрд. сум в 2019 г. (+1,77 раз), (рис.1).




Рисунок 1. Основные параметры капитальных вложений в Дорожный фонд Республики Узбекистан за 2015-2019 гг., млн. сум

Источник: данные Агентства статистики.

Анализ Инвестиционной программы Республики Узбекистан за 2015-2019гг. показывает, с одной стороны, неравномерное финансирование разных типов дорог, с другой стороны, с 2017 года формируется сбалансированный подход, при котором удалось сохранить пропорции в финансировании строительства и реконструкции автомобильных дорог государственного и местного значения, сохраняя

приоритетность финансирования автомобильных дорог международного значения (рис.2).




Рисунок 2. Выделение капитала на строительство и реконструкции автомобильных дорог международного, государственного и местного значения за 2015-2019 гг., млн. сум

Источник: данные Агентство статистики.

Исследование Адресной программы по оснащению объектов и приобретению техники (рис.3) показывает рост объема финансирования для закупки дорожно-строительной техники с 80 млрд. сум в 2017 году до 150 млрд. сум в 2019 г. (2,0 раза) [10], при этом сохраняется стабильный уровень финансирования проектно-изыскательских работ на перспективу.




Рисунок 3. Инвестиции, использованные на приобретение спецтехники, обновление производственных мощностей и проектно-изыскательские работы будущих лет, млн. сум

Источник: данные Агентство статистики.

Вместе с тем, с учетом масштабов реформируемой дорожно-транспортной отрасли, при всей оптимизации работ по инвестированию дорожно-транспортной отрасли, возможности национальной инвестиционной программы представляются недостаточными. Наряду с этим, в системе управления дорожным хозяйством республики отмечались проблемы и недостатки. Так, совмещение Комитетом по автомобильным дорогам при

Министерстве транспорта Республики Узбекистан полномочий заказчика и подрядчика не позволяло создать эффективную систему управления и сформировать здоровую конкурентную среду на рынке дорожно-строительных работ.

Это потребовало формирования нового подхода к ускоренному развитию дорожно-транспортной сферы, совершенствованию законодательной и нормативной базы, регламентирующей программы строительства и реконструкции, автомобильных дорог, мостов и путепроводов, оснащения объектов и приобретения спецтехники, и рамочных условий деятельности. Ряд указов и постановлений Главы государства прибрели значение программных [11].

На их основе в регионах Узбекистана осуществляется внедрение общепризнанных международных стандартов и лучших практик в сфере проектирования и строительства, автомобильных дорог, современных инновационных технологий и материалов, применяемых в дорожном строительстве, обеспечивающих повышение качества и сроков службы, автомобильных дорог.

Наряду с ростом национальных инвестиций в данную сферу в республике с 2019 года принимаются меры по привлечению средств международных финансовых институтов, например, для реализации 18 новых крупных проектов по дорогам международного и государственного значения протяженностью 1600 километров [12].

Сегодня в числе приоритетных задач – работа по минимизации и преодолению негативного эффекта «double locked country», повышению потенциала транспортной отрасли в целом – железнодорожной, авиационной, дорожной сфер. Вместе с тем, как показывает наше изучение, коронавирусная пандемия заметно повлияла на реализацию инвестиционных программ. Так, в транспортной сфере объем освоенных инвестиций снизился с 808,8 млн. долл. США в 2019 году до 770,6 млн. долл. США по итогам 2020 года (– 4,73%). Показатели 2019 года были достигнуты в 2021 году, однако наметился спад по итогам 2022 года [13]. В дорожной сфере, напротив, в 2020 году были достигнуты положительный инвестиционный результат (2,39 раза), относительный спад в 2021 году, обозначив, как и в целом по отрасли, снижение по итогам 2022 года (табл.1).

Таблица 1

**Освоение инвестиций в транспортной сфере Республики Узбекистан
за период 2019-2022 гг., млн. долл.**

Направления сферы	2019 г.	2020 г.	2021 г.	2022 г. 9 мес.	2022 г. ожид.
Количество проектов	25	30	27	21	21
Всего инвестиции, в т.ч.:	808,80	770,56	810,37	443,29	669,57
Железнодорожная сфера	443,10	515,16	507,97	303,3	479,86
Дорожная сфера	94,50	225,90	146,10	78,65	105,61
Авиационная сфера	271,20	29,50	156,30	61,34	84,10

Источник: данные Министерства транспорта Республики Узбекистан.

Между тем, китайское слово, означающее «кризис» (кит. trad. 危機, упр. 危机, пиньинь *wēijī*), часто упоминается в западных странах в мотивирующих текстах как состоящее из двух иероглифов, означающих, соответственно, «опасность» и «возможность». Сложности и практика в период экономических преобразований в независимом Узбекистане, на которые пришлись Азиатский кризис 1998 г., мировой финансово-экономический кризис 2007-2008 годов, вирусная пандемия Covid19, побуждают республику выбирать второй вариант китайского иероглифа для своего развития, постоянно адаптироваться в меняющемся экономическом мире, опираясь на собственные ресурсы, изыскивать новые резервы и возможности.

Принципиально важной стала установка по строительству новых объектов инфраструктуры на основе государственно-частного партнерства, обеспечения на этой основе занятости и дальнейшего повышения уровня жизни населения в республике [14]. При этом, строительство и реконструкция автомобильных дорог, мостов и путей, а также оснащение объектов и закупки техники утверждены в отдельном Адресном перечне (Приложение №12).

Одним из эффективных механизмов стало постепенное снижение роли государства в управлении экономическими и инвестиционными процессами с параллельным вовлечением в этот процесс национального и иностранного частного капитала.

Ряд крупных проектов в области развития дорожно-транспортной инфраструктуры реализован в 2018-2021 годах в рамках четвертого направления («Развитие социальной сферы») Стратегии дей-

ствий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах. За указанный период в республике произведены строительство, реконструкция, ремонт и техническое обслуживание более 45,3 тысячи км автомобильных дорог общего пользования и межхозяйственных дорог стоимостью 19,8 трлн сумов [15]. В частности, реконструировано 125 км автодороги А-380: Гузар – Бухара – Нукус – Бейнеу, 58-километровый участок автодороги А-373, шоссе М-39: Гулистан – Бука – Ангрэн – Коканд и Андижан – Ош, проходящий через перевал Камчик, реконструирован с цементобетонным покрытием.

Вместе с тем, отсутствие в отрасли долгосрочной стратегии привлечения инвестиций в дорожную отрасль, в том числе, на условиях государственно-частного партнерства, не позволяло использовать альтернативные источники финансирования работ, вследствие чего значительная финансовая нагрузка приходилась на государственный бюджет.

Активизация работы по международному сотрудничеству способствовала тому, что международные финансовые институты, в том числе Азиатский и Исламский банки развития, Всемирный банк, Саудовский фонд развития, Кувейтский фонд арабского экономического развития, активно участвуют в реконструкции международных коридоров Узбекистана. Так, в течение 2018-2021 годов выделено 339,7 млн. долл. США, реконструировано 497 км дорог общего пользования с цементобетонным покрытием

Принят Закон о государственно-частном партнерстве [16], совершенствуется практика его применения, создано Агентство по развитию ГЧП. В

настоящее время на основе формирующихся новых рамочных условий [17] в транспортной отрасли реализуются 5 крупных проектов на основе механизма государственно-частного партнерства (ГЧП), в том числе, 3 в дорожной сфере, среди них:

- «Строительство платной дороги Ташкент – Андижан;
- «Строительство платной автомагистрали Ташкент – Самарканд»
- «Строительство и управление» нового платного тоннеля на перевале Тахтакорача».

В разработке технико-экономического обоснования (ТЭО) проектов участвуют ведущие компании Великобритании, Польши и Австрии. В настоящее время Министерство инвестиций и внешней торговли, Агентство по развитию ГЧП и Министерство транспорта ведут переговоры с международ-

ными финансовыми организациями об оказании совместных консультационных услуг.

О большом инвестиционном потенциале ГЧП свидетельствует опыт его применения в международном масштабе. Сравнительный анализ удельного веса государственных и частных инвестиций в его реализации показывает широкий спектр специфических для каждой страны возможностей и подходов. Так, в Великобритании и ЮАР 95-100% инвестиций в этот сектор приходится на частный капитал, в Чили и Франции – 75-80%, США-65% (рис.4). Ближайшим ориентиром для Узбекистана может служить Российская Федерация, где соотношение государственных и частных инвестиций составляет 45%:55%, для достижения которого предстоит выполнить большую созидательную работу.



Рисунок 4. Соотношение государственных и частных инвестиций в проектах ГЧП в сфере развития автомобильных дорог в различных странах мира, в процентах

В Республике Узбекистан реализуется Стратегия развития транспортной системы на период до 2030 года, основной целью которой является углубление реформ, нацеленных на формирование интегрированной единой транспортной системы, повышение конкурентоспособности транспортного сектора и эффективности использования транспортной инфраструктуры [18]. По оценке экспертов Министерства транспорта, при благоприятном влиянии внутренних и внешних факторов на развитие транспортного комплекса республики реализация направлений, определенных в Стратегии, позволит достичь к 2030 году следующих показателей: рост объема грузоперевозок в 1,8 раза; объем пассажиро-перевозок в 1,6 раза; повышение подвижности населения до 231 пасс. км на 1 человека в год на автомобильном транспорте к 2030 году, что почти в два раза выше показателя 2019 года.

Выводы и предложения.

1. Сложившаяся в Узбекистане макроэкономическая ситуация, созданный благоприятный инвестиционный климат создают базу для расширенного привлечения инвестиций в национальную экономику, в том числе, в дорожно-транспортную инфраструктуру. Вместе с тем, анализ инвестиционных процессов, объемы и динамика роста инвестиций показывают, что возможностей государственных инвестиционных программ в кратко и среднесрочной перспективе будет недостаточно. Это предполагает расширенное (кратное) увеличение объемов привлекаемого капитала в инфраструктурные объекты с дальнейшей диверсификацией источников финансирования.

2. В настоящее время программы реализации проектов ГЧП сформированы с учетом кредитных ресурсов международных финансовых организаций (под гарантию правительства республики),

что непременно окажет нагрузку на бюджетную ситуацию. Для активизации частных инвестиций в проекты ГЧП необходимо провести селекционную работу среди участников рынка Узбекистана.

3. В последние годы на рынке Узбекистана отмечались такие тренды, как появление крупных отечественных компаний, имеющих высокий инвестиционный потенциал. В составе предприятий с иностранными инвестициями выявлен ускоренный рост иностранных предприятий (ИП, 100%) в сравнении с совместными предприятиями (СП, 1-99%), что объясняется, прежде всего, ростом доверия и уверенности иностранных партнеров.

Учитывая фактическое выравнивание условий для отечественного и иностранного капитала на рынке Узбекистана, вовлечение крупных отечественных и иностранных предпринимателей в инвестиционный процесс, включая проекты ГЧП, могло бы стать одним из векторов работы.

4. С учетом специфики проектов ГЧП - сложной и длительной проработки документов, реализации, эксплуатации (достижения доходности и возврата средств), на наш взгляд, необходимо создать механизм не только стимулирования, но и долговремен-

ных гарантий и стабильности, что означает новую ступень развития инвестиционного климата Республики Узбекистан.

5. Мировой опыт, как и практика Узбекистана по освоению и внедрению механизма ГЧП говорит о необычайной сложности данного процесса, который, наряду с профессионализмом и знанием конкретной сферы, требует, с одной стороны, активного освоения мирового опыта, с другой - высокого уровня менеджмента в формировании и реализации проектов с международным участием, а также переговорного мастерства.

6. Мировая практика показывает, что привлекаемые инвестиции должны быть жестко упакованы в конкретные проекты со строгим контролем и четкими критериями будущих эффектов.

Кардинальное совершенствование системы подготовки и переподготовки, повышения квалификации кадров для сферы дорожного хозяйства, в том числе в сотрудничестве с зарубежными профильными учебными заведениями и центрами становится важнейшим направлением деятельности учебных заведений в системе транспорта республики.

Источники и литература

1. <https://upl.uz/president/30147-news.html>
2. AP Azizov and Partners. *Строительство автомобильных дорог в Узбекистане* Декабрь 15, 2020 г. <https://azizovpartners.uz/ru/glavnaya/>
3. Сайм ТГТУ https://tstu.uz/?page_id=43712&lang=ru
4. Омонов К. Роль автомобильных дорог в Республике Узбекистан. *Экономика и социум*, № 11(78) 2020 г., с.1094-1097.
5. Доклад. *Стратегии развития транспортной системы Республики Узбекистан на период до 2030 года*. <https://unece.org/sites/default/files/2021-07/A.Muminov-Ministry-of-transport-rus.pdf>
6. José Navarro-Moreno, Francisco Calvo-Poyo & Juan de Oña . *Investment in roads and traffic safety: linked to economic development? A European comparison*. Published: 22 August 2022. *Environmental Science and Pollution Research* (2022) <https://link.springer.com/article/10.1007/s11356-022-22567-y>.
7. Балджи Н.А. Роль автомобильных дорог в экономическом развитии страны. *Economics and management of a national economy*. *Economics: Yesterday, Today and Tomorrow*. 2020, Vol. 10, Is. 8A.p.85.
8. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления дорожным хозяйством» от 16.02.2017 г. № УП-4954.
9. «Инвестиционная программа Республики Узбекистан» за 2015-2019 годы. Источник: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике.
10. Приложение 6 «Инвестиционной программы Республики Узбекистан» за 2015-2019 годы. Источник: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике.
11. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по внедрению передовых зарубежных методов организации работ в сфере строительства и эксплуатации, автомобильных дорог» №ПП-4035 от 27.11.2018 г.; Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по глубокому реформированию

системы дорожного хозяйства Республики Узбекистан» от 9 декабря 2019 г., № уп-5890; Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по развитию социальной и производственной инфраструктуры Республики Узбекистан в 2021 — 2023 годах» № пп-4936 от 28 декабря 2020 г.

12. Протокол заседания под руководством Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева, № 41 от 2 октября 2019 года.

13. Информация Министерства транспорта Республики Узбекистан “Освоение инвестиций в транспортной сфере Республики Узбекистан за период 2019-2022 гг.”.

14. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по развитию социальной и производственной инфраструктуры Республики Узбекистан в 2021 – 2023 годах» № ПП-4936 от 28 декабря 2020 г.

15. Джумабаев М. Дорожно-транспортная инфраструктура: проекты и свершения. Янги Ўзбекистон-Правда Востока, 13 января 2022 г.

16. Закон Республики Узбекистан «О государственно-частном партнерстве» от 10.05.2019 г. № зру-537.

17. Указ Президента Республики Узбекистан «Об очередных реформах по созданию условий для стабильного экономического роста путем улучшения предпринимательской среды и развития частного сектора» № УП-101 от 8 апреля 2022 г.; Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по реализации проекта по модернизации и управлению международным аэропортом «Самарканд» на основе государственно-частного партнерства» № ПП-238 от 7 мая 2022 г.

18. <https://unece.org/sites/default/files/2021-07/A.Muminov-Ministry-of-transport-rus.pdf>

УЎК: 330.322:005.334

Наргиза ШАИСЛАМОВА,
Тошкент молия институти катта ўқитувчиси,
E-mail: shaislamovan2002@gmail.com

Инвестиция лойиҳаларига таъсир қилувчи риск даражасини пасайтириш йўллари

Аннотация: мақолада инвестиция лойиҳаларига таъсир қилувчи рискларни пасайтиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили амалга оширилган. Муаллиф томонидан мазкур риск даражаси таъсирини юмшатиш мақсадида суғурталанадиган ва суғурталанмайдиган рискларга бўлиш тавсия этилган. Рискларни лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимлаш, лимитлаш, суғурталаш ва қутилмаган харажатларни қоплаш учун захиралаш орқали рискларни пасайтириш усуллари таклиф этилган.

Калит сўзлар: инвестиция лойиҳаси, риск, инвестиция rischi, диверсификациялаш, суғурталаш, захиралаш, лимитлаш, хеджерлаш, рискларни бошқариш.

Способы снижения уровня риска, влияющих на инвестиционные проекты

Наргиза Шаисламова,
старший преподаватель
Ташкентского финансового института

Аннотация: в статье анализируется современное состояние снижения рисков инвестиционных проектов. В целях смягчения влияния уровня этих рисков, автор рекомендует разделить риски на страхуемые и нестрахуемые. Предлагаются методы снижения рисков за счет распределения рисков между участниками проекта, страхования, лимитирования и создания резервов для покрытия непредвиденных расходов.

Ключевые слова: инвестиционный проект, риск, инвестиционный риск, диверсификация, страхование, создание резервов, лимитирование, хеджирование, управление рисками.

Ways to reduce the level of risk affecting investment projects

Nargiza Shaislamova,
Tashkent Institute of Finance, Senior Teacher

Abstract: in order to mitigate the impact of the level of these risks, the author recommends dividing the risks into insured and non-insurable. Methods are proposed to reduce risks by distributing risks between project participants, insurance, limiting and creating reserves to cover unforeseen expenses.

Keywords: investment project, risk, investment risk, diversification, insurance, creation of reserves, limiting, hedging, risk management.

Кириш. Жаҳонда халқаро капитал оқими ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг турли шакллари (infrastructure-oriented international project finance, cross-border M&As, greenfield investment)ни амалга оширишга глобал рискларнинг салбий таъсирини баҳолаш ва уларнинг олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. Халқаро Иқтисодий Форум (World Economic Forum) ҳисоботи маълумотларига кўра, COVID-19 пандемиясининг оқибатлари, экология ва табиий иқлимнинг кескин ўзгариши, иқтисодий, ижтимоий, геосиёсий ва хавфсизликка оид таҳдидлар ҳамда кибер рискларнинг турли давлатлар тараққиётига салбий таъсири аниқланган [1].

Замонавий шароитларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштиришни ривожлантиришда рисклар, уларни баҳолаш ва пасайтириш йўллари қўллашни такомиллаштириш масалаларига эътибор бериш лозим. Аввало, мил-

лий иқтисодийни жадал ривожлантириш ва ишлаб чиқаришда замонавий илғор инновацион технологияларни жорий қилиш ҳамда, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда инвестициялар бекиёс ўрин эгаллашини қайд этган ҳолда, «мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш, инвестициялардан самарали фойдаланиш» [2] Ўзбекистоннинг яқин истикболдаги устувор мақсадлардан бири, деб белгиланганлигини таъкидлаш лозим. Мазкур устувор мақсадларга эришишда инвестицияларнинг самарadorлигини таъминлаш, инвестиция лойиҳаларига таъсир қилувчи рискларни баҳолаш ва риск даражасини пасайтириш ҳал қилувчи роль ўйнайди.


Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Хорижий, МДХ давлатлари ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан рисклар, уларнинг таснифи, инвестиция рисклари, уларни баҳолаш ва пасайтириш йўллари тўғрисида бир қанча илмий изланишлар олиб борилган [3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14]. Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларда, айнан, инвестиция лойиҳаларига таъсир қилувчи рискларни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш ҳамда риск даражасини пасайтиришга оид масалалар комплекс ва тизимли тарзда тўлиқ ўрганилмаган. Инвестиция лойиҳаларига таъсир этувчи рискларни баҳолаш жараёнларини чуқур тадқиқ этиш асносида ушбу жаҳада аниқланган муаммоларнинг ечимларини ўзида акс эттирган аниқ таклиф-тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади. Иқтисодий адабиётларда риск тушунчаси қатор иқтисодчи-олимлар томонидан турлича таърифланган. «Риск» сўзи испанча-португалча сўздан олинган бўлиб, «риф», «сув остидаги қоя» деган маъноларни билдириб, бу «қояни моҳирона айланиб ўтиш маъносини, яъни хавф-хатар билан боғлиқлигини билдиради» [8]. Таниқли луғатшунос С.Ожеговнинг фикрича: «риск – бу муваффақиятга интилиш, бахтли ҳодисага умид» [15], машҳур Вебстер луғатида эса, риск «хавф, зарар ва талафот кўриш эҳтимоли» [16] сифатида таърифланган. М.Круи, Д.Галаи ва Р.Марк риск тўғрисида қуйидаги фикрларни билдиришган: «Биз риск харажат ёки йўқотиш билан

синоним эмаслигини тушунамиз. Кундалик ҳаётда биз кутадиган баъзи харажатлар жуда катта бўлиши мумкин, аммо улар бизнинг орзуларимизга (обрўмизга) хавф туғдирмайди, чунки улар олдиндан аниқлаб бўлинган ва бизнинг режаларимизда ҳисобга олинган. Ҳақиқий риск, юқорида қайд этилган харажатлар тўсатдан мутлақо қутилмаган тарзда кўпайиши ёки кўзда тутилмаган харажатларнинг юзага келиши билан боғлиқ бўлади. Риск – бу бизнинг харажатларимиз ва даромадларимизнинг аслида қанчалик ўзгарувчанлигининг ифодасидир» [6]. Рискнинг моҳияти ҳақидаги фикрлар хилма-хиллиги ушбу ҳодисанинг кўп қирралилиги, амалдаги иқтисодий қонунчиликда унинг деярли тўлиқ эътиборга олинмаганлиги, реал ҳўжалик амалиёти ва бошқарув фаолиятида етарлича фойдаланилмаганлиги билан изоҳланади. Риск мураккаб ҳодиса эканлигини ҳисобга олган ҳолда унинг таъсирини таҳлил қилиш ва баҳолаш жуда катта аҳмият касб этишини англасак-да, аммо, рискларни баҳолашнинг ягона, универсал услубининг мавжуд эмаслиги масаланинг мураккаблигини ва бугунги кунда долзарблигини англатади. Табиийки, риск турлари кўп бўлганлиги сабабли уларни таснифлашда ҳар бирининг хусусиятлари, юзага келиш сабаблари, таъсир доираси ва жуда кўплаб бошқа белгилари бўйича таҳлил қилиш мумкин, аммо чуқур ва кенг таснифлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, аксинча, рискни таснифлашдан асосий мақсад шундай ёндашув ва таснифлашни танлаш керакки, унинг асосида риск даражасини камайтиришга имкон бўлсин. Инвестиция лойиҳасига таъсир қилувчи рисклар аниқ ҳолатларда мутахассислар ва экспертлар томонидан лойиҳа қайси тармоққа тегишлилиги, лойиҳанинг кўлами, танланган технология, лойиҳа амалга оширилаётган мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳолат ҳамда лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Таҳлил ва натижалар.

Кембриж университети ҳисоботида кўра, «2020 йилда катастрофик ҳодисаларнинг оқибатида жаҳон иқтисодиёти 584 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган. Глобал ялпи ички маҳсулотга уч тоифа – табиий офатлар (179 млрд. АҚШ дол.), молия, иқтисод ва савдо (149 млрд. АҚШ дол.), геосиёсат ва хавфсизликка (141 млрд. АҚШ дол.) таҳдидларнинг салбий таъсири аниқланган» (1-расм) [17].





1-расм. Кембриж университети хисоботи маълумоти. Cambridge Global Risk Index 2020 [17]

Халқаро Иқтисодий Форум (World Economic Forum) ҳисоботига кўра, кейинги 2 йил ичида ижтимоий рисклар таъсири кўпроқ сезиларли бўлиши қайд этилгани ҳолда, 10 йиллар ўтиши муносабати билан, дунё мамлакатлари иқтисодиётига экологик рисклар энг кўп таъсир қилиши тадқиқ қилинган [1].

Дунёда инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга оширилишида устуворлик рискларни баҳолашни такомиллаштириш ҳамда риск даражасини пасайтириш бўйича таъсирчан тадбирларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Global Risks Horizon

When will risks become a critical threat to the world?



2-расм. Global Risks Horizon: When will risks become a critical threat to the world? Халқаро Иқтисодий Форум ҳисоботи маълумотлари [1]

Амалиётда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги рисклар таъсирини пасайтириш учун бир қанча йўللardan фойдаланилади:

- рискдан қочиш – риск билан боғлиқ тадбирлардан воз кечишни (демак, бунда фойдадан ҳам воз кечишни) билдиради. Бунда бир қатор рискли фаолиятлардан, яъни риск даражаси жуда юкори бўлган молиявий операцияларга пул киритишдан, катта миқдордаги қарз капиталидан фойдаланишдан ҳамда айланма маблағларини паст ликвидли активларга йўналтиришдан воз кечилади;

- рискни ушлаб қолиш – инвестор зиммасига рискни қолдириш, бунда инвестор ўз капиталини рискли тадбирларга йўналтираётганда, рисклардан кўриладиган зарарларни қоплаш учун захира маблағлари ташкил этилади;

- рискни узатиш – инвестор рискни кимнингдир зиммасига (масалан, суғурта компаниясига) юклайди. Рискни суғурталаш – муайян рискларни суғурта компанияларига бериш орқали инвесторнинг рискдан қутилиш мақсадида даромаднинг бир қисмидан воз кечиши тушунилади;

- риск даражасини пасайтириш – асосан рискларни диверсификациялаш, лойиҳа қатнашчилари ўртасида тақсимлаш, лимитлаш, захиралаш (ўз-ўзини суғурталаш), хежерлаш ҳамда суғурталаш усулларида фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, инвестиция лойиҳасига таъсир қилувчи рискларни пасайтиришнинг аниқ воситасини танлашда ортиқча таваккалчиликка йўл қўймастик, риск оқибатларини ҳисобга олиш ҳамда кам самара учун катта риск қилмаслик мақсадга мувофиқдир.

Рискларни диверсификациялаш бир-бирига боғлиқ бўлмаган турли хил фаолиятлар ўртасида рискларни тақсимлаш ҳисобланади. Диверсифика-

ция турли хил фаолиятлар ўртасида инвестицияларни тақсимлаш асосида рискнинг бир қисмидан кутулиш имконини беради (инвестиция портфелини шакллантириш). Инвестиция лойиҳасига таъсир қилувчи рискларни диверсификациялашнинг қуйидаги шакллари мавжуд: товар ва хизматлар, фаолият турлари бўйича диверсификациялаш; истеъмолчиларни диверсификациялаш; мол етказиб берувчиларни диверсификациялаш; лойиҳа қатнашчиларини диверсификациялаш.

Рискларни суғурталаш бу рисклардан оғиш ҳисобланиб, бунда мукофот эвазига рискларни суғурта компанияларига бериш орқали рискларни пасайтириш ҳисобланади. Инвестиция лойиҳаларига

таъсир қилувчи рискларни суғурталаш жараёнида рискларни суғурталанадиган ва суғурталанмайдиган риск турларига ажратиш, суғуртанинг умумий ҳамда ҳаётни суғурталаш билан боғлиқ шакллари ва уларнинг классларига ажратиш, суғурта ҳодисаси содир бўладиган шарт-шароитларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Инвестиция рисклари бўйича суғурта хизматлари кўлами анча кенг бўлишига қарамай, айрим рискларни суғурта қилиш мумкин эмас. 1-жадвалда тадбиркор ёки инвестор дуч келиши мумкин бўлган турли хил суғурталанмайдиган рисклар ва уларнинг салбий оқибатларини юмшатиш йўллари келтирилган.

1-жадвал

Суғурталаш билан боғлиқ бўлмаган рисклар ва уларни пасайтириш йўллари

Риск тури	Рискнинг салбий таъсирини пасайтириш чора-тадбирлари
1. Тижорат rischi	Молиявий кўрсаткичлар нисбатининг мақбул даражасини тўғри аниқлаш. Муайян лойиҳага инвестицияларнинг башорат қилинган даромадини ошириш усулларини тўғри танлаш.
2. Ресурсларни оптимал бўлмаган ҳолда тақсимлаш rischi	Ресурсларни мавжудлигига қараб тақсимлашда устуворликларни аниқ ва тўғри белгилаш. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг аниқлаш учун тўғри ва аниқ маркетинг тадқиқотларини олиб бориш. Матрица техникасидан фойдаланиш.
3. Иқтисодий тебранишлар ва миқдорлар дидининг ўзгариши	Самарали прогнозлаш ва режалаштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш.
4. Рақобатчиларнинг ҳаракатлари	Рақобатчиларнинг мумкин бўлган ҳаракатларини ўрганиш ва тахмин қилиш ва маркетинг ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятида уларни ҳисобга олиш бўйича фаол фаолиятни амалга ошириш.
5. Ишчиларнинг норозилиги, уларнинг кетиши ёки иш ташлашига олиб келиши мумкин бўлган риск	Ходимлар учун пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий дастурлар, уларнинг талаб ва сўровларини инобатга олган ҳолда, мотивация муаммолари, қулай психологик муҳит яратиш ва ҳ.к.
6. Капиталдан пассив фойдаланиш, бир вақтнинг ўзида катта маблағларни битта лойиҳага жойлаштириш билан боғлиқ молиявий риск ва бошқалар.	Тўғри молиявий бошқарув, пассив маблағларни фойдали лойиҳаларга вақтинча жойлаштириш ёки қисқа муддатга қарзлар бериш. Асосийси, капитал ҳаракатсиз ётмай, балки ишлаши лозим. Бошқа фирмаларни қиймати юқори ва рискли лойиҳаларни молиялаштиришга жалб қилиш ва венчур капиталидан фойдаланиш орқали рискнинг бир қисмини уларга ўтказиш.
7. Менежерларнинг хатолари	Назорат ва текширишнинг янада пухта тизимини йўлга қўйиш, асосли такрорлаш. Муҳим бизнес бўғинларида, менежернинг хатоси жуда қимматга тушиши мумкинлигини ҳисобга олиб, юқори қийматга эга лойиҳаларни амалга оширишдаги хатоларнинг мумкин бўлган молиявий оқибатларини моделлаштириш усулларидан фойдаланиш.
8. Нархлар, талаб, фойда даражасининг ўзгариши	Аниқроқ прогнозлаш. Хежерлаш ва рискни камайитиришнинг бошқа усулларини (масалан, захиралашни) қўллаш.
9. Нотўғри танланган лойиҳа rischi (селектив риск)	“Маълум” ва “қарши” барча далилларни диққат билан текшириш. Лойиҳаларнинг алоҳида мураккаблиги шароитида вариантларни аниқроқ ҳисоблаш учун моделлаштириш усулидан фойдаланиш.
10. Лойиҳа (бизнес) учун жиддий оқибатларга олиб келадиган қутилмаган сиёсий воқеалар	Буни ҳар доим ҳам олдиндан айтиб бўлмайди ва суғурта қилиш мумкин эмас. Аммо, қандайдир ҳаётини ва психологик схемаларга эга бўлиш учун ҳисобга олиш керак.
11. Қутилмаган иқтисодий зарбалар ва табиий офатлар, экологик офатлар	Форс-мажор ҳодисаси сифатида эътиборга олинмиши керак.
12. Миллий ва халқаро тартибсизликлар	Буни ҳисобга олиш ва тахмин қилиш мумкин. Худуддаги миллий психологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда, жамоатчилик билан алоқаларни тўғри йўлга қўйиш орқали жиддий оқибатлардан қочиш мумкин.
13. Қутилмаган ҳукумат қондалари (қонунлардаги ўзгаришлар, нархлар, солиқлар ва бошқалар)	Ўзбекистонда бу айниқса муҳимдир. Шунинг учун асосий қонунларнинг қонуности ҳужжатларини диққат билан ўрганиш, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий вазиятларни диққат билан кузатиб бориш керак. Мутлақо қутилмаган қарорлар содир бўлмайди. Улар жамоатчилик фикрини қайта ишлашдан кейин тайёрланади.
14. Компаниянинг молиявий кўрсаткичларига нисбатан кичик қийматли мулкни йўқотиш rischi	Ички чора-тадбирлар орқали ўзини-ўзи суғурталаш лозим.
15. Бир хил турдаги мулкнинг катта миқдорини йўқотиш rischi	Ўз-ўзини суғурталаш.

Манба: муаллиф томонидан иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосида тузилди.

Сўнгги йилларда менежерлар лойиҳани амалга ошириш жараёнида юзага келадиган турли хил ноқулай вазиятлардан инвестиция лойиҳасини суғурталашнинг комплекс дастурларига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар, бунинг сабаби, суғурта кучли ва ишончли молиявий восита сифатида ўзини намоён этиб келмоқда. Суғурталашда энг кўп мулкни суғурталаш ҳамда бахтсиз ходисалардан суғурталаш шакллари мурожаат қилинади. Мулкни суғурталашнинг қуйидаги шакллари мавжуд: моддий йўқотишлар ва зарарлардан ҳимоя қилиш мақсадида пудрат қурилишларини суғурта қилиш; денгиз ёки ҳаво транспортлари орқали ташилаётган юкларни суғурта қилиш; пудрат ташкилотларига тегишли бўлган асбоб-ускуналарни суғурта қилиш.

Бахтсиз ходисалардан суғурта қилишнинг қуйидаги шакллари мавжуд: қурилиш қатнашчила-

ри тана жароҳатлари, шахсий зарар ёки мулкий зарар кўрганларида бош пудрат ташкилотлари фаолиятини ҳимоя қилиш мақсадида умумий фуқоралик жавобгарлигидан суғурта қилиш; лойиҳалаштириш жараёнида архитекторлик ва техник нуқтаи назардан хатоларга йўл қўйилганда, лойиҳаларни бошқаришда камчиликлар келиб чиққанда бош пудрат ташкилотини моддий жавобгарликдан суғурта қилиш. Суғурта зарарни унинг барча иштирокчилари ўртасида тақсимлашдан иборат. Суғурта яратилган пул фондининг мақсадлилиги билан тавсифланади, яъни унинг ресурслари олдиндан белгиланган ҳолларда йўқотишларни қоплаш учун сарфланади. Қуйида берилган 2-жадвалда суғурта компаниялари томонидан замонавий шароитларда суғурта қилиши мумкин бўлган рисклар ва уларни пасайтириш йўллари берилган.

2-жадвал

Суғурталаш билан боғлиқ бўлган рисклар ва уларни пасайтириш йўллари

Риск турлари	Рискининг салбий таъсирини пасайтириш чора-тадбирлари
Ёнғин ва бошқа табиий офатлар	Мумкин бўлган зарар миқдорини суғурталаш
Автохалокатлар	Автомобиль суғуртаси
Ташиш пайтида юкнинг йўқотилиши ёки шикастланиш rischi	Юк қийматини суғурталаш (денгиз, авиация ва транспортнинг бошқа турлари)
Компания ходимларининг эҳтиётсизлигидан келиб чиқадиган риск	Ходимларнинг эҳтиётсизлигидан юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни суғурталаш
Компаниянинг тадбиркорлик фаолиятини вақтинчалик тўхтатиб туриш rischi	Бизнесни тўхтатишнинг бутун даври учун мумкин бўлган йўқотишлар миқдорини суғурталаш
ЯИМга нисбатан 0,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 4,6 фоизга етган. 2022 йилда кутилаётган давлат бюджети дефицити 3,8 фоиз, 2023-2027 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари эса 2,8-2,9 фоиз оралиғида бўлади [9].




3-расм. ХВЖнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари ва харажатлари бўйича прогноз кўрсаткичлари [10]

Кўриниб турибдики, прогноз кўрсаткичлар давлат бюджети дефицити белгиланган чегара – ЯИМга нисбатан 3 фоизлик меъёрдан ошиб кетмайди [12]. Лекин савол туғилади: хўш ушбу дефицит кейинги йилларда давлат қарзининг барқарор динамикасини таъминлаб бера оладими?

ХВЖнинг прогноз маълумотларидан фойдаланиб, DSA модели орқали олинган натижаларга эътибор берадиган бўлсак, прогноз қилинган бирламчи бюджет дефицити бўйича умумий давлат қарзининг ЯИМга нисбати кейинги йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлади. Хусусан, 2022 йилда кутилаётган давлат қарзининг ЯИМга нисбатан улуши 39,9 фоизгача ошса, 2022-2027 йиллар оралиғида ўртача 40,4 фоизни ташкил этади. Кўриниб турибдики, 2027 йилгача умумий давлат қарзининг ЯИМдаги улуши 38 фоиздан 40,4 фоизгача ўсиб боради. Бу динамика давлат қарзининг кейинги прогноз қилинаётган даврда беқарорлик ҳолатида бўлишини аниқлатади.



4-расм. Бирламчи бюджет дефицити прогнози ва DSA модели асосида аниқланган оптимал бирламчи бюджет дефицити динамикаси, ЯИМга нисбатан фонзда [10]



5-расм. Умумий давлат қарзининг прогноз қилинган бирламчи бюджет дефицити ҳамда оптимал бирламчи бюджет дефицити ҳолатидаги динамикаси, ЯИМга нисбатан фоизда [13]

Бизнинг таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, 2022-2027 йилларда Ўзбекистон учун оптимал бюджет дефицити миқдори ЯИМга нисбатан ўртача 1,2 фоизга тенг. Дефицитнинг ўртача шу миқдордан ошиши давлат қарзи динамикасининг ЯИМга нисбатан улушининг ўсишига олиб келади.

DSA моделининг ўзига хос хусусиятларидан бири – модель бизга оптимал давлат бюджети де-

фицити миқдорини аниқлаш имконини беради. Демак, ЯИМга нисбатан 1,2 фоизлик бюджет дефицити оптимал чегара ҳисобланади.

Яъни ўртача 1,2 фоизлик давлат бюджети дефицитида давлат қарзининг динамикаси ўсувчи эмас, камаювчи тенденцияга эга бўлади. Масалан, 2022 йилда оптимал бюджет дефицити ҳолатида давлат қарзининг ЯИМга нисбати 38 фоизни ташкил этса, 2023-2027 йилларда 37,4 фоиздан 35 фоизгача пасайиш тенденциясига эга бўлади (5-расм).

Хулоса. Юқоридаги ҳолат шуни англатадики, оптимал бирламчи бюджет дефицитини сақлаб қолиш давлат қарзи барқарорлигини таъминлашга олиб келади. Яъни моделда олинган натижалар шуни англатадики, ҳукумат йилдан йилга давлат қарзи миқдорини эмас, балки ЯИМга нисбатан улушини пасайтириб бориш чораларини кўриши керак. Яъни, давлат қўшимча қарз олиши имкониятига ҳар йили эга бўлса-да, лекин уни оптимал дефицит меъёрини таъминлаган ҳамда ташқи шокларнинг таъсирини доимо ҳисобга олган ҳолда жалб қилиши керак бўлади.

Манба ва адабиётлар

1. *Халқаро валюта жамғармасининг “Паст даромадли мамлакатлар (LICs) учун қарз барқарорлиги асослари” бўйича таҳлилий маълумотлари.*
2. *“Visual Capitalis” электрон нашриётининг расмий маълумотлари.*
3. Bogdan Andrei Dumitrescu, “The public debt in Romania - factors of influence, scenarios for the future and a sustainability analysis considering both a finite and infinite time horizon”. *Procedia Economics and Finance, Volume 8, 2014, Pages 283-292.*
4. W. Buiter, “Guide to public sector debt and deficits”. *Economic Policy: A European Forum, 1, 13–79, 1985.*
5. O. Blanchard, “Suggestions for a new set of fiscal indicators”. *Economics Department working paper 79, 1990. Paris: OECD.*
6. Weicheng Lian, Andrea F. Presbitero, and Ursula Wiriadinata, “Public Debt and r - g at Risk”. *IMF Working Paper//Research Department, July 2020, 40 p.*
7. H. Bohn, “The sustainability of fiscal policy in the United States”. *CEifo working paper No. 1446, (2005).*
7. Aslı Togan Eğrican, Selçuk Caner, Sübidey Togan, “Reforming public debt governance in Turkey to reach debt sustainability”. *Journal of Policy Modeling 44 (2022) 1057–1076.*
8. *Халқаро валюта жамғармасининг “World Economic Outlook” маълумотлар базаси расмий маълумотлари.*
9. *Халқаро валюта жамғармасининг “Republic of Uzbekistan: 2022 Article IV Consultation-Press Release; Staff Report; and Statement by the Executive Director for the Republic of Uzbekistan” номли ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тузилди.*
10. Ҳ.А.Ҳакимов, “Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришнинг молиявий механизмларини такомиллаштириши” иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. *ТДИУ – 2021 йил, 37 бет.*
11. *Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сонли қонуни - <https://lex.uz/docs/5801127>.*
12. *ХВЖ маълумотлари ҳамда моделдан олинган натижалар асосида муаллиф томонидан ишланмалар.*

УЎК: 631:339.56(575.1)

Elyor MOYLIYEV,
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti
tayanch doktoranti,
E-mail: mehrivoxidova@gmail.com

Jahon savdo tashkiloti doirasida qishloq xo‘jaligi mahsulotlari savdosi holati tahlili

Annotatsiya: ushbu maqolada qishloq xo‘jaligi va uning mamlakatlarning iqtisodiyotidagi roli va qishloq xo‘jaligi Jahon savdo tashkiloti (JST)ga a‘zolik fonida qanday rivojlanishi xususida so‘z yuritilgan. Shuningdek JSTga a‘zo bo‘lgan mamlakatlar qishloq xo‘jaligi, ularning qishloq xo‘jaligi savdosi eksporti va importi haqida ham fikr yuritilgan hamda ba‘zi mamlakatlarning JSTga a‘zo bo‘lgandan so‘ng qishloq xo‘jaligi holati maqolada tadqiq qilingan.

Kalit so‘zlar: qishloq xo‘jaligi, JST, mamlakat iqtisodiyoti, eksport, import.

Анализ состояния торговли сельскохозйственной продукцией в рамках Всемирной торговой организации

Элёр Мойлиев,

докторант Университета мировой экономики и дипломатии

Аннотация: в данной статье рассматриваются вопросы о сельском хозяйстве и его роли в экономике стран и о том, как будет развиваться сельское хозяйство на фоне членства в ВТО. Также обсуждалась торговля сельскохозйственной продукцией стран-членов ВТО, их экспорт и импорт сельскохозйственной торговли. А также в статье изучено сельскохозйственное положение некоторых стран после вступления в ВТО.

Ключевые слова: сельское хозяйство, ВТО, экономика страны, экспорт, импорт.

Analysis of the state of trade in agricultural products within the framework of the World Trade Organization

Elyor Moyliyev,

Doctoral student of the University of World Economy and Diplomacy

Abstract: this article talks about agriculture and its role in the economy of countries and how agriculture will develop against the background of WTO membership. Also, the agricultural trade of the WTO member countries, their export and import of agricultural trade was discussed. And the agricultural situation of some countries after joining the WTO has been studied in the article.

Keywords: agriculture, WTO, country's economy, export, import.

Kirish. Qadim zamonlarda mamlakat asosiy boyligi qishloq xo‘jaligida yaratilgan va bu jarayon 1750–1900-yillar oralig‘idagi sanoat inqilobidan keyingina o‘zgardi [1]. Endi mamlakatlarning asosiy boyligi qishloq xo‘jaligida emas sanoatda va xizmat ko‘rsatish sohaslarida yaratila boshlandi. Jahon banki tomonidan e‘lon qilingan (2019) ma‘lumotga qaraganda jahonning jami YaIMi deyarli 88 trln dollardan oshiqroq va bunda qishloq xo‘jaligining ulushi 3% ni (2.63 trln. doll.) tashkil qilgan [2]. Lekin bu foiz ko‘rsatkichi mamlakatlar o‘rtasida keskin farqlanadi. Ko‘pchilik rivojlangan mamlakatlarda qishloq xo‘jaligining YaIMdagi ulushi o‘rtacha atigi 1% ni tashkil qilsa, kam rivojlangan mamlakatlarda bu ko‘rsatkich o‘rtacha 22%ga tengdir [3]. Bu raqamlardan ko‘rinib turibdiki, bugungi kunda qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining umumiy YaIMdagi hajmi unchalik yuqori emas. Lekin bu raqamlar sohaning ham rivojlanayotgan ham rivojlangan mamlakatlar uchun ahamiyatini pasaytirmaydi. Aynan shu yili dunyo mamlakatlari

1-jadval

Tovarlar bo'yicha jahon eksporti

Mahsulotlar	2000 ÷.		2021 ÷.	
	Qiymati mlrd doll.da	Ulushi	Qiymati mlrd doll.da	Ulushi
Qishloq xo'jaligi mahsulotlari	551	9.0%	2060	11%
Yoqilg'i va qazilma boyliklar	857	14.1%	3364	18%
Sanoat mahsulotlari	4688	76.9%	13274	71%

Manba: https://www.wto.org/english/res_e/statistics/wts2021_e/wts2021_e.pdf

o'rtasida umumiy tashqi savdo hajmi 24.9 trln. dollarni va qishloq xo'jaligi mahsulotlarining tashqi savdo aylanmasi esa 1.8 trln. dollarni tashkil qilgan (2019) [4]. JSTga 2016-yil 29-iyuldan beri 164 davlat a'zo [5] va JSTga a'zo mamlakatlarda butun dunyo qishloq xo'jaligi mahsulotlarining 94.3 %i yoki 2.48 trln. dollari ishlab chiqarilgan (2019) [6]. Yana shuni ta'kidlash o'rinliki, 2019-yilda jahon umumiy tashqi savdosining 98.2%i JSTga a'zo mamlakatlar o'rtasida amalga oshirilgan [7]. Bu raqamlardan ko'rishimiz mumkin, qishloq xo'jaligi mahsulotlarining asosiy ishlab chiqaruvchilari, eksportyorlari va importyorlari bu JSTga a'zo mamlakatlardir. Dunyo qishloq xo'jaligi mahsulotlarining tashqi savdosi asosan JSTga a'zo mamlakatlar o'rtasida va JST qoidalari asosida olib boriladi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Bu mavzuni ko'plab chet ellik va mahalliy olimlar o'rganganlar va shu mavzu bo'yicha o'z fikrlarini bayon qilganlar. S.Traverso va S.Schiavo (2020) "Fair trade or trade fair? International food trade and cross-border macronutrient flows", C.Dalin, Y.Wada, T.Kastner va M.J.Puma (2017) "Groundwater depletion embedded in international food trade", R.Dellink, E.Dervisholli va S.Nenci (2020) "A quantitative analysis of trends in agricultural and food global value chains (GVCs)", D.Irwin (2020) "The pandemic adds momentum to the deglobalisation trend", Y.Jafari, H.Engemann va A.Zimmermann (2022) "The evolution of the global structure of food and agricultural trade: Evidence from network analysis", M.Sartori va S. Schiavo (2015) "Connected we stand: A network perspective on trade and global food security" kabi olimlar o'zlarining ilmiy ishlarida JST va uning jahon oziq-ovqat mahsulotlari savdosidagi roli haqida o'z fikrlarini bayon etganlar.

Mahalliy olimlardan V.V.Baturina, M.S. Yusupov, N.Sirojiddinov, M.Xasanova kabi olimlar o'z maqolalarida bu mavzu xususida mulohaza yuritganlar.

Tadqiqot metodologiyasi. FAO (Food and Agriculture Organization) va Jahon Bankining ma'lumotlari hamda chiqargan yillik qo'llanmalari mazkur mavzuni tadbiq etishda asosiy uslubiy baza bo'lib xizmat qiladi. Tadqiqotda nazariy mushohada, ilmiy abstraksiya, qiyosiy tahlil kabi usullardan foydalanildi.

Tahlil va natijalar. Quyidagi 1-jadvaldan jahon mamlakatlari eksporti oxirgi 10 yil ichida hamma mahsulotlar bo'yicha 3 barobardan ortiqroqqa oshganini ko'rishimiz mumkin.

2020-yilda jahon eksporti 2019-yil bilan solishtirganda albatta ancha pasaygan, buning asosiy sababi sifatida esa Covid-19 pandemiyasini keltirib o'tishimiz mumkin. Hamma mahsulotlar eksporti 2020-yilda pasaygan bo'lishiga qaramasdan qishloq xo'jaligi mahsulotlari eksporti 2019-yilga qaraganda 0.9% ga oshgan [7]. Buning asosiy sababi sifatida ko'plab mamlakatlarning Covid-19 pandemiyasi sababli kelib chiqqan krizis paytida qishloq xo'jaligi mahsulotlari eksportiga bog'liq bo'lib qolganligini ko'rsatib o'tishimiz mumkin. Ko'plab rivojlanayotgan mamlakatlarda aynan qishloq xo'jaligi asosiy ish o'rinlari yaratiladigan sohadir. 2020-yilda butun dunyo bo'ylab qishloq xo'jaligida 874 million odam ish bilan band bo'lgan va bu butun dunyodagi ishlaydigan odamlarning 27%i deganidir [8]. Bugungi kunda dunyo bo'yicha yetishtiriladigan asosiy qishloq xo'jaligi mahsulotlariga e'tibor bersak, dunyoda yetishtiriladigan jami ekinlarning yarmidan ko'prog'i shakarqamish, makkajo'xori, bug'doy va guruch hissasiga to'g'ri keladi. 2019-yilda dunyo bo'yicha yetishtirilgan ekinlarning umumiy hajmi 9.4 milliard tonnani tashkil qilgan [9]. Dunyoda 2019-yilda yetishtirilgan jami meva hajmi 883 million tonnani tashkil qilgan bo'lsa, shundan 57%i beshta meva: banan, tarvuz, olma, mandarin va uzum hissasiga to'g'ri kelgan [10]. Jahonda 2019-yilda yetishtirilgan sabzavotlar hajmi esa 1128 million tonnani tashkil qilgan va undan 45%i beshta sabzavot: pomidor, piyoz, bodring, karam va baqlajon hissasiga to'g'ri kelgan [11]. Shu yili jahonda yetishtirilgan go'shtning umumiy hajmi esa 337 million tonnani tashkil etgan va shuning yarmidan ko'pi tovuq go'shti ulushidir

[12]. Shu yili butun dunyo mamlakatlarida 2.48 trln. dollarlik qishloq xo'jaligi mahsulotlari yetishtirilgan bo'lsa, qishloq xo'jaligi mahsulotlarining tashqi savdo aylanmasi 1.8 trln. dollarni yoki umumiy qishloq xo'jaligi mahsulotlarining deyarli 73%ini tashkil

qilgan [13]. Quyidagi 2-jadvalda dunyodagi qishloq xo'jaligi mahsulotlarini eng ko'p eksport qiluvchi 10 ta mamlakatni va ularning jahondagi umumiy qishloq xo'jaligi tashqi savdo aylanmasidagi ulushini ko'rishimiz mumkin.

2-jadval

Qishloq xo'jaligi mahsulotlarining Top-10 eksportyor mamlakatlari

	Qiymati (mlrd.doll)	Dunyo eksportidagi ulushi(%)				
		2021 y.	2000 y.	2005 y.	2010 y.	2019 y.
Yevropa Ittifoqi mamlakatlari	677	38.9	41.9	37.4	35.9	36.2
Qolgan Yevropa mamlakatlari	237	12.6	13.0	11.9	12.6	12.4
AQSH	177	13	9.8	10.5	9.3	9.2
Braziliya	121	2.8	4.1	5.1	5.0	6.5
Xitoy	84	3	3.4	3.8	4.6	4.5
Kanada	82	6.3	4.9	3.8	3.7	4.1
Hindiston	50	1.1	1.2	1.7	2.1	2.2
Tailand	48	2.2	2.1	2.6	2.4	2.1
Indoneziya	46	1.4	1.7	2.7	2.4	2.0
Argentina	42	2.2	2.3	2.6	2.2	1.9
Meksika	38	1.7	1.5	1.4	2.0	1.8
Umumiy	1312	72.5	72.8	71.6	69.6	74,4

Manba: https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/wts2020_e/wts2020chapter06_e.pdf

Yuqoridagi jadvaldan oxirgi 20 yil davomida jahon qishloq xo'jaligidagi asosiy eksportyor mamlakatlarni ko'rishimiz mumkin. Bu 10 ta mamlakatga oxirgi 20 yil mobaynidagi jahon qishloq xo'jaligi mahsulotlari eksportining deyarli 70%ga yaqini to'g'ri kelgan. Asosiy eksportyor mamlakat bu Yevropa Ittifoqi mamlakatlari (27 ta mamlakat a'zo [14]) hisoblanadi. Yevropa Ittifoqi mamlakatlarining qishloq xo'jaligi mahsulotlari eksport tarkibiga qaraydigan bo'lsak, deyarli 3 dan 2 qism eksport mahsulotlari qayta ishlangan, yuqori qo'shilgan qiymatli viski, vino, pishloq kabi mahsulotlar ekanligini ko'rishimiz

mumkin [15]. Yevropa Ittifoqi mamlakatlarning asosiy tashqi savdo sherigi hisoblanadigan AQSh esa asosan go'sht mahsulotlari va hayvon ozuqalarini eksport qiladi. Yevropa Ittifoqi va AQSh jahondagi eng yirik qishloq xo'jaligi mahsulotlari savdo hamkorlari hisoblanishadi, bu ikkala savdo sheriklarining o'zaro tashqi savdo aylanmasi jahon tashqi savdo aylanmasining 40%ga yaqinini tashkil qiladi [16]. Endi dunyodagi qishloq xo'jaligi mahsulotlarining eng yirik importyorlari hisoblangan 10 ta mamlakatning jahon qishloq xo'jaligi mahsulotlari importidagi ulushini quyidagi 3-jadvaldan ko'rishimiz mumkin.

3-jadval

Qishloq xo'jaligi mahsulotlarining Top-10 importyor mamlakatlari

	Qiymati (mlrd.doll)	Dunyo importidagi ulushi(%)				
		2019 y.	2000 y.	2005 y.	2010 y.	2019 y.
Yevropa Ittifoqi mamlakatlari	630	36.3	39.2	35.7	33.3	34.3
Qolgan Yevropa mamlakatlari	191	13	12.5	11.1	10.1	10.2
Xitoy	210	3.3	5.0	7.8	11.2	12.0
AQSH	192	11.6	10.7	8.4	10.1	10.2
Yaponiya	88	10.5	7.3	5.6	4.6	4.8
Birlashgan Qirollik	75	5.8	5.9	4.6	4.0	4.2

Kanada	43	2.6	2.4	2.3	2.3	2.5
Janubiy Koreya	39	2.2	1.9	1.9	2.1	2.2
Rossiya	33	1.3	1.9	2.6	1.7	2.0
Meksika	30	1.9	1.8	1.7	1.6	1.8
Gong Kong	29	-	-	-	-	-
Umumiy	1315	76.5	76.9	71.4	72	73.1

Manba: https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/wts2020_e/wts2020chapter06_e.pdf

Yuqoridagi jadvalda jahon qishloq xo'jaligi mahsulotlarining eng yirik 10 ta importyor mamlakatlari keltirilgan. Bu 10 ta importyor mamlakatga oxirgi 20 yildagi 70%dan ortiq qishloq xo'jaligi mahsulotlari importi to'g'ri kelgan. Eng yirik eksportyor va importyor mamlakatlarni ko'rib chiqadigan bo'lsak bir jihat ko'zga tashlanadi. Ya'ni rivojlanayotgan mamlakatlar asosan qishloq xo'jaligi mahsulotlari eksportida ustunlikka egaligini ko'rishimiz mumkin. Braziliya, Xitoy, Tailand, Indoneziya, Argentina, Hindiston, Meksika kabi rivojlanayotgan mamlakatlar qishloq xo'jaligi mahsulotlarining 10 ta eng yirik eksportyor mamlakatlari sirasiga kiradi. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini eng ko'p import qiluvchi mamlakatlar esa asosan rivojlangan mamlakatlardir. AQSH, Yaponiya, Birlashgan Qirollik, Kanada, Janubiy Koreya, Gong Kong kabi rivojlangan mamlakatlar eng yirik importyor mamlakatlardir. Eng yirik importyor Yevropa Ittifoqi sanaladi. Yevropa Ittifoqining ichki ishlab chiqaruvchilarini qo'llab-quvvatlashi umuman qishloq xo'jaligi siyosatiga qaraydigan bo'lsak, JST ta'siri doirasida yaqin vaqtlar ichida ichki ishlab chiqaruvchilarni to'g'ridan to'g'ri qo'llab-quvvatlash, xalqaro savdoni qisqartiradigan eksport subsidiyasi, import kvotasi, import litsenziyasi kabi savdo instrumentlaridan foydalanish ancha qisqarganligini ko'rishimiz mumkin. Albatta bular ham o'z navbatida jahon qishloq xo'jaligi mahsulotlarining eng katta iste'molchisi va yetkazib beruvchisi bo'lgan Yevropa Ittifoqi tashqi savdosi rivojlanishida muhim rol o'ynagan. JST tashkil topgandan keyin asosiy talab sifatida mamlakatlardan eksport subsidiyasini kamaytirishni qo'ydi. Eng ko'p qishloq xo'jaligi mahsulotlari importi 560.83 milliard dollar bilan Yevropa mintaqasi mamlakatlariga to'g'ri kelsa, eng kam qishloq xo'jaligi mahsulotlari importi 20.24 milliard dollar bilan Okeaniya mintaqasi mamlakatlari hissasiga to'g'ri keladi. Vaholanki, dunyo oziq-ovqatlar importining 39.71%i to'g'ri keladigan Yevropa mintaqasida dunyo aholisining atigi 9.5%i istiqomat qiladi [17]. Dunyoning 15,6% aholisi yashaydigan[18]

Afrika mintaqasi mamlakatlariga esa butun dunyo qishloq xo'jaligi mahsulotlari importining atigi 5.7%i to'g'ri keladi. Amerika va Osiyo mintaqasi mamlakatlari esa mos ravishda 264.68 milliard dollarlik va 485.35 milliard dollarlik qishloq xo'jaligi mahsulotlarini import qilishgan. Yuqoridagi raqamlardan shunday xulosa kelib chiqadi: Jahon Savdo Tashkiloti doirasida bo'layotgan qishloq xo'jaligi mahsulotlari savdosi butun dunyo mamlakatlari uchun teng imkoniyatlar yaratib bermoqdami? Yoki rivojlanayotgan mamlakatlarning qishloq xo'jaligi rivojlangan mamlakatlarning qishloq xo'jaligi bilan raqobatga bardosh bera olmasdan aziyat chekmoqdami? Albatta yuqoridagi 2-jadvalda ko'rganimizdek dunyo qishloq xo'jaligi mahsulotlarining eng katta eksportyori bo'lgan Yevropa Ittifoqi mamlakatlari oxirgi 15 yillikda JST talablariga mos tarzda o'z ichki ishlab chiqaruvchilarini to'g'ridan to'g'ri qo'llab-quvvatlovchi va tashqi savdoni kamaytiruvchi instrumentlarni qisqartirgan.

Lekin rivojlanayotgan mamlakatlar tajribasidan shu narsa ayonki, JSTga a'zo bo'lgan har qanday rivojlanayotgan mamlakatning eng ko'p aziyat chekadigan sohasi bu qishloq xo'jaligidir.

Tashqi savdoni liberallashtirish bilan bog'liq bo'lgan mamlakatlar agrosanoat majmuasining raqobatbardoshligiga asosiy tahdidlar qatorida oziq-ovqat xavfsizligi muammosini keskinlashtirish ehtimoli bor.

Oziq-ovqat xavfsizligi muammosi ikkita asosiy jihat bilan tavsiflanadi – import qilinadigan oziq-ovqat mahsulotlarining kirib borish ko'lami va ko'pincha bu mahsulotlarning sifati pastligi. Rossiyalik iqtisodchi Sergey Glazyevning fikricha, oziq-ovqat xavfsizligi nuqtai nazaridan, ichki oziq-ovqat iste'molida import ulushining ruxsat etilgan maksimal darajasi 25%ni tashkil qiladi. Masalan, Qozog'istonda parranda go'shti importining ulushi 70 foizdan ortiq. Rossiyada import qilinadigan mahsulotlarning ichki bozordagi ulushi ham 30 foizdan oshadi.

Qishloq xo'jaligi sohasidagi JST doirasidagi yana bir muhim muammo bu genetik modifikatsiyalangan

mahsulotlar (GMO) savdosini tartibga solishdir. Qozog'iston, Rossiya, shuningdek, MDHning boshqa mamlakatlari GMO importini tartibga solish muammosiga allaqachon duch kelgan, ko'plab tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, GMO inson salomatligiga salbiy ta'sir qiladi.

Tashqi iqtisodiyotni liberallashtirishning salbiy omillari qatoriga ichki bozorda mahalliy oziq-ovqat ishlab chiqaruvchilar ulushining kamayishi kiradi, bu esa o'z navbatida turdosh tarmoqlarda bandlikka ta'sir qiladi. Eng zaiflari oziq-ovqat sanoati, ayniqsa go'sht va sut sanoatidir. Qishloq xo'jaligining moddiy-texnik bazasining doimiy ravishda yomonlashishi, tabiiy hosildorlikning pasayishi va qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishining barqarorligining pasayishi optimistikaga juda muhim tuzatishlar kiritishi mumkin.

JSTga a'zo bo'lishining salbiy natijalarini 2008-yil may oyida ushbu tashkilotning 152-a'zosi bo'lgan Ukraina allaqachon qayd etgan. JSTga a'zo bo'lgan mamlakat qishloq xo'jaligi uchun ba'zi shartlar o'zgardir:

- qishloq xo'jaligi mahsulotlariga import bojxona to'lovlarining o'rtacha darajasi 11 foiz etib belgilandi;
- 1994–1996-yillardagi bazaviy davrda qishloq xo'jaligini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashning ruxsat etilgan miqdori 1,1 milliard dollar miqdorida qabul qilindi: “yashil quti” hajmi – 140 million dollar, “sariq quti” – 1,14 milliard dollar;
- qishloq xo'jaligi mahsulotlari eksportini subsidiyalash huquqidan voz kechdi [21].

Xulosa va takliflar. Dunyo qishloq xo'jaligi mahsulotlari eksportining deyarli 64.89%i AQSH va Yevropa Ittifoqi mamlakatlari hissasiga to'g'ri keladi. Dunyo qishloq xo'jaligi mahsulotlari importining esa 61%i bu AQSH va Yevropa Ittifoqi mamlakatlari hissasiga to'g'ri keladi [23]. “Bugungi kunda Yevropa

Ittifoqi eng ochiq iqtisodiyotga ega hisoblanadi. Uning savdo hamkorlari 60 ta mamlakatni tashkil qiladi. Xitoy 36 ta savdo hamkorga ega, AQSh esa 24 ta savdo hamkorga ega hisoblanadi” [24]. Bu ikkala eng yirik eksportyor va importyor mamlakatlarning qishloq xo'jaligi mahsulotlari bo'yicha tashqi savdo siyosati va ichki ishlab chiqaruvchilarni qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlari dunyoning boshqa mamlakatlari qishloq xo'jaligiga jiddiy ta'sir o'tkazadi. Ya'ni AQSh ham, Yevropa Ittifoqi ham iqtisodiy jihatdan judayam qudratli hisoblanadi. Agar ular o'z qishloq xo'jaligi mahsulotlarini keragidan ortiqroq qo'llab-quvvatlashsa bu qolgan mamlakatlar qishloq xo'jaligiga jiddiy zarar yetkazadi. Bu albatta qishloq xo'jaligi mahsulotlari umumiy eksportda asosiy ulushga ega rivojlanayotgan mamlakatlar uchun katta muammolarni keltirib chiqaradi. Ya'ni hozirgi paytda jahondagi qishloq xo'jaligi mahsulotlari savdosi asosan rivojlangan mamlakatlar o'rtasida bo'layotganligi bunga misoldir. Qishloq xo'jaligi milliy iqtisodiyot uchun juda muhim hisoblansada, qishloq xo'jaligi mahsulotlarining tashqi savdosi yildan yilga oshib bormoqda. Qishloq xo'jaligi sohasi nafaqat rivojlanayotgan balki rivojlangan mamlakatlar iqtisodiyoti uchun ham birdek muhim soha hisoblanadi. Janubiy va Shimoliy Amerika va Osiyoning ba'zi bir rivojlanayotgan mamlakatlari ham qishloq xo'jaligi mahsulotlari tashqi savdosida sezilarli ulushga ega ekanligini ta'kidlash o'rinli. Dunyodagi eng muhim eksport va import mahsulotlari meva va sabzavot, go'sht va go'sht mahsulotlari, don va don mahsulotlaridir.

O'zbekiston ham jahon qishloq xo'jaligi mahsulotlari savdosidagi o'rini mustahkamlab borishi uchun xorijiy ilg'or mamlakatlar tajribasini tadqiq etishi maqsadga muvofiq.

Manba va adabiyotlar

1. <https://www.bbc.co.uk/bitesize/topics/zm7qtfr/articles/z6kg3j6>
2. <http://wdi.worldbank.org/table/4.2>
3. <http://wdi.worldbank.org/table/4.2>
4. https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/wts2020_e/wts2020chapter02_e.pdf
5. https://www.wto.org/english/thewto_e/whatis_e/tif_e/org6_e.htm
6. <http://wdi.worldbank.org/table/4.2>
7. https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/wts2020_e/wts2020chapter06_e.pdf
8. https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/wts2021_e/wts2021_e.pdf
9. <https://www.fao.org/documents/card/en/c/cb4477en>
10. <https://www.fao.org/documents/card/en/c/cb4477en>

11. <https://www.fao.org/documents/card/en/c/cb4477en>
 12. <https://www.fao.org/documents/card/en/c/cb4477en>
 13. <https://www.fao.org/documents/card/en/c/cb4477en>
 14. https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/wts2020_e/wts2020chapter06_e.pdf
 15. https://european-union.europa.eu/principles-countries-history/country-profiles_en
 16. J. Grueff, and S. Tangerman, “Achieving a successful outcome for agriculture in the EU–U.S. Transatlantic Trade and Investment Partnership Agreement”, Washington DC: International Food & Agricultural Trade Policy Council, Discussion Paper, February 2013.
 17. https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/wts2020_e/wts2020chapter06_e.pdf
 18. <https://www.worlddata.info/europe/index.php>
 19. <https://worldpopulationreview.com/country-rankings/countries-in-africa>
 20. https://www.wto.org/english/thewto_e/whatis_e/tif_e/dev1_e.htm
 21. Абдимолдаева Найля Калиакбаровна Поддержка сельского хозяйства в странах-членах ВТО и интеграция аграрных рынков стран Таможенного союза в мировую экономическую систему // Евразийская Экономическая Интеграция. 2010. №2 (7). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/podderzhka-selskogo-hozyaystva-v-stranah-chlenah-vto-i-integratsiya-agrarnyh-rynkov-stran-tamozhennogo-soyuz-a-v-mirovuyu-ekonomicheskuyu> (дата обращения: 26.01.2023).
 22. E. Diamand, and M. Schimpf, „Trading away EU farmers. The risks to Europe’s agriculture from the TTIP”, Brussels: TTIP Farming Report. April 2016.
 23. https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/wts2020_e/wts2020chapter06_e.pdf
 24. G. Mazure, and S. Tiltina, „Export-import dynamics within the European Union trade policy.” Paper presented at the 2015 International Conference “Economic Science for Rural Development”, Jelgava, 23-24 April 2015, pp. 268-279.
-
-
-

УЎК: 330.44+338.27(575.1)

Улугбек ШУКУРОВ,

Қарши давлат университети таянч докторанти,

E-mail: shukurov.u@gmail.com

Ўзбекистон ҳудудларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиги таҳлили

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида саноат тармогининг ўрни ва ҳудудларда бу тармоқнинг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган. Хусусан, ҳудудларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти ўсиши ва ҳажм субиндекслари бўйича аниқланувчи фаоллик индекси воситасида баҳоланган. Натижалар асосида яқин истиқболда Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм ва Наманган вилоятларини саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришида юқори салоҳиятли ҳудудларга айлантириши имкониятлари асосланган.

Калит сўзлар: тараққиёт стратегияси, ялпи ички маҳсулот таркиби, саноат, ҳудуд, физик ҳажм, фаоллик.

Анализ активности регионов Узбекистана по производству промышленной продукции

Улугбек Шукуров,

Базовый докторант Каршинского
государственного университета

Аннотация: в статье анализируется роль промышленного сектора в экономике Республики Узбекистан и тенденции развития его в регионах. В частности, производственная активность промышленных товаров регионов оценивалась с помощью индекса активности, определяемого субиндексами роста и объема. На основе полученных результатов обоснованы возможности превращения в ближайшей перспективе Кашкадарьинской, Сырдарьинской, Хорезмской и Наманганской областей в регионы с высоким потенциалом производства промышленной продукции.

Ключевые слова: стратегия развития, структура валового внутреннего продукта, отрасль, регион, физический объем, активность.

Analysis of the activity of the regions of Uzbekistan in the production of industrial products

Ulugbek Shukurov,

Doctoral student of Karshi state university

Abstract: the article analyzes the role of the industrial sector in the economy of the Republic of Uzbekistan and trends in the development of this sector in the regions. In particular, the production activity of industrial goods in the regions was assessed using an activity index determined by sub-indices of growth and volume. Based on the results, the possibilities of turning Kashkadarya, Syrdarya, Khorezm and Namangan regions into regions with high potential in the production of industrial products in the near future are substantiated.

Keywords: development strategy, GDP structure, industry, region, physical volume, activity.

Кириш. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг [1] 22-мақсадида миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробарга ошириш назарда тутилган. Хусусан, 2026 йилга қадар ишлаб чиқариш ҳажмини автомобиль саноатида 1,4 баробар, қурилиш материалларида 2 баробар, тўқимачилик саноати маҳсулотлари бўйича 2 баробар, чарм-пойабзал маҳсулотларида 3 баробар, фармацевтика саноати маҳсулотларида 3 баробар, мебель маҳсулотларида 2,8 баробар, шунингдек, электротехника саноатида юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга ошириш белгиланган. Стратегияда саноат кластерларини таш-

кил этиш бўйича ҳам мақсадлар кўйилган бўлиб, жумладан, мис саноати кластерини ташкил этиш орқали мис ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробар кўпайтириш ҳамда 8 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун асос яратиш, “Навоийазот” АЖ ва унга туташ ҳудудлар негизида кимё технологик кластери фаолиятини йўлга қўйиш, Чирчиқ шаҳрида кишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқаришини ягона саноат кластери усулида ташкил этиш қайд этилган.

Мазкур мақсадларни амалга оширишда саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш дастурларини кенг жорий қилиш ва иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни давом эттириш муҳим аҳамият касб этиб, бу ўз навбатида, тадқиқот мавзусининг долзарблигини асослайди.

Адабиётлар таҳлили. Иқтисодиётнинг юқори унумдор тармоқларини ривожлантириш орқали таркиётга эришиш концепциясининг назарий-услубий асослари 1950 йиллардан яратила бошланди. Бундай адабиётлар контекстида унумдорлик юқори тармоқ сифатида саноат комплекси назарда тутилади. Жумладан, А.Люис [2] томонидан ишлаб чиқилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали иқтисодий ўсишга эришиш назарияси, кейинчалик Ранис ва Феи [3] томонидан бу назариянинг такомиллаштирилган варианты, Баумолнинг [4] “мувозанатлашмаган кенгайиш модели”да ҳам ишлаб чиқариш соҳасига унумдор тармоқ сифатида қаралади.

Саноат тармоғининг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги аҳамияти МДХ мамлакатлари олимлари томонидан ҳам кенг миқёсда тадқиқ қилинган. Рус олимлари Ковалева ва Питкиналар “Россия иқтисодиётида сўнгги ўн йилликдаги бозор ўзгаришлари саноат ишлаб чиқариши минтақаларнинг асосий тармоқларини доимий равишда унумдор, рақобатбардош ва юқори технологияли ускуналар, техника ва технологиялар билан таъминлаш орқали уларнинг ҳудудий ва тармоқ тузилмаларини илмий, технологик ва инновацион ривожлантиришдаги етакчи ролини сезиларли даражада кучайтирди” [5], деб таъкидлайдилар. Улар Пермь ўлкаси, Свердловск ва Челябинск вилоятлари бўйича олиб борган тадқиқотлари асосида саноат маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ва юқори технологияли ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши минтақаларда ихтисослашган кластерларни ташкил этилиши сифати билан боғлиқ, деган хулосага келдилар. Ўз ўрнида, бу каби кластерлар етказиб

берувчилар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар тармоғининг минтақавий концентрацияси асосида шаклланади. Бунда минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун стратегик дастурлар, илмий-технологик, саноат ҳамда инновацион сиёсат муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек олими Э.Якубова минтақада ҳудудий мутаносибликни аниқлаш мақсадида саноат ишлаб чиқаришининг таркибий, технологик ва экспортга йўналтирилганлик жиҳатлари асосида диверсификация даражасини баҳолайди. Шунингдек, саноатнинг ихтисослашуви коэффициенти негизида ҳудудларнинг рақобат устунликларини баҳолашни таклиф қилади. Муаллиф ушбу ёндашувлар “туман ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг кучли ва заиф томонларини ҳамда истикболли ўсиш нуқталарини аниқлаш имконини беради” [6], деган хулосага келади. Шунингдек, Г.П.Эркаева ва Ш.Жахонгиров минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда саноатга янги капитал кўйилмаларини жойлаштириш устидан марказлашган назорат ўрнатиш назарияларини таҳлил қилишган [7].

Тадқиқот услубиёти. Тадқиқотда республика ҳудудларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаоллигини аниқлаш услубиёти мураккаб индексга келтириш усули асосида интеграл индексга саноат тармоқларининг ўсиш (физик ҳажм) ва ҳажм субиндикаторлари ҳамда вазн кўрсаткичларини кiritиш орқали такомиллаштирилди. Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг таққосланадиган даврлардаги ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир. Мураккаб индексга келтириш формуласи қуйидагича ифодаланади:

$$Z_{ij} = \frac{x_{ij} - \min(x_j)}{\max(x_j) - \min(x_j)} \quad (1)$$

бунда Z_{ij} – i - ҳудуддаги j - тармоқ учун нормаллаштирилган кўрсаткич (бизнинг мисолимизда $i=14, j=4$);

x_{ij} – i - ҳудуддаги j - тармоқнинг иқтисодий кўрсаткичи.

Ҳудуднинг ўсиш ва ҳажм субиндекслари қуйидагича аниқланади:

$$Y_{ik} = \frac{1}{n} \sum_{j=1}^n Z_{ij} \quad (2)$$

бунда Y_i – i - ҳудуднинг k – субиндекси (бизнинг мисолимизда $k=2$).

Худуднинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаоллиги индекси куйидагича аниқланади:

$$A_i = \sum_{k=1}^n w_k \cdot Y_{ik}(3)$$

бунда A_i – i - худуднинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаоллиги индекси;

w_k – субиндексларга бириктирилган вазн кўрсаткичлари. Вазнларнинг йиғиндиси 1 (100 фоиз) га тенг қийматни ташкил этади.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаоллигини аниқлашда (1) тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, (2) ишлаб чиқарадиган саноат, (3) электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, (4) сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тармоқларининг кўрсаткичларидан фойдаланилди. Ҳар бир саноат тармоғи учун кўрсаткичлар (1) формула асосида худудлар бўйича нормаллаштирилди. Субиндекслар нормаллаштирилган кўрсаткичлар бўйича (2) формула асосида аниқланди.

Бизнингча, худуднинг саноат соҳасидаги потенциални аниқлашда юқори ўсиш суръатларининг ўзи етарли бўлмайди. Шундай экан, худудларни қиёсий баҳолашда ўсиш суръати ва маҳсулот ҳажми кўрсаткичларига тенг қийматдаги вазнлар бериш мамлакатнинг йирик саноат худудларига номувофиқ баҳо бериш ва уларнинг рейтингини тушириб юборишга сабаб бўлади. Шуларни инобатга олиб, вазн кўрсаткичларини бириктириш эксперт баҳолаш асосида ўсиш субиндекси учун 0,35, ҳажм учун 0,65 коэффицент миқдорида белгиланди.

Таҳлил ва натижалар. Сўнгги беш йилликка назар ташланса, Ўзбекистон иқтисодиётида сезиларли таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. ЯИМ таркибида маҳсулотларга соф солиқларнинг улуши 3,8 фоиз бандга камайиб, тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 92,8 фоизга етди. Бу эса мамлакатда ишлаб чиқариш жараёнини рағбатлантиришга қаратилган иқтисодий сиёсат юритилаётганидан далолат беради (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти таркиби, фоиз

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
ЯИМ, жами	100	100	100	100	100
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	89,0	89,3	91,5	92,6	92,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	11,0	10,7	8,5	7,4	7,2
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	100	100	100	100	100
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	32,2	30,0	26,9	27,1	26,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	26,5	31,1	34,4	34,2	34,5
Саноат	21,1	25,3	28,1	27,5	27,8
Қурилиш	5,4	5,8	6,3	6,7	6,7
Хизматлар	41,4	38,9	38,7	38,7	38,6


Манба: Статистика агентлиги маълумотлари.

ЯИМ (тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати) таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 5,3 фоиз бандга қисқарди. Эътиборлиси шуки, бу тармоқнинг улуши 2012-2016 йилларда (аввалги беш йиллик) 0,5 бандга қисқарган. Бу ўзгаришлар таркибий ўзгаришларнинг сўнгги йиллардаги жадал суръатини кўрсатади. Бу даврда саноат (қурилишни қўшган ҳолда)нинг улуши 7,9 бандга ортиб (аввалги беш йилликда 2,1 фоиз банд), 34,5 фоизни ташкил этди. Бу ўсишда қурилиш тармоғининг улуши 1,3 фоиз бандини ташкил

этди. Хизматлар соҳасида эса 2014 йилдан буён улушнинг қисқариш тенденцияси давом этиб келмоқда. Таҳлил даврида бу тармоқнинг улуши 2,8 бандга қисқарган.

Ўзбекистонда ЯИМ 2017-2021 йилларда 127,2 фоизга ўсиб, унда тармоқларнинг ялпи қўшилган қийматининг ўсиши 127,3 фоизни ташкил этди. Ўсиш декомпозицияси таҳлил қилинса, саноат (қурилишни қўшган ҳолда) ўсишининг 63,8 фоизи, хизматлар соҳаси 28,7 фоизи ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 7,6 фоизини таъминлаган.

Таҳлил даврида иқтисодий ўсишга энг кўп ҳиссани саноат тармоғи кўшган бўлиб, бу ҳолат бевосита ЯИМ таркибида тармоқ улушининг кескин ортиши билан боғлиқ. Иқтисодий ўсишни таъминлашдаги саноат тармоғининг бундай доминант позицияси унинг бугунги кунда мамлакатдаги аҳамиятини кўрсатади (1-расм).



- Саноат (қурилиш билан)
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
- Хизматлар

1-расм. 2017-2021 йилларда ЯИМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси, (жамига нисбатан фоизда)

Манба: Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати таҳлилдан кўриш мумкинки, ЯИМга кўшилган қиймати жиҳатдан улуши пасайишига қарамай, таҳлил даврида хизматлар соҳаси энг юқори ўсишга эришган. Ўтган йилга нисбатан ўсиш бўйича фақат 2018 йилда саноатдан ортда қолган бу соҳа қолган барча йилларда бошқа тармоқларни ортда қолдирган ва жами 168,0 фоизга ўсган.

Тадқиқотда Ўзбекистон ҳудудларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаоллиги саноат маҳсулоти ҳажми ва ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари асосида баҳоланди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон ҳудудларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаоллиги

Қўрсаткичлар	Ўсиш субиндекси			Ҳажм субиндекси			Фаоллик индекси		
	Йиллар								
Худудлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	0,20	0,19	0,37	0,12	0,11	0,12	0,15	0,14	0,21
Андижон	0,56	0,21	0,35	0,20	0,18	0,13	0,33	0,19	0,21
Бухоро	0,28	0,36	0,25	0,13	0,09	0,08	0,18	0,18	0,14
Фарғона	0,50	0,20	0,32	0,15	0,16	0,15	0,27	0,17	0,21
Жиззах	0,21	0,49	0,46	0,01	0,01	0,02	0,08	0,18	0,17
Наманган	0,28	0,43	0,55	0,07	0,10	0,12	0,14	0,22	0,27
Навоий	0,23	0,52	0,20	0,47	0,57	0,51	0,38	0,56	0,40
Қашқадарё	0,02	0,29	0,60	0,42	0,18	0,25	0,28	0,22	0,37
Самарқанд	0,21	0,32	0,44	0,10	0,10	0,10	0,14	0,18	0,22
Сирдарё	0,29	0,32	0,53	0,16	0,15	0,16	0,21	0,21	0,29
Сурхондарё	0,35	0,28	0,46	0,02	0,02	0,01	0,14	0,11	0,17
Тошкент	0,30	0,26	0,47	0,61	0,59	0,61	0,50	0,47	0,56
Тошкент ш.	0,32	0,18	0,49	0,75	0,89	0,87	0,60	0,64	0,74
Хоразм	0,47	0,24	0,64	0,03	0,04	0,04	0,19	0,11	0,25

Манба: муаллиф ишланмаси.

Ўсиш субиндекси бўйича таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида тадқиқ қилинаётган даврда жадал суръатларда ўсиш кузатилган. Пандемия даврида субиндекснинг қийматлари 7 та ҳудудда ўтган йилга нисбатан камайган. Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи ҳудудларнинг 2 таси (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти)да ҳам пасайиш кузатилган. 2021 йилга келиб, Хоразм, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари бу кўрсаткич бўйича етакчи ҳудудларга айланишган.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми субиндекси бўйича Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятлари етакчи ҳудудлар сифатида қайд этилган. Наманган ва Қашқадарё вилоятларида бу субиндекс бўйича ҳам ўсиш кузатилган. Таҳлил даврида ҳудудлараро рейтингда Қашқадарё вилояти 4-ўринда сақланиб қолган бўлса, Наманган вилояти 11-ўридан 8-ўринга кўтарилган. Сурхондарё, Жиззах ва Хоразм вилоятлари эса сўнги поғоналардан жой олган. Жумладан, 2021 йилда Сурхондарё вилояти 2019 йилги 13-ўридан сўнги (14-ўрин) ўринга тушиб қолган. Бу ҳолат вилоят саноатининг ўсиш субиндексида ҳам кузатилган бўлиб, ҳудудлараро рейтингда 4-ўридан 7-ўринга пастлаган.

Хулоса. Тадқиқот натижасида аниқланган фаоллик индекси таҳлилига кўра, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятлари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг фаол ҳудудлар ҳисобланади. Шунингдек, таҳлил даврида Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм ва Наманган вилоятларида саноат фаоллиги ортиб, рейтингда юқорироқ поғоналарга кўтарилган. Энг катта ўзгариш Наманган вилоятида содир бўлиб, ҳудуд фаоллик бўйича рейтингда 5 поғонага (6-ўрин) юқорилаган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, яқин истикболда мазкур ҳудудларни мамлакатнинг саноат тармоғидаги юқори салоҳиятга эга ҳудудларига айлантириш имконияти юқори.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мазкур услуб ёрдамида нафақат саноат ишлаб чиқариш бўйича етакчи ҳудудлар, балки келажакда мамлакат саноатига юқори ҳисса қўшиши мумкин бўлган потенциал ҳудудларни ҳам аниқлаш мумкин. Бизнингча, бу йўналишдаги таҳлиллар натижаси минтақавий сиёсат ва ҳудудий инвестиция дастурларининг устувор йўналишлари, ҳудудлар саноатининг барқарор ривожланаётган соҳаларини аниқлаш ва уларни иқтисодиётнинг драйвери сифатида белгилаш мақсадларига хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги №ПФ-60 сонли Фармони.*
2. Lewis W.A. *Economic development with unlimited supplies of labor // Journal of the Manchester school of economics and social studies.* – 1954. № 22(2), P. 139–191.
3. Fei J.C.H., Ranis G. *A theory of economic development.* // *The American Economic Review.* – 1961. № 51(4), P. 533-565.
4. Baumol W. *Macroeconomics of unbalanced growth: the anatomy of urban crisis // American Economic Review.* – 1967. № 57(3), P. 415-426.
5. Ковалева Е.Б., Пыткина С.А. *Промышленное производство как приоритетное направление развития региональных пространственно-отраслевых структур в рыночной среде // Вопросы инновационной экономики.* – 2021. – Том II. – № 2. – С. 613-626. doi: 10.18334/vines.11.2.112108
6. Якубова Э. *Саноатни диверсификациялаш ва ихтисослаштиришнинг ҳудудий хусусиятлари (Тошкент вилояти мисолида). Иқтисодиёт фан. фалс. док. (PhD) дисс. ... автореф.* – Тошкент, 2022. – Б.29.
7. Эркаева, Г. П., & Жаҳонгиров, Ш. (2023). *Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва тартибга солишнинг назарий асослари. Innovative Development in Educational Activities, 2(2), 115-120.*

**Sanoat, agrar va hududiy iqtisodiyot / Промышленность, сельское хозяйство и
региональная экономика / Industry, agriculture, and regional economy**

УЎК: 332.14(575.1)

Фархад РАХИМОВ,
*техника фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия
вазирлиги бўлим бошлиги,*
E-mail: fraximov@mineconomy.uz,
Дилноза ИБОДОВА,
*Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришининг
иқтисодий-ҳуқуқий шароитларини яратиш бошқармаси бош мутахассиси,
E-mail: dibodova@mineconomy.uz*

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
корхоналари рақобатбардошлигига
инфратузилмаларнинг таъсири:
Россия Федерацияси тажрибаси мисолида**

Аннотация: мақолада инфратузилма, замонавий (инновацион) инфратузилма тушунчаларининг моҳияти, уларнинг мамлакат иқтисодиёти ривожланишида тутган ўрни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ривожланиши билан ўзаро боғлиқлиги ёритилган. Шунингдек, мамлакатимиз миллий иқтисодиёти, корхоналар ва тармоқлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий (инновацион) инфратузилмаларни ривожлантиришга оид таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: инфратузилма, замонавий (инновацион) инфратузилмалар, технологик парк, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес, рақобатбардошлик, рақобат муҳити.

Влияние инфраструктуры на конкурентоспособность предприятий малого бизнеса и частного предпринимательства: на примере опыта Российской Федерации

Фархад Рахимов,
*доктор технических наук,
Начальник отдела Министерства экономики и финансов Республики Узбекистан,*

Дилноза Ибодова,
*главный специалист Управления по созданию
экономически-правовых условий развития
цифровой экономики*

Аннотация: в статье освещена сущность понятий инфраструктуры, современных (инновационных) инфраструктур, их роль в развитии экономики страны, взаимосвязь с развитием малого бизнеса и частного предпринимательства. Также, выдвинуты предложения по развитию современных инфраструктур в целях повышения эффективности народного хозяйства, предприятий и отраслей нашей страны.

Ключевые слова: инфраструктура, современных (инновационных) инфраструктур, технопарк, частное предпринимательство, малый бизнес, конкурентоспособность, конкурентная среда.

**The impact of infrastructure on the
competitiveness of small businesses and
private entrepreneurship: on the example
of the experience of the
Russian Federation**

Farxad Rakhimov,
Doctor of technical sciences,
Deputy Head of the Ministry of Economy and Finance
of the Republic of Uzbekistan,

Dilnoza Ibodova,
Chief Specialist Department for the creation of
economic and legal conditions for the development of
the digital economy

Abstract: *the article highlights the essence of the concepts of infrastructure, modern (innovative) infrastructures, their role in the development of the country's economy, the relationship with the development of small business and private entrepreneurship. Also, proposals were put forward for the development of modern infrastructures in order to increase the efficiency of the national economy, enterprises and industries of our country.*

Keywords: *infrastructure, modern (innovative) infrastructures, technology park, private entrepreneurship, small business, competitiveness, competitive environment.*

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон Фармони билан иқтисодиётнинг реал секторида илмий ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш даражаси, илм-фан, таълим ва саноат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор вазифалар белгиланган [1]. Ушбу вазифаларнинг самарали бажарилиши кўп жihatдан соҳалардаги инсон капитали, мавжуд замонавий (инновацион) инфратузилма субъектларининг самарали фаолиятига боғлиқ.

Иқтисодиёт атамаларининг изоҳли луғатида келтирилишича [2], инфратузилма – ижтимоий-иқтисодий жараёнларга хизмат кўрсатувчи соҳалар, ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш шарт-шаротини таъминловчи объектлар мажмуи. Ишлаб чиқаришни энергия билан таъминлаш, транспорт, алоқа, коммунал хизматлар, информатика ва бошқалар ишлаб чиқариш инфратузилмасини ташкил қилади. Аҳолининг турмуш тарзини таъминловчи уй-жой, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви тизими, соғлиқни сақлаш муассасалари, ўқув юртлари, фан ва шу каби соҳалар ижтимоий инфратузилма хисобланади. Улардан фарқли тарзда замонавий

(инновацион) инфратузилма субъектлари деганда, биз айнан ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тезлаштирувчи (инновацион кластерлар, венчур ташкилотлар, инновацион технопарк, технологиялар трансфери маркази, стартап акселератор, инкубатор ва ҳ.к.) тузилмаларни тушунамиз.

Асосий қисм. Россия Федерацияси кластер ва технопарклар Ассоциацияси директори Андрей Шпиленконинг 2021 йил якунлари шарҳида [3] 125 та кластерлар бир-бирини тўлдирувчи кичик, ўрта ва йирик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик корхоналарини ўзига бириктирган алоҳида компаниялар фаолияти, рақобатдошлиқни кучайтирувчи асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар, ихтисослаштирилган хизматлар, инфратузилма, илмий-тадқиқот институтлари, университетлар ва бошқа етказиб берувчи ташкилотларнинг географик жиҳатдан кооперацион алоқалари таъминланган, маҳаллийлаштиришга йўналтирилган ўзаро боғланган ҳамкорлиги эканлиги баён этилган. Замонавий (инновацион), жумладан инновацион инфратузилмаларнинг ўзига хослиги, ривожланиши ва фаолияти билан боғлиқ жиҳатлар, хориж тажрибаси, Россия Федерацияси технопарклари ташкилий моделларининг ўзига хосликлари, фаолияти натижалари ва ривожланишидаги муаммолар қатор илмий мақолаларда [4-7] таҳлил қилинган.

О.В.Стулов, Н.Е.Чевичеловалар [8] технопаркларни керакли асбоб-ускуналар ва юқори малакали кадрлар билан таъминланган, ахборот ва экспериментал база асосида тадбиркорларни илмий-техник соҳада ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратувчи инновацион инфратузилма субъекти деб қараганлар. Бунда технопарклар самарали ишлашининг асосий шартлари сифатида яхши илмий-техник салоҳиятга эга университетлар, ривожланган алоқа ва транспорт коммуникацияси, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси, лаборатория ва тажриба ишлаб чиқариш хоналари, илмий-техник ходимлар учун офислар, яшаш инфратузилмаси (яшаш жойлари, тиббий хизмат, савдо ва овқатланиш тармоқлари) ва ижобий ижтимоий муҳит лозимлигини келтириб ўтганлар.

2022 йил якунлари билан боғлиқ шарҳда [9] эса 129 та технопарк – резидентларнинг жойлаштирилиши ва ривожини билан боғлиқ мукамал хизмат кўрсатишни амалга оширувчи коммунал, транспорт ва технологик инфраструктурани бошқарувчи компаниялар фаолият кўрсаткичлари келтирилган.

Бунда технопарклар саноат технопарклари ва юқори технологиялар йўналишидаги технопаркларга бўлиниши, уларнинг ҳар иккиси ҳам саноат маҳсулотлари ва технологияларни ишлаб чиқариш, бозорга юбориш учун зарур бўлган бинолар, тузилмалар, қурилма ва жиҳозларга эга комплекс объектлар эканлиги ҳамда улар илм-фан билан бизнес тузилмалар ўртасида инновацияларнинг яратилишида кўприк вазифасини бажариши келтирилган.

Саноат технопарклари технологик жараёнлари:

- илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ, яъни “НИОКР”);
- тажриба ишлаб чиқариш;
- кичик ҳажмли ишлаб чиқариш;
- саноат ҳажмидаги серияли ишлаб чиқариш.

Юқори технологиялар йўналишидаги технопарклар жараёнлари:


- ғоя;
- илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари;
- номоддий активлар (дастурий таъминот, технологик ва конструкторлик ҳужжатлари, юқори технологик хизматлар)ни яратиш.
- технологик инкубаторлар – тижорат ишланмаларини яратишга ихтисослаштирилган тузилма бўлиб, аксарият ҳолларда технопарклар ҳажмида фаолият кўрсатади.

- илмий (тадқиқот) парклар – университетлар билан технопаркларга нисбатан янада жипсроқ ҳамкорликда ишловчи тузилма бўлиб, унда маҳоратли мутахассислар томонидан илмий ҳажмдор тадқиқотлар ўтказилади.

Нидерланды	1970-1982гг.	8,6; 14,1; 1,9	Рост объема валовой продукции сельского хозяйства в 1,4 раза (с 6,77 млрд долл. США в 1971 г. до 9,34 млрд долл. США). Рост производства молока в 1,5 раза (с 8,4 млн тонн до 12,7 млн тонн). Усиление региональной специализации хозяйств (в конце 1970-х годов более 95% специализированные хозяйства).

Примечание: объем валовой продукции указан в постоянных ценах 2014-2016гг., долл. США.

Источник: расчеты авторов на основе данных FAO.

Чили (1984-1998 гг.)

В 1973г. в Чили пришел к власти генерал Пиночет и новшеством в Латинской Америке стала его

неолиберальная политика. Аграрная политика находилась в подчинении основной макроэкономической стратегии, которая имела главную цель, такую как либерализация национальной экономики и интеграция Чили в мировую экономику.

1. Данные Всемирного Банка

Неолиберальная трансформация Чили делится на два этапа. **Первый этап** – «догматический неолиберализм» продолжался до кризиса 1982–1983гг. Хотя ключевые элементы неолиберальной стратегии в этот период были реализованы, но сельское хозяйство оставалось очень неустойчивым [2].

Второй этап можно охарактеризовать как «прагматичный неолиберальный» (1984-1989гг.). Во время этого этапа сельское хозяйство стало наиболее динамичным сектором экономики и резко вырос экспорт сельскохозяйственной продукции. Пренебрежение к такому традиционному сектору как сельское хозяйство исчезло, хотя и в пользу преимущественно капиталистического аграрного производства. Были частично восстановлены площади под продовольственными культурами, их урожайность существенно повысилась. Однако, у крестьян для достижения роста урожайности не было ни техники, ни финансовых средств.

Таким образом, аграрная политика впервые с 1973г. признала специфические проблемы сельскохозяйственного сектора. От шоковых экономических мер новая политика отказалась в пользу постепенного преобразования производства через стимулирование модернизации капиталистических ферм и, хоть и в меньшей степени, отдельных крестьянских хозяйств, считавшихся «жизнеспособными». Для части «основных, однолетних или традиционных культур» был принят ряд мер с определенной степенью протекционизма, таких как: повышение импортных таможенных пошлин, установление минимальных цен или ценовых коридоров. Правительство Чили внедрило меры по поддержке доходов фермеров, учредив государственный фонд для поддержки финансирования минимальных цен на отдельные виды сельхозпродукции [3]. Основная цель политики состояла в том, чтобы сделать традиционное сельское хозяйство более конкурентоспособным посредством увеличения урожайности. Макроэкономическая политика продолжала стимулировать развитие экспорта и экспорт агропродукции стал процветать. Приоритетным стало развитие экспортных отраслей, которые имеют сравнительные преимущества на мировом рынке. Например, если в стране наблюдается дефицит пшеницы для обеспечения внутреннего спроса, то не следует ее производство поддерживать государственными дотациями, если в итоге ее стоимость будет выше цен на мировом рынке. Лучше оказывать поддерж-

ку производству той продукции, себестоимость которой будет ниже среднемировой, а дефицит пшеницы покрыть импортом. Таким образом, во время правления Пиночета впервые в своей истории Чили вышла на мировой рынок как крупный экспортер свежих и мороженых фруктов, сок концентратов, томатной пасты и рыбной муки.

В этот период проходила «легкая фаза» сельскохозяйственной модернизации. Ограниченные протекционистские меры наряду с восстановлением экономики Чили дали новый стимул для развития ослабевающего традиционного сельскохозяйственного сектора. Это оказало решающее воздействие для его выживания и модернизации. Государственные чиновники были лишены возможности диктовать фермерам, что они «должны есть своих коров», и переключаться с животноводства на производство более прибыльных культур. Напротив, традиционные отрасли как животноводство и производство сахарной свеклы начали активно восстанавливаться и развиваться.

Переход от неолиберализма к неоструктурализму (1990-2002гг.). Началом этого периода является приход к власти в 1990г. демократически избранного правительства «Консертасьон». Так что же отличает аграрную политику после 1989г. от политики периода Пиночета? Первое, проведение политики сохранения макроэкономической стабильности для получения хотя бы согласия, а не поддержки со стороны класса капиталистов и создания более благоприятного климата для притока иностранных инвестиций. Второе, приоритетность экспорта сельскохозяйственной продукции сохранилась. Правительство «Консертасьон» с нежеланием реализовывало какие-либо крупные экономические и социальные инициативы, которые могли бы подорвать активный рост экспорта, например, создание профсоюзов, благоприятных для рабочих села. Третье, преемственность также выражалась в сохранении и даже усилении позиций Чили на мировых рынках. После присоединения Чили в 1996г. к МЕРКОСУР (Mercado Común del Sur, что означает «Южно-американский общий рынок») усилилась иностранная конкуренция, особенно в традиционном сельскохозяйственном производстве. Дополнительно усилило конкурентное давление присоединение Чили к НАФТА (North American Free Trade Agreement – Североамериканское соглашение о свободной торговле).

Республика Корея (1971-1977 гг.)

Важной частью южнокорейской экономической стратегии в 1970-х гг. стало Движение за новую общину/деревню «Сэмабль Ундон». Хотя предыдущая аграрная реформа ликвидировала феодально-помещичье землевладение в пользу частно-крестьянского, фермерского хозяйства, и была заметным прогрессом в аграрном секторе, но не смогла устранить сильную отсталость деревни, в которой проживало 2/3 населения страны. Вклад аграрного сектора в продовольственное обеспечение страны стремительно падал. Активная индустриализация перетягивала население в города, оставляя сельские районы без рабочей силы.

Для ускоренного решения проблем села и поднятия до современного уровня деревень, Правительство Кореи пришло к выводу о необходимости объединения 3 рычагов: механизмов рынка, системы государственного кредитования и традиционных крестьянских ценностей – солидарности и взаимопомощи. Власти списали ростовщические долги, значительно повысили закупочные цены, стали осуществлять на льготных условиях поставки удобрений и высокоурожайных семян. Такие проекты общинного значения, как например улучшение сельских дорог, строительство ирригационных сооружений, получили большее внимание со стороны Правительства.

Несмотря на энергичные усилия властей и значительные финансовые затраты, наметились некоторые сдвиги только в 16 тыс. деревнях или примерно половине от общего числа (33 тыс.) сельских поселений. Власти решили провести «кадровую революцию». В городе Сувоне за счет средств государственного бюджета был создан Институт по подготовке лидеров движения, который был также известен как Академия руководителей новой деревни. В короткий срок тысячи слушателей, в основном из числа молодых крестьянских активистов, а также бывших военнослужащих, родом из сельской местности, освоили программы кооперации, сельского труда, государственной экономической политики. Выпускники курсов получали назначения на должность сельского администратора.

Конечно, движение «Сэмабль Ундон» не смогло коренным образом устранить проблем острого крестьянского малоземелья, но реформа принесла в сельское хозяйство Кореи различные достижения «зеленой революции», механизацию труда, и

при этом подняла на новый уровень традиционные формы крестьянской кооперации и взаимопомощи. Если в 1965г. средний доход крестьянского домохозяйства составлял всего 423 долл., то к 1971г. он вырос в 2,4 раза или до 1025 долл., и достиг 2960 долл к 1977г. [4] Результатом поддержки, оказываемой правительством, семейным фермам, является также существенный рост урожайности. Например, в середине 1950-х гг. средняя урожайность риса составляла 3т/га, а в середине 1970-х гг. - 5,3т/га.

Вследствие проведенных реформ, аграрный сектор Южной Кореи внес значительный вклад в экономическое развитие страны: была предотвращена возможная серьезная зависимость страны от продовольственного импорта; огромное число людей было обеспечено рабочими местами до тех пор, пока их оказалась готова принять промышленность; городские рабочие были обеспечены дешевым пропитанием через субсидируемые государственные закупки; на первоначальную продукцию корейских промышленников был создан широкий внутренний спрос [5].

Нидерланды (1970-1982 гг.)

После Второй мировой войны аграрный сектор Нидерландов находился в процессе непрекращающейся трансформации. Внедрение новых технологических разработок и повышение уровня образования привели к развитию сельской экономики. Сельское хозяйство в Нидерландах перешло от трудоемкой смешанной системы земледелия к высокоспециализированной интенсивной системе земледелия с высокими затратами капитала.

Процесс интенсификации и модернизации сельского хозяйства начался примерно в 1960г. с создания ферм, которые известны как «самостоятельные сельскохозяйственные фермы» (footloose agricultural farms) [6]. Создание «нового» типа ферм происходило в параллель с расширением молочного животноводства в Нидерландах, которое активизировалось после 1960г, по данным Голландского совета по молочному животноводству. В период до 1985г. количество ферм по производству молока резко уменьшилось, а производство молока, напротив, значительно увеличилось². Рост производительности был преимущественно обоснован рядом улучшений в технологии производства (переход

2. В 1984 году Европейское сообщество ввело систему квот для производства молока.

от сена к травяному силосу, кормление кукурузой, кормление с высоким содержанием концентрата, внедрение охлаждающих цистерн для молока), внедрение которых было стимулировано аграрной политикой в Нидерландах. Страна стала крупным поставщиком молочных продуктов на мировой рынок, отправляя на экспорт около 60% произведенного молока.

Наиболее важным структурным изменением в развитии нидерландского аграрного сектора после 1950г. является увеличение размеров ферм и увеличение площади, обрабатываемой одним сельскохозяйственным работником. Между расширением площади и механизацией существует высокая корреляция: увеличение размеров фермы невозможно без механизации. В 1980г. средний размер фермы составлял почти 19 га, что выше на 3,1 га, чем в 1970г. и выше на 7,6 га, чем в 1950г. Размеры животноводческих ферм также существенно возросли. В 1980г. 69% ферм имели более 30 молочных коров, что в 2,2 раза выше, чем в 1970г. и в 4,6 больше, чем в 1960г.

Еще одним значительным изменением в аграрном секторе Нидерландов стала и региональная специализация хозяйств. К концу 1970-х гг. на специализированные хозяйства приходилось более 95% всех ферм [7]. В стране к началу 1980гг. полностью были сформированы 3 основных географических пояса производства сельскохозяйственной продукции:

- Западный пояс (вдоль побережья) был специализирован на садоводстве и особенно цветочеводстве;
- Центральный пояс – пояс молочного скотоводства;
- Юго-Восточный пояс специализировался на интенсивном животноводстве (совместно с молочным животноводством), а также на птицеводстве и свиноводстве.

Каждая из стран, опыт которых мы рассмотрели, смогла достичь обеспечение устойчивого роста сельскохозяйственного производства, но своим путем. Однако, отдельные меры, реализованные в этих странах, целесообразно выделить, так как они успешно показали себя в опыте и многих других стран:

- снижение роли государства в аграрном секторе;
- поддержка конкурентоспособных экспортных отраслей на основе «сравнительных преимуществ», а не неэффективных традиционных;

- либерализация торговли, интеграция на мировой рынок и присоединение к региональным и международным торговым соглашениям, снижение тарифных барьеров (или их отмена) и других протекционистских мер;

- развитие с учетом климатических условий и сравнительных преимуществ региональной специализации в сельскохозяйственном производстве;

- росту производительности за счет «эффекта масштаба» или укрупнения сельскохозяйственных производственных единиц;

- развитие аграрной и сельской инфраструктуры;
- улучшение системы подготовки кадров для сельского хозяйства, начиная от сельхозпроизводителей и заканчивая чиновниками, принимающими решения.

Однако, нельзя просто копировать мировой опыт, так как у каждой страны есть свои особенности в развитии отрасли и различные исходные параметры. В первую очередь, необходимо ориентироваться на решение системных проблем, имеющих в отрасли в данной стране, которые можно определить, исходя из анализа ретроспективных тенденций.

В Узбекистане, благодаря структурным реформам и реализации мер в части поддержки устойчивого развития и модернизации аграрного сектора, валовая продукция сельского хозяйства за 2017–2021гг. выросла на 10,1%. Основными факторами, оказавшими положительное влияние на развитие отрасли в этот период, явились:

- процесс оптимизации земельных участков фермерских хозяйств [8] и структуры посевных площадей с приоритетом на производство продовольственных культур [9];

- реализация мер по коренному совершенствованию системы мелиоративного улучшения земель [10];

- осуществление дальнейшей модернизации, технического и технологического перевооружения сельскохозяйственного производства [11];

- поддержка развития животноводства [12,13,14];

- усиление поддержки дехканских и личных подсобных хозяйств [15,16];

- кластеризация сельхозпроизводства [17];

- частичная либерализация хлопкового и зернового секторов [18,19].

Несмотря на проводимую политику по сокращению посевов хлопчатника, сбор хлопка-сырца за 2017-2021гг. увеличился на 11,6%, что обусловлено




Рис. 1. Темпы роста сельского хозяйства за 2017-2021 гг., в %

Источник: данные Агентства статистики.

ростом урожайности на 34,5%. Производство зерновых культур увеличилось с 7,3 млн. тонн в 2017г. до 7,5 млн. тонн в 2021г. (Рис.2). Производство плодоовощной продукции в 2021 году составило 21,0 млн. тонн, включая овощи (51,8%), фрукты (13,6%), картофель (15,7%), бахчевые культуры (10,9%) и виноград (8,1%). Существенно возросло производство продукции животноводства: молока – на 12,3%, мяса – на 15,5%, яиц – на 27,2%.




Рис. 2. Производство сельскохозяйственной продукции, тыс. т

Источник: данные Агентства статистики.

Урожайность овощей, картофеля, бахчевых культур и винограда за последние 5 лет несколько снизилась. Так, урожайность в 2021г. картофеля уменьшилась по сравнению с 2017г. на 2,0%, овощей – 8,5%, бахчевых – 15,3%, винограда – 3,2%. При этом урожайность фруктов увеличилась на 9,9 ц/га, или на 8,4%. Основные факторы, ограничивающие повышение продуктивности, включают ограниченный доступ к более урожайным семенам и сортам растений, плодородие почвы, технологии возделывания, использование удобрений, знания фермеров и доступ к новым технологиям,

а также неразвитость рыночных инфраструктурных услуг, что приводит к послеуборочным потерям.

Ограничивающими факторами развития сельского хозяйства Узбекистана также выступают:

- в структуре посевных площадей, по-прежнему, преобладают две монокультуры: пшеница и хлопчатник, которые в совокупности занимают 69,7% общей посевной площади;

- несбалансированность цен на сельскохозяйственную продукцию и «входную» промышленную продукцию (ГСМ, удобрения и пр.) влечет постепенное снижение доли добавленной стоимости в валовой продукции сельского хозяйства. Например, в 2010г. она составляла – 68,9%, в 2017г. – 61,4%, а в 2021г. – уже 60,5%;

- сохраняется неблагоприятное мелиоративное состояние орошаемых земель. Согласно Стратегии развития сельского хозяйства на 2020-2030гг., к 2021г. планировалось, что доля земель с высокими показателями засоленности сократится до 43% от общей площади орошаемых земель. Однако, прогресса по этому показателю не наблюдалось и доля земель с высокими показателями засоленности сохранилась на уровне 45%;

- недостаточная эффективность использования водных ресурсов. Одним из достигнутых результатов является увеличение площадей, орошаемых с помощью водосберегающих технологий – с 1,7% орошаемой площади в 2018г. до 19,6% в 2021г. Однако, несмотря на это, Узбекистан является одним из наименее эффективных водопользователей в мире, где цены на водопользование не отражают дефицит и потребление;

- недостаточный объем производства кормов для интенсивного развития животноводства из-за низкой доли в общей посевной площади кормовых культур (8,0%) и снижения посевов кормовых (на 18% с 2016г.);

- увеличение объемов производства животноводческой продукции за последние годы стало результатом скорее увеличения поголовья скота и птицы, чем повышения их продуктивности. Средний надой молока в Узбекистане неизменно составляет 2,3 т. в год, в то время как в России – 4,5 т., в США – 8,0 т. и в Нидерландах – 15,0 т. Целевой индикатор по Стратегии развития сельского хозяйства на 2020-2030гг к 2021г. в 2,7т. не был достигнут;

- в связи с наличием многочисленных небольших земельных участков медленно повышается эффективность сельскохозяйственного производства и финансовой устойчивости сельхозпроизводителей;

- недостаточная техническая оснащенность фермерских и дехканских хозяйств, недостаточное обеспечение оборотных средства, материально-технических ресурсов, ГСМ, химикатов и т.д. – все это отражается на снижении как эффективности и рентабельности сельхозпроизводителей, так и урожайности и объемах сбора урожая;

- система кластерного производства требует дальнейшего развития и создания основ регулирования деятельности кластеров. Между кластерами отсутствует конкуренция, так как в одном районе имеет право работать только один кластер и фермеры обязаны поставлять весь свой урожай именно ему. Кластеры находятся в более сильной позиции, поэтому они могут диктовать фермерам цены на продукцию, топливо, удобрения и объемы производства;

- неразвитость навыков экспорта скоропортящейся продукции. Например, мировой экспорт земляники садовой (клубники) составляет 3.7 млрд. долл США. Экспорт клубники Узбекистана в 2021г., по данным UnComtrade, составил всего 986 тыс. долл. США. В то время как экспорт некоторых стран с гораздо меньшим производством превышал экспорт Узбекистана. К примеру, Армения экспортировала клубнику на 12,2 млн. долл. США, Азербайджан – на 8,8 млн. долл. США.

Для устойчивого развития сельского хозяйства в республике в среднесрочной перспективе в дополнение к реализации мер, вытекающих из изучения зарубежного опыта, необходимо выполнить следующие условия:

- отбор и выращивание стратегически экспортноориентированных плодовоовощных культур в соответствии с природно-климатическими и экономическими условиями. Следующим этапом станет создание "пилотных" выставочных участков, где будут выращиваться эти культуры (например, на базе Центров агроуслуг) и проведение тренингов для фермеров;

- создание современных технических центров с большим парком сельскохозяйственной техники и средств производства даст возможность фермерам и дехканам арендовать необходимую сельхозтехнику, что сделает доступным для сельхозпроизво-

дителей использовать высокопроизводительную дорогостоящую технику;

- активизация создания интенсивных садов (карликовых и полукарликовых) которые сегодня в республике дают около 15-20 тонн продукции с 1 га (обычные высокорослые сады – 10т/га), тогда как в таких странах как Турция, Польша и Голландия этот показатель доходит до 50 тонн;

- на научной основе провести районирование выращивания овощной продукции. В данное время посев осуществляется на небольших и разбросанных площадях, на которых производится продукция разного сорта, типа и вида. Все это создает проблемы при экспорте, не отвечая требованиям сортности, размера и внешнего вида для зарубежных покупателей;

- дальнейшее совершенствование основ функционирования кластеров: создание единой законодательной базы, разработка четкого механизма взаимодействия кластеров и сельхозпроизводителей с указанием прав и обязанностей сторон, а также

указанной ответственности при неисполнении взятых обязательств;

- модернизация комбикормовой промышленности для увеличения производства полноценных комбикормов для животноводства, а также строительство новых современных комбикормовых производств, расположенных в территориальной близости от регионов, специализирующихся на выращивание КРС;

- стимулирование создания специализированных компаний по приобретению мясомолочной продукции у населения на основе предоставления налоговых льгот и доведение до конечного потребителя в надлежащем виде, т.е. создание рынка сбыта продукции семейными (деханскими) хозяйствами [20];

- постепенное увеличение размеров семейных (деханских) хозяйств посредством формирования механизма стимулирования хозяйственной деятельности (субсидирование, льготное кредитование, выделение средств на закупку кормов и т.д.).

Источники и литература

1. Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № VII-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы».
2. Kay, Cristobal. (2002). *Chile's Neoliberal Agrarian Transformation and the Peasantry. Journal of Agrarian Change*. 2. 464 - 501. 10.1111/1471-0366.00043.
3. Palma, C., 1995. 'Structural Adjustment and Agricultural Performance: the Chilean Case'. In *Structural Adjustment and the Agricultural Sector in Latin America and the Caribbean*, ed. J. Weeks, 177–204. Basingstoke and London: Macmillan.
4. Корейский полуостров: метаморфозы послевоенной истории. Торкунов Анатолий Васильевич. ОЛМА Медиа Групп, 25 авг. 2008 г. – 544 с.
5. «Азиатская модель управления: Удачи и провалы самого динамичного региона в мире», Джо Стадвелл; пер. с англ. – М. 2021.
6. Heide, C. & Silvis, Huib & Heijman, Wim. (2011). *Agriculture In The Netherlands: Its Recent Past, Current State And Perspectives. APSTRACT: Applied Studies in Agribusiness and Commerce*. 05. 10.19041/Apstract/2011/1-2/3.
7. Feng, H. (1999). *Agricultural Development in the Netherlands: An Analysis of the History of Dutch Agricultural Development and its Importance for China*. PP.42-47.
8. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 9.01.2019г. №14 «О дополнительных мерах по оптимизации земельных участков фермерских хозяйств и других предприятий сельского хозяйства, а также эффективному использованию посевных площадей сельского хозяйства».
9. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № VII-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».
10. Постановление Президента Республики Узбекистан от 27.11.2017 г. № III-3405 «О Государственной программе развития ирригации и улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель на период 2018-2019 годы».

11. *Постановление Президента Республики Узбекистан от 10.05.2018 г. № ПП-3712 «О мерах по дальнейшему совершенствованию механизмов своевременного оснащения сельского хозяйства сельскохозяйственной техникой».*

12. *Постановление Президента Республики Узбекистан от 13.11.2018г. №4015 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию птицеводства».*

13. *Постановление Президента Республики Узбекистан от 18.03.2019г. №4243 «О мерах по дальнейшему развитию и поддержке животноводческой отрасли».*

14. *Указ Президента Республики Узбекистан от 29.01.2020 г. № ПП-4576 «О дополнительных мерах государственной поддержки животноводческой отрасли».*

15. *Постановление Президента Республики Узбекистан от 26.04.2018г. №3680 «О дополнительных мерах по совершенствованию деятельности фермерских, дехканских хозяйств и владельцев приусадебных земель».*

16. *Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18.03.2018г. №205 «Об организационных мерах по эффективному пользованию земельными участками дехканских хозяйств и приусадебных земель».*

17. *Ильина Д.Н. Реформирование сельского хозяйства в Узбекистане Журнал «Экономика: анализы и прогнозы №4(16) октябрь-декабрь 2021 с. 27-32.*

18. *Постановление Президента Республики Узбекистан от 06 марта 2020 №4634 «О мерах по широкому внедрению рыночных принципов в производство, закупку и реализацию зерна».*

19. *Постановление Президента Республики Узбекистан от 06 марта 2020 №4633 «О мерах по широкому внедрению рыночных принципов в сферу хлопководства».*

20. *Ильина Д.Н. Развитие животноводства в Узбекистане: тенденции, проблемы и их решения / Технологические новации как фактор устойчивого и эффективного развития современного агропромышленного комплекса. Материалы Национальной научно-практической конференции 20 ноября 2020 г. Рецензируемое научное издание. – Рязань: Издательство Рязанского государственного агротехнологического университета, 2020. – Часть I. –560 с., с.243-249.*

УЎК: 338.45.314.339.55

Сохибмалик ХОМИДОВ,
PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),
 Бухоро давлат университети доценти,
 E-mail: soxibmalik1981@mail.ru

Фармацевтика саноатининг ривожланишида демография ва экспорт омилларининг роли

Аннотация: мазкур тадқиқотда асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилган. Фармацевтика саноати ишлаб чиқаришига республика аҳолиси сони ва экспорт ҳажмининг таъсирлари ўрганилган. Тадқиқотни амалга оширишда корреляцион ва регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилган. Олинган умумий таҳлил натижалари асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш ҳажмига республика аҳолиси сони ижобий ҳамда экспорт ҳажми динамикаси эса салбий таъсир этиши аниқланган.

Калит сўзлар: фармацевтика саноати, демография, ташқи савдо, ялпи ички маҳсулот, корреляция, регрессия, эконометрик модель.

Роль демографических и экспортных факторов в развитии фармацевтической промышленности

Сохибмалик Хомидов,
PhD (по экономическим наукам),
 доцент Бухарского государственного университета

Аннотация: в данном исследовании рассматриваются факторы, влияющие на производство основных фармацевтических продуктов и лекарств. Изучено влияние численность населения республики и объемов экспорта на продукцию фармацевтической отрасли. В исследовании использовались методы корреляционного и регрессионного анализа. По результатам общего анализа выявлено, что на объем производства основных фармацевтических продуктов и лекарственных средств оказывает

положительное влияние численность населения страны, а динамика объема экспорта – отрицательное.

Ключевые слова: фармацевтическая промышленность, демография, внешняя торговля, валовой внутренний продукт, корреляция, регрессия, эконометрическая модель.

The role of demographic and export factors in the development of the pharmaceutical industry

Sokhibmalik Khomidov,
PhD (in Economics),
 Associate professor of Bukhara State University

Abstract: this study examines the factors affecting the production of basic pharmaceutical products and medicines. The influence of the population of the republic and the volume of exports on the products of the pharmaceutical industry was studied. The study used methods of correlation and regression analysis. According to the results of the general analysis, it was revealed that the volume of production of basic pharmaceutical products and medicines has a positive effect on the population of the country, and the dynamics of the export volume is negative.

Keywords: pharmaceutical industry, demography, foreign trade, gross domestic product, correlation, regression, econometric model.

Кириш. Фармацевтика саноати нафақат инновация жараёнларининг мураккаб тузилиши ва ўзига хослиги билан, балки юқори инвестицион жозибдорлиги ҳамда юқори илм талаб этувчи тармок

сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур тармоқ дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодий тараққиётининг асосий омили бўлиб, унинг ривожланиши бевосита юқори технологияли ишлаб чиқариш жараёнларининг ривожланиши билан бирга кечади.

Инновация, рақобатбардошлик, юқори технологияли маҳсулотлар экспортини таъминлаш нуктаи назаридан фармацевтика саноатининг имконияти юқори ҳисобланади. Шунингдек, фармацевтика саноати ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тармоқ ҳисобланиб, унинг ривожланишида тартибга солувчи қарорлар ва илмий-тадқиқот ишларини бошқариш самарадорлиги жуда муҳим ўрин тутди. Тармоқнинг стратегик ривожланишига демографик ва эпидемиологик тенденциялар бевосита таъсир этади. Характерли касалликлар тадқиқот ва ишланмаларнинг, шу билан бирга саноатдаги инвестиция фаолиятининг йўналишларини белгилаб беради ва унинг ривожланиши фармацевтика соҳасидаги энг сўнгги инновацион ютуқларга ҳамда иқтисодиётда рўй бераётган ўзгаришларга бевосита боғлиқ бўлади.

Таъкидлаш лозимки, “пандемия барча соҳалар катори дунё фармацевтика саноати учун ҳам синов даври бўлди. Мураккаб эпидемиологик вазият фармацевтика саноатини ривожлантириш стратегик аҳамиятга эгаллигини яна бир бор исботлади” [1]. Шу жиҳатдан олиб қараганда, глобал пандемия жараёни жаҳон ҳамжамиятининг бундай муаммоларга ўта заифлигини намоён этди ва дори воситалари хавфсизлигининг кафолати сифатида фармацевтика саноатини янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатиб берди. Ҳолбуки, глобал пандемияга қадар ҳам жаҳон фармацевтика бозори динамик ривожланаётган бозорлар сирасига кирар эди.

Кейинги пайтларда мазкур тармоқ маҳсулотларига бўлган талабнинг ижобий динамикасининг шаклланишида дори воситаларига эҳтиёжнинг кескин ортиши, улар нархининг ўсиши ва кўплаб янги дори воситаларининг пайдо бўлиши каби омиллар кучли таъсир этди. Одатда янги дори воситалари узок вақт давомида яратилиб, секин-асталик билан бозорга кириб келади, пандемия даврида аксинча ҳолат кузатилиб, қисқа вақт оралиғида ушбу маҳсулотлар тезлик билан бозорга кириб келиб, бунинг натижасида зарурий дори-дармонлар нархининг кескин ортиши кузатилди.

Пандемия шароитида фармацевтика бозоридаги тенденциялар замонавий фармацевтика саноат

тининг ажралмас қисмига айланиб, маҳаллий тартибга солиш органларининг нархларни белгилаш ва патентлаш тизимини такомиллаштиришга, янги дори воситаларининг маҳаллий бозорларга чиқилиши тезлаштиришга мажбур қилди ва шу билан бирга фармацевтика компаниялари ўзларининг бизнес моделларини ҳамда инновацияларга бўлган ёндашувларини қайта кўриб чиқишларига зарурат туғилди.

Мамлакатимизда ҳам мазкур тармоқни ривожлантиришга давлат даражасида алоҳида эътибор мавжуд бўлиб, жумладан, 2022 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-55-сонли Фармони қабул қилинди ва бунда “аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш, фармацевтика тармоғига илғор илмий-техника ютуқлари ва инновацияларни жорий этиш орқали тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш” каби мақсадлар белгилаб берилди [2].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фармацевтика саноати ишлаб чиқаришининг ривожланишида салмоқли таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни илмий жиҳатдан асослаб бериш ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади қилиб олинди. Тадқиқотда қўйилган асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда мазкур саноатнинг ривожланишида демография ва экспорт омилларининг таъсирлари эконометрик тадқиқ этилди. Муаллиф фикрича, демография омили инсон саломатлиги билан узвий боғлиқ бўлиб, у фармацевтика маҳсулотларига бўлган ички талаб динамикасининг ҳамда экспорт омили эса ташқи талаб динамикасининг шаклланишига бевосита хизмат қилади.

Мазкур тадқиқотнинг бошқа шу каби тадқиқотлардан фарқли жиҳатлари қаралаётган масаланинг алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги ҳамда тадқиқотда танланган омилларнинг (демография ва экспорт) ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади.

Адабиётлар шарҳи. Илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият тадқиқотларда фармацевтика саноатининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар эмас, балки, фармацевтика саноатининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга бўлган

таъсирлари жуда кенг тадқиқ этилган. Жумладан, Муратоглу тадқиқотларида фармацевтика саноати ривожланишининг инсонлар ҳаёт даражаси яхшиланишига, иқтисодиётдаги бандликнинг таъминланишига, мамлакат экспорти ҳамда ташқи савдонинг ривожланишига бўлган таъсирлари тадқиқ этилган бўлиб, бунда мазкур саноатнинг иқтисодий ўсишга бўлган ижобий таъсирлари асослаб берилди [3].

Халқаро фармацевтика ишлаб чиқарувчилари уюшмаси тадқиқотларида фармацевтика саноатининг жамиятдаги ўрни изоҳланар экан, бунда биринчи навбатда унинг касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун дори воситалари ва вакциналарни ишлаб чиқишда ўзига хос ўрни мавжуд эканлиги алоҳида эътироф этилади. Тармоқнинг тиббиёт ривожига қўшган асосий ҳиссаси даволашнинг инновацион усуллари соҳасидаги фундаментал тадқиқотлар бўлиб, албатта, соҳа муваффақияти замирида тез-тез учрайдиган, мураккаб ва эътибордан четда қоладиган касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, мавжуд дори воситалари ва даволаш усуллари такомиллаштиришга қаратилган узлуксиз инновацион жараён мужассам эканлиги таъкидланади. Шунингдек, бу соҳадаги илмий ишларга сармоя киритиш илмий уфқларни кенгайтириши, глобал соғлиқни сақлаш натижаларини яхшилаши ва жамият фаровонлигига ҳисса қўшиши алоҳида таъкидлаб ўтилади [4].

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ушбу саноат ишлаб чиқаришига ихтисослашган давлатларнинг фармацевтика маҳсулотлари экспорти иқтисодий ўсишга ҳам, жон бошига ҳисобланган ялпи ички маҳсулотга ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказди. Қайд этилишича, фармацевтика саноати иқтисодиётга икки томонлама таъсир кўрсатади. Биринчидан, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали саноат ялпи ички маҳсулотга бевоcита ҳисса қўшади ва кўплаб инсонлар бандлигини сақлаб туради. Иккинчидан, фармацевтика саноати ўзининг иқтисодий фаолияти орқали таъминот занжирларига боғлиқлиги туфайли қўшимча қиймат ва шу жиҳатдан бандликни таъминлашга ҳам кенг ҳисса қўшади [5].

Кейинги тадқиқотлар фармацевтика саноатининг ўрнини изоҳлашда унинг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қўшган ҳиссасига асосий эътибор қаратадилар. Жумладан, Эдуардо тадқиқотларида ривожланаётган мамлакатлар соғ-

ликни сақлаш ҳолатига фармацевтика саноатининг ҳиссаси тадқиқ этилиб, бунда соғлиқни сақлаш соҳасида дори воситалари ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ундаги харажатларнинг катта қисмини ташкил этиши ва шу сабабли дори воситаларидан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш нафақат оилалар ва инсонлар фаровонлигига, балки барча жамиятларда иқтисодий ўсиш ва тараққиётга ҳам улкан ҳисса қўшиши мумкинлиги таъкидланади [6].

Бланк тадқиқотларида фармацевтика саноати Европа Иттифоқидаги энг рақобатбардош тармоқлардан бири эканлиги ҳамда ушбу тармоқ ўсиш ва бандликнинг асосий манбаи ҳисобланиши таъкидланади. Мазкур тадқиқот фармацевтика маҳсулотлари экспортига таъсир этувчи омилларнинг мураккаб ўзаро таъсирини ёритиб беради. Тадқиқотнинг хулосасига кўра, мамлакатларда интеллектуал мулк ҳимояси, уларнинг иқтисодиётлари ҳажми, соғлиқни сақлаш соҳасининг аҳамияти ва инфратузилмасининг сифати фармацевтика маҳсулотларини экспорт қилишнинг асосий омиллари ҳисобланиши қайд этилади [7].

Айрим тадқиқотлар демографик ўзгаришларнинг фармацевтика соҳаси ривожланишига бўлган таъсирлари аҳамиятсиз даражада эканлигини қайд этади. Жумладан, Бекинг ва бошқалар муаллифлигидаги жамоавий тадқиқотда демографик ўзгаришларга қарамай, Германияда ҳам Францияда ҳам аҳоли жон бошига тўғри келадиган фармацевтика харажатлари ва умуман фармацевтика бозорлари 2050 йилгача жуда кам ўсиши, бироқ, жамиятнинг қариши фармацевтика компаниялари, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими учун турли муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида аста-секин ўсиб бораётган харажатларни молиялаштириш учун янги имкониятларни излаб топиш кераклиги таъкидлаб ўтилади [8].

Юқоридаги тадқиқотлардан кўриниб турибдики, фармацевтика саноатининг ривожланиши кишилик жамиятининг тараққиётига ҳар томонлама ўзининг ижобий таъсирини кўрсатар экан. Бироқ шундай бўлсада, мамлакатимизда мазкур саноатнинг ривожланишида қандай омилларнинг таъсир даражаси юқори эканлигини етарлича асослаб бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, фармацевтика саноатининг ривожланишида салмоқли омилларнинг ролини тадқиқ этиш долзарб илмий масала бўлиб, бунда ушбу саноат-


нинг ривожланишида таъсир кўлами нисбатан юқори бўлган демография ва экспорт омилларининг ролига алоҳида эътибор қаратилади.

Тадқиқот услубиёти. Фармацевтика саноатининг ривожланишида демография ва экспорт омилларининг таъсирларини баҳолаш учун дастлаб тадқиқотимизда мазкур омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражасини баҳолаймиз ва бунинг учун корреляцион таҳлилни амалга оширамиз. Корреляцион таҳлилдан сўнг, регрессион таҳлилдан фойдаланган ҳолда тадқиқотда кўзда тутилаётган омилларнинг фармацевтика саноатининг ривожланишига бўлган таъсир даражаларини аниқлаймиз.

Корреляцион таҳлилнинг моҳиятини асослаш учун қуйида келтирилган тригонометрик ва геометрик усуллардан фойдаланамиз. Кўзда тутилаётган мазкур усуллар дисперсиянинг хоссаларидан бирига асосланади ва икки омил белги (x_1 ва x_2) йиғиндисининг дисперсияси () қуйидаги тенглик орқали ифодаланади [9]:

$$(\sigma_{1+2}^2) = \sigma_1^2 + \sigma_2^2 + 2\sigma_1\sigma_2r_{12} \quad (1)$$

Дисперсиянинг бу хусусиятини қуйида келтирилган геометрик шаклда ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Икки омил белги йиғиндиларининг ўртacha квадратик четланиши [9]

Келтирилган геометрик шакл асосида ва косинуслар теоремасига мувофиқ қуйидаги тенгликка эга бўламиз:

$$AC^2 = AB^2 + BC^2 - 2 \cdot AB \cdot BC \cdot \cos \beta \quad (2)$$

Агар 1-расм асосида (2) тенгликни омиллар дисперсияларини инобатга олган ҳолда қайта ёзадиган бўлсак, у ҳолда ушбу тенгликни қуйидагича ифодалаш мумкин бўлади:

$$\sigma_{1+2}^2 = \sigma_1^2 + \sigma_2^2 - 2\sigma_1\sigma_2 \cos \beta \quad (3)$$

Бунда $\alpha + \beta = 180^\circ$ бўлгани учун $\cos \beta = (\cos(180^\circ - \alpha)) = -\cos \alpha$ эканлиги келиб чиқади. Ушбу тенгликдан фойдаланиб (3) тенгликни қуйидагича алмаштириш мумкин:

$$\sigma_{1+2}^2 = \sigma_1^2 + \sigma_2^2 + 2\sigma_1\sigma_2 \cos \alpha = \sigma_1^2 + \sigma_2^2 + 2\sigma_1\sigma_2r_{12} \quad (4)$$

Келтирилган (4) тенгликдан шундай хулоса ке-


либ чиқадики, бунда икки бурчак косинусининг қиймати икки омил ўртасидаги жуфт корреляция коэффициентининг қийматига тенг бўлади, яъни: $\cos \alpha = r_{12}$.

Агар қаралаётган омиллар (x_1 ва x_2) ўртасидаги боғлиқлик максимал бўлса, у ҳолда α бурчак 0 га тенг бўлади ва $\cos 0^\circ = 1 = r_{12}$. Шунингдек, x_1 ва x_2 омиллар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлмаса, у ҳолда α бурчак 90° ни ташкил этади. Агар x_1 ва x_2 омиллар йиғиндисини x_3 билан белгилайдиган бўлсак, у ҳолда x_1 ва x_3 омиллар ўртасидаги корреляция коэффициенти $r_{13} = \cos \gamma$ га ҳамда x_2 ва x_3 омиллар ўртасидаги корреляция коэффициенти эса $r_{23} = \cos \delta$ га тенг бўлади. Агар $\alpha = \gamma + \delta$ эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, у ҳолда қуйидаги тенглик ўринли бўлади:

$$r_{12} = \cos \alpha = \cos(\gamma + \delta) = \cos \gamma \cos \delta - \sin \gamma \sin \delta \quad (5)$$

бунда $\sin \gamma = \sqrt{1 - \cos^2 \gamma}$.

Энди қуйида келтирилган график асосида эркин ўзгарувчи (y) билан юзага келадиган ва юқоридаги ҳолатга нисбатан анча мураккаброқ бўлган вазиятни кўриб чиқамиз (2-расм).



2-расм. Корреляцион боғланишнинг график ифодаланиши [9]

Агар, эркин ўзгарувчини y билан ҳамда унга таъсир этувчи омил белгиларни x_1 ва x_2 лар билан белгилайдиган бўлсак, у ҳолда 2-расмда келтирилган геометрик шаклга асосан x_1 ва y ўртасидаги жуфт корреляция коэффициенти $r_{y1} = \cos \varphi$ га ҳамда x_2 ва y ўртасидаги жуфт корреляция коэффициенти эса $r_{y2} = \cos \lambda$ га тенг бўлади. Демак, корреляцион таҳлилдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тенгликни ёзиш имконияти мавжуд бўлади:

$$\sigma_{1+2+3}^2 = \sigma_1^2 + \sigma_2^2 + \sigma_3^2 + 2\sigma_1\sigma_2r_{12} + 2\sigma_1\sigma_3r_{13} + 2\sigma_2\sigma_3r_{23} \quad (6)$$

Дисперсиялар йиғиндисининг ушбу хусусиятини умумлаштирган ҳолда қуйидаги тенгликни ёзиш мумкин:

$$\sigma_{1-2+\dots+n}^2 = \sigma_1^2 + \sigma_2^2 + \dots + \sigma_n^2 + 2\sigma_1\sigma_2r_{12} + \dots + 2\sigma_1\sigma_n r_{1n} + 2\sigma_2\sigma_n r_{2n} + \dots + 2\sigma_{n-1}\sigma_n r_{(n-1)n} \quad (7)$$

Юқорида кўрсатилган 2-расмдаги АМС учбурчакка асосланган ҳолда y ва $x_1 + x_2$ лар ўртасидаги боғланиш қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$r_{y(x_1+x_2)} = \cos \omega = \frac{\sigma_1 r_{y1} + \sigma_2 r_{y2}}{\sigma_{1+2}} \quad (8)$$

Агар эрксиз ўзгарувчи y га таъсир этувчи омилларнинг сони кўп бўлса, y ҳолда улар йиғиндиларининг ушбу эрксиз ўзгарувчига бўлган таъсирларини ифодаловчи корреляция коэффициентини қуйидаги ифодага тенг бўлади:

$$r_{y(x_1+x_2+\dots+n)} = \cos \omega = \frac{\sigma_1 r_{y1} + \sigma_2 r_{y2} + \dots + \sigma_n r_{yn}}{\sigma_{1+2+\dots+n}} \quad (9)$$

Муаллиф юқорида кўриб ўтилган (4), (7) ва (9) формулаларнинг амалда қўлланилиши бўйича айрим камчиликлар мавжуд, деб ҳисоблайди. Жумладан мазкур формулалар асосида жуфт корреляция коэффициентини аниқлаш учун унда иштирок этувчи омил белгиларнинг ўлчов бирликлари ва иқтисодий мазмуни бир хил бўлиши талаб этилади, акс ҳолатда мазкур формулалардан амалда фойдаланиб бўлмайди. Бундай ҳолатда қуйидаги жуфт корреляция коэффициентини ҳисоблаш формуласидан фойдаланиш ўринли бўлиб ҳисобланади [10]:

$$r_{xy} = \frac{n\sum x_i y_i - \sum x_i \sum y_i}{\sqrt{(n\sum x_i^2 - (\sum x_i)^2)(n\sum y_i^2 - (\sum y_i)^2)}} \quad (10)$$

Жуфт корреляция коэффициентининг ($r_{x,y}$) қиймати $-1 \leq r_{xy} \leq 1$ оралиқда ўзгариб туради ва унга кўра боғланиш кучи аниқланади. Шунингдек, мусбат

ишора тўғри боғланишни, манфий ишора эса тескари боғланишни ифода этади. Бирок, корреляция коэффициенти фақат иқтисодий кўрсаткичлар орасидаги боғланиш меъёрини ўлчаганлиги боис, иқтисодий муносабатнинг сабабини тушунтириб бера олмайди ва шу сабабли мазкур мақсадга регрессия таҳлил деб аталувчи усул хизмат қилади ҳамда у натижавий кўрсаткичга таъсир этувчи омилларнинг самарадорлигини баҳолаш имкониятини беради.

Тадқиқотимизда натижавий омилга (фармацевтика саноати ишлаб чиқариши ҳажми) таъсир этувчи омил белгилар (демография ва экспорт) сони иккита бўлганлиги боис қуйидаги кўп омилли регрессия тенгламасини кўриб чиқамиз:

$$\hat{y}_x = a_0 + a_1 x_1 + a_2 x_2 \quad (11)$$

Ушбу (11) регрессия тенгламасидаги номаълум параметрлар қуйидагича аниқланади [9]:

$$a_1 = \frac{\sigma_y(r_{y1} - r_{y2}r_{12})}{\sigma_1(1-r_{12}^2)}, a_2 = \frac{\sigma_y(r_{y2} - r_{y1}r_{12})}{\sigma_2(1-r_{12}^2)}, a_0 = \bar{y} - a_1\bar{x}_1 - a_2\bar{x}_2 \quad (12)$$

Бунда a_1 ва a_2 - регрессия коэффициентлари бўлиб, улар иқтисодий таҳлил учун жуда катта амалий аҳамият касб этади ва мос омил белгиларнинг натижага таъсир самарадорлигини ўзида ифодалайди.

Таҳлил ва натижалар. Дастлабки статистик таҳлилларнинг кўрсатишича, 2010-2021 йиллар оралиғида республикада асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш (y) ҳамда аҳоли сони (x_1) динамикаларида барқарор ўсиш тенденцияси кузатилган бўлса, фармацевтик маҳсулотлар экспорти (x_2) динамикасида эса, жуда кўплаб бекарор ҳолатлар кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар динамикаси

Йиллар	Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш (млрд.сўм)	Аҳоли сони (йил бошига минг киши)	Фармацевтик маҳсулотлар экспорти (минг АҚШ долл.)
2010	174,7	28001,4	3869,7
2011	278,3	29123,4	4605,3
2012	328,7	29555,4	8082,5
2013	434,6	29993,5	7448,3
2014	516,6	30492,8	9042,8
2015	750,6	31022,5	8014,2
2016	1220,9	31575,3	4420,2
2017	1403,1	32120,5	4843,8

2018	1612,4	32656,7	11350,5
2019	1945,8	33255,5	9847,0
2020	2543,5	33905,2	23381,3
2021	3903,0	34558,9	22471,1

Манба: Статистика агентлиги (www.stat.uz).

Айтиш ўринлики, юқорида келтирилган фармацевтик маҳсулотлар экспорти динамикасидаги беқарор ҳолатлар албатта қуйида тадқиқ этилаётган эконометрик таҳлилларга ўз таъсирини ўтказди.

Эконометрик таҳлилнинг дастлабки босқичи, бу - омиллар кучини ўлчаш бўлиб, ушбу жараён жуфт корреляция коэффициентлари матричасини тузиш орқали амалга оширилади. Ўзаро жуфт корреляция коэффициентларининг қийматларини аниқлаш учун (10) формуладан фойдаланамиз. Ушбу таҳлил асосида олинган натижалар қуйида келтирилган жадвалда ўз аксини топган (2-жадвал).

2-жадвал

Жуфт корреляция коэффициентлари матричаси

	lny	lnx ₁	lnx ₂
lny	1	0,994	0,702
lnx ₁	0,994	1	0,757
lnx ₂	0,702	0,757	1

Манба: (10) формула ва Eviews 10.0 амалий пакети асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Ҳисоб-китоб натижалари амалга оширилган жуфт корреляция коэффициентлари матричасида lny – асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш ҳажмининг натурал логарифм қийматларини ҳамда lnx₁ ва lnx₂ мос равишда мамлакатдаги умумий аҳоли сони ва экспорт ҳажми динамикаларининг натурал логарифмик қийматларини ўзида ифода этади.

Бизга маълумки, иккита омилнинг (x_e ва x_j) жуфт корреляция коэффициенти (r_{ej}) ҳақиқий қиймати унинг критик қийматидан кичик бўлмаса, яъни $|r_{ej}| > r_{критик}$, бу омиллар ўртасидаги чизикли корреляцион боғланиш кучли ҳисобланади. Одатда корреляция коэффициентининг критик қиймати учун $r_{критик} = 0,7$ олинади. Айтايлик, x_{e1} ва x_{j1} омиллар ўртасида кучли чизикли корреляцион боғланиш мавжуд бўлсин, яъни: $|r_{ej1}| > r_{критик}$. Бундай ҳолатда, улардан биттаси омиллар рўйхатидан чиқарилади. Бунинг

учун уларнинг натижавий белги билан боғланиш кучлари таккослаб кўрилади ва кучсиз омил моделдан ташқарига чиқариб юборилади [11].

Келтирилган 2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, омиллар ўртасида мультиколлинеарлик муаммоси мавжуд. Мазкур муаммони янада чуқурроқ тадқиқ этган ҳолда уни ўлчаш учун VIF (variance inflationary factor) кўрсаткичинини ҳисоблаймиз [12]:

$$VIF_j = \frac{1}{1 - R_j^2} \quad (13)$$

Бунда, R_j^2 - X_j омилнинг қолган омиллар билан ҳосил қилган кўп омилли детерминация коэффициенти ҳисобланади.

Агар $VIF_j \geq 10$ бўлса, у ҳолда X_j омил ва бошқа омиллар ўртасида жуда кучли корреляция мавжуд деб қаралади ҳамда уни (X_j ни) моделдан тушириб қолдириш тавсия этилади. Олинган эконометрик таҳлил натижалари қуйида келтирилган жадвалда ўз аксини топган (3-жадвал).

3-жадвал

VIF коэффициентининг қийматлари

	Coefficient	Uncentered	Centered
Variable	Variance	VIF	VIF
log(X_1)	0,288062	65621,58	2,341853
log(X_2)	0,003453	599,1043	2,341853
c	26,69025	56743,31	na

Манба: (13) формула ва Eviews 10.0 амалий пакети асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Ҳисобланган қийматларга кўра, $VIF_j \geq 10$ тенглик бажарилганлиги учун омиллар ўртасида мультиколлинеарлик муаммоси белгиланган меъёрдан ошиб кетмайди. Шунингдек, олинган барча боғланишлар тавсифи Чеддок шкаласи бўйича қуйидаги қийматларга тўғри келади (4-жадвал).

4-жадвал

Боғлиқлик тавсифи учун Чеддок шкаласи [13]

Корреляция коэффициентининг қийматлари	≤ 0,3	(0,3 – 0,5]	(0,5 – 0,7]	(0,7 – 0,9]	> 0,9
Боғланиш кучи	Кучсиз	Ўртача	Сезиларли	Юқори	Жуда юқори

Регрессион таҳлил натижаларига кўра, аҳоли сони динамикаси натурал логарифмик қийматларининг бир бирликка ортиши асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш ҳажмининг натурал логарифмик қийматларининг

16,307 бирликка ортишига ҳамда экспорт ҳажми натурал логарифмик қийматларининг бир бирликка ортиши эса назарда тутилаётган кўрсаткичнинг 0,196 бирликка пасайишига олиб келиши мумкинлиги қайд этилди (5-жадвал).

5-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари

Кўрсаткичлар	Регрессия коэффициентлари		Стандарт хатолик	t - статистика	P - қиймат
<i>Омиллар параметрлари</i>					
a ₀ - озод ҳад	-160,287		5,16	-31,025	1,84007E-10
a ₁ - коэф.	16,307		0,53	30,384	2,21709E-10
a ₂ - коэф.	-0,196		0,05	-3,343	0,008610141
<i>Тенглама параметрлари</i>					
R - квадрат	Кўпликдаги R		F - статистика	F - статистиканинг аҳамиятлилиги	Стандарт хатолик
0,995	0,997		914,0	4,03263E-11	0,075

Манба: муаллиф ҳисоб-китоблари.

Амалга оширилган регрессион таҳлил натижаларига асосланиб, регрессия коэффициентларини (11) тенгламага элтиб қўядиган бўлсак, у ҳолда қуйидаги эмпирик тенгламага эга бўламиз:

$$\hat{y}_x = -160,287 + 16,307 \ln x_1 - 0,196 \ln x_2 \quad (14)$$

(5.16) (0.53) (0.05)

Бунда, \hat{y}_x – асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш ҳажми, x_1 – республика аҳоли сони ҳамда x_2 – экспорт ҳажми бўлиб, (14) тенгламада келтирилган думалоқ қавс ичидаги қийматлар мос параметрларнинг стандарт хатоликларини ўзида ифода этади.

Олинган регрессион таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ҳисобланган детерминация коэффициентининг ($R^2 = 0,995$) қиймати 99,5 фоизга тенг бўлиб, унга кўра, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш ҳажмининг натурал логарифмик қийматлари умумий вариациясининг 99,5 фоизи регрессия тенгламасига киритилган омиллар, яъни, республика аҳолиси сони ва экспорт ҳажми динамикалари ҳисобига шакланган эканлигини кўрсатади.

Олинган таҳлил натижаларига кўра, Фишернинг F-статистикаси аҳамиятлилиги ҳамда озод ҳад (ao)

ва регрессия коэффициентларининг (a_1 ва a_2) t-статистикалари аҳамиятлилиги 0,05 ($p\text{-value} < 0,05$) дан кичик бўлганлиги боис (14) эмпирик регрессия тенгламаси адекват ва унинг параметрлари статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, (14) эмпирик регрессия тенгламаси сифат жиҳатдан қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради ва мазкур моделнинг умумий хулосасига кўра, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш ҳажмига республика аҳолиси сони динамикаси ижобий ҳамда экспорт ҳажми динамикаси эса салбий таъсир этади.

Хулоса ва таклифлар.

1. Мазкур тадқиқотда асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш ҳажми динамикасига таъсир этувчи салмоқли омиллар сифатида республика аҳолиси сони ва экспорт ҳажмининг таъсирларини ўрганиш асосий мақсад қилиб олинган эди ва ушбу тадқиқотни амалга оширишда корреляцион ва регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилди. Олинган умумий таҳлил натижаларига кўра, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш ҳажмига республика аҳолиси сони динамикаси

ижобий, экспорт ҳажми динамикаси эса салбий таъсир этганлиги аниқланди.

2. Регрессион таҳлил натижаларига кўра, аҳоли сони динамикаси натурал логарифмик қийматларининг бир бирликка ортиши асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш ҳажмининг натурал логарифмик қийматларининг 16,307 бирликка ортишига ҳамда экспорт ҳажми натурал логарифмик қийматларининг бир бирликка ортиши эса назарда тутилаётган кўрсаткичнинг 0,196 бирликка пасайишига олиб келиши мумкинлиги аниқланди. Шунингдек, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш динамикасига фармацевтик маҳсулотлар экспорти динамикасининг салбий таъсири, мазкур динами-

канинг ўтган йилларга нисбатан пасайиб кетганлиги билан изоҳланди.

3. Хулоса қилиб айтганда, юқоридагиларни инобатга олган ҳолда республикада экспортга йўналтирилган фармацевтика саноати ишлаб чиқаришини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунинг учун эса экспорт маҳсулотларининг инновация сиғимига ҳамда бир компонентли дори воситалари ишлаб чиқаришдан мураккаб компонентли дори воситалари ишлаб чиқаришга асосий эътиборни қаратиш ҳамда ушбу экспорт динамикасини барқарор ҳолатда сақлаб туриш талаб этилади ва бундай шароитда мамлакат экспортининг ўсиши фармацевтика ишлаб чиқаришини янада рағбатлантирилишига олиб келади, деб ҳисобланади.

Манба ва адабиётлар

1. Кариев С. Фармацевтика саноати янги босқичга қадам қўяди // *O'zbekistonda sog'liqni saqlash*. 2022 йил 10 февраль. №6 (1390). 2-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги “2022 - 2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармогини жадал ривожлантиришига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-55-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5834287>. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
3. Muratoglu G. Does Pharmaceutical Industry Boost Economic Growth? A Competitiveness-Related Approach. *Journal of Yasar University*, 2017, 12/48, 296-314.
4. Международная федерация фармацевтических производителей и ассоциаций (IFPMA). *Фармацевтическая промышленность и глобальное здравоохранение: Факты и цифры*. М.: 2013. – 13 с.
5. Dennis Ostwald, Marcus Cramer, Nora Albu, Jasmin Tesch. *The Global Economic Impact of the Pharmaceutical Industry. Research Report September 2020*. 9-р.
6. Eduardo Urias “The Contribution of the Pharmaceutical Industry to the Health Status of the Developing World” In *Multinational Enterprises and Sustainable Development*. Published online: 19 Sep 2017, 41-67.
7. Ludivine Blanc. *The European Pharmaceutical Industry in a Global Economy: what drives EU exports of pharmaceuticals? Bruges European Economic Research Papers*. 31 / 2015. P. 1-2.
8. Wolfgang Boecking, Anna Klamar, Florian Kitzmann and Wilhelm Kirch. *Pharmaco-economic impact of demographic change on pharmaceutical expenses in Germany and France*. Boecking et al. *BMC Public Health* 2012, 12:894. <http://www.biomedcentral.com/1471-2458/12/894>.
9. Гришин А.Ф. *Статистические модели в экономике: учеб. пособие / А.Ф.Гришин, С.Ф.Котов-Дарти, В.Н.Ягунов. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2005. – 222 с.*
10. Уткина В.Б. *Эконометрика: Учебник*. 2-е изд. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2012. – 564 с.
11. Соатов Н.М. *Статистика. Дарслик. Абу Али Ибн Сино номидаги Тиббиёт нашриёти*. – Т.: 2003.
12. Wooldridge J.M. *Introductory Econometrics. A Modern Approach. Seventh Edition*. P. 92.
13. Мамаева З.М. *Математические методы и модели в экономике. Часть 2. Эконометрика. Учебно-методическое пособие*. Нижний Новгород: Нижегородский государственный университет им. Н.И. Лобачевского. ННГУ, 2010. – 25 с.

УЎК: 631.145.338(575.1)

Dostonbek ESHPULATOV,
Guliston davlat universiteti tayanch doktoranti,
E-mail: doston95@bk.ru

Qishloq xo'jaligi korxonalarini innovatsion rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlari

Annotatsiya: maqolada qishloq xo'jaligi korxonalarining raqobatbardoshligini ta'minlashda ularning innovatsion rivojlanishini faollashtirish yo'llari ko'rib chiqilgan. Agrar korxonalarining innovatsion faolligi ko'rsatkichlari va unga ta'sir etuvchi asosiy omillar tahlil qilingan. Shu bilan birga, ularni innovatsion rivojlantirish strategiyasini shakllantirish agrar korxonalar mahsulotlarini raqobatbardoshligini oshirishi, bozorda barqaror pozitsiyalarni egallashiga imkon berishi mumkinligi asoslangan.

Kalit so'zlar: agrosanoat majmuasi, innovatsion salohiyat, innovatsiyalar, qishloq xo'jaligi.

Характеристика инновационного развития сельскохозяйственных предприятий

Достонбек Эшпулатов,

докторант Гулистанского государственного университета

Аннотация: в статье рассматриваются пути активизации инновационного развития сельскохозяйственных предприятий с целью обеспечения их конкурентоспособности. Проанализированы показатели инновационной деятельности сельскохозяйственных предприятий и основные факторы, влияющие на нее. В то же время он основан на том, что формирование стратегии их инновационного развития может повысить конкурентоспособность продукции сельскохозяйственных предприятий и позволить им занять устойчивые позиции на рынке.

Ключевые слова: агропромышленный комплекс, инновационный потенциал, инновации, сельхозтоваропроизводители.

Characteristics of innovative development of agricultural enterprises

Dostonbek Eshpulatov,

doctoral student of Gulistan State University

Abstracts: the article examines the ways to activate the innovative development of agricultural enterprises in order to ensure their competitiveness. Indicators of innovative activity of agricultural enterprises and the main factors affecting it were analyzed. At the same time, it is based on the fact that the formation of their innovative development strategy can increase the competitiveness of the products of agricultural enterprises and allow them to take stable positions in the market.

Keywords: agro-industrial complex, innovation potential, innovations, agricultural producers.

Kirish. Agrar sektordagi vaziyatni barqarorlashtirish, tarmoqni rivojlantirish innovatsion faoliyatni faollashtirmasdan va rivojlanishning innovatsion yo'nalishini shakllantirmasdan mumkin emas, chunki hozirgi davrda iqtisodiy rivojlanishning innovatsion vektori mamlakat iqtisodiy o'sishining harakatlantiruvchi komponenti hisoblanadi.

Innovatsiyalar yordamida agrar tarmoq korxonalari raqobat muhitida yetakchi bo'lish imkoniyatiga ega bo'ladi. Biroq bu maqsadga erishish iqtisodiyotning agrar sektorini rivojlantirish tizimining barcha tarkibiy qismlari to'liq va muvaffaqiyatli faoliyat ko'rsatgandagina, uning asosiy tarkibiy qismi innovatsion yo'naltirilgan jarayon bo'lgan taqdirdagina mumkin bo'ladi.

Hozirgi jahon iqtisodiyotini rivojlantirishning holatini muhim xususiyati nafaqat innovatsion

yoʻnalishning kuchayishi hamda axborot va intellektual resurslarning rolini oshirishda, balki oziq-ovqat taʼminoti muammosining keskinlashuvidir. Xususan, jahon oziq-ovqat muammosini hal etish yoʻlidagi strategik vazifalarni belgilashda milliy iqtisodiyotni eksportga yoʻnaltirish milliy agrar sektorni innovatsion rivojlanish yoʻliga qayta yoʻnaltirish boʻyicha qator tizimli chora-tadbirlarni amalga oshirishni taqozo etadi. Xalqimiz dunyoqarashida innovatsiya muhitini yaratish eng muhim vazifamizdir. Innovatsiya boʻlmas ekan, hech bir sohada raqobat, rivojlanish boʻlmaydi. Bu sohadagi oʻzgarishlarni xalqimizga keng targʻib qilmasak, odamlarda koʻnikma paydo qilmasak, bugungi davr shiddati, fan-texnikaning mislsiz yutuqlari bilan hamqadam boʻla olmaymiz [1].

Qishloq xoʻjaligi korxonalari faoliyatining tendentsiyalari va qonuniyatlarini oʻrganish shuni koʻrsatdiki, mahalliy fermerlarning innovatsion faolligi pastligining asosiy sabablaridan biri qishloq xoʻjaligi ishlab chiqarishiga innovatsiyalarni joriy etishda ularning manfaatdorligini taʼminlovchi mexanizm va vositalarning yoʻqligidir. Biroq amaliyot shuni koʻrsatadiki, bunday ogʻir sharoitda qishloq xoʻjaligi korxonalari moliyaviy resurslarning cheklanganligiga qaramasdan mustaqil ravishda innovatsion faoliyatni amalga oshiradilar.

Shunday vaziyat yuzaga kelmoqdaki, bir qator ilmiy ishlanmalar qishloq xoʻjaligi ehtiyojlariga javob bermaydi, bu maʼlum darajada innovatsion tizimning nomutanosibligini, sohaning real ehtiyojlari va ilmiy muassasalar harakatlari oʻrtasidagi muvofiqshatirish yoʻqligidan dalolat beradi. Qishloq xoʻjaligi ishlab chiqaruvchilarining innovatsion faolligining pastligiga sabab ham ularning past rentabelligi natijasi boʻlib [2], bu moliya-kredit va qonunchilik tizimini takomillashmaganligi bilan ham bogʻliq. Yaʼni, yechimi, birinchi navbatda, qishloq xoʻjaligining innovatsion rivojlanishini tartibga solish konsepsiyasi, strategiyasi va mexanizmlarini ishlab chiqish orqali davlat rolini faollashtirishdan iborat boʻlgan muammolar majmuasi mavjud.

Iqtisodiyotning agrar sektoridagi korxonalarni innovatsion rivojlantirish muhimligini hisobga olgan holda, ularning innovatsion faolligini tendensiyalarini, shuningdek, innovatsion faoliyatini jadallashtirishga toʻsqinlik qilayotgan omillarni tahlil qilish va oʻrganish, agrar korxonalarni innovatsion yoʻnaltirilganligi va faolligi darajasini hisobga olgan holda samarali innovatsion yoʻnaltirilganlik strategiyalarni tanlash

jarayoni va rivojlantirishning asosiy strategik maqsadlarini aniqlash zaruriyati paydo boʻladi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili

Ilgʻor bilimlarga asoslangan iqtisodiyotlarda oziq-ovqat va qishloq xoʻjaligi ishlab chiqarishi unchalik qiyosiy afzalliklarga ega emas. Bu shuni anglatadiki, qishloq-oziq-ovqat sanoati kamdan-kam hollarda innovatsion siyosatning asosiy nuqtasi boʻlib, aksincha, orqada qolgan sektor yoki hech boʻlmaganda chuqur oʻrganilmagan sektor sifatida qaraladi [3].

Mamlakat innovatsion rivojlanishiga taʼsir etuvchi omillardan biri bu inson kapitalidir. Inson kapitali gʻoyalar tijorat mahsuloti va jarayonlariga aylanadigan jarayonlarda bilimlarni oʻzlashtirish va joriy qilish imkonini beradi. Rasmiy taʼlim darajasi inson kapitali va oʻzlashtirish qobiliyatining umumiy oʻlchovi boʻlib hisoblanib, oldingi tadqiqotlar shuni koʻrsatdiki, oliy taʼlim makro va mikro darajadagi innovatsion samaradorlik bilan ijobiy bogʻliqdir [4, 5, 6].

Baʼzi xorijiy adabiyotlarda soha innovatsion rivojlanishi va eksport oʻrtasidagi ijobiy bogʻliqlikni koʻrsatishgan [7]. Qishloq xoʻjaligida innovatsiyalar va eksport oʻrtasidagi munosabatlar nisbatan zaifligini taʼkidlagan.

Bilimlar oqimi geografik tarkibiy tuzulishlar bilan bogʻliq boʻlishi mumkin. Innovatsiyalar geografiyasi boʻyicha koʻplab tadqiqotlar shuni koʻrsatadiki, nisbatan zichroq hududlar innovatsion faoliyat uchun yuqori sharoitlarni taʼminlaydi, chunki bilimlar oqimi geografik yaqinlik tufayli osonlashadi [8, 9]. Bilimning tashqi omillarining mavjudligi zich hududlarga bilim talab qiladigan faoliyatni jalb qiladi, bu esa zich shahar hududlarida bilim talab qiladigan xizmatlar va yuqori texnologiyali ishlab chiqarishning kuchli konsentratsiyasini tushuntiradi.

Biroq, qishloq xoʻjaligi sektorining makonli taqsimoti tadqiqot boʻlimlari va inson kapitalining geografiyasiga emas, balki qishloq xoʻjaligi yerlarining geografiyasiga bogʻliq. Koʻpgina qishloq xoʻjaligi firmalari qishloq xoʻjaligi yerlari tarqoq va geografik jihatdan aniq belgilab qoʻyilganligi sababli kamroq zich hududlarda joylashgan. Bu esa qishloq xoʻjaligi subyektlarini sust mobilligiga va geografik sharoitlar ularning innovatsion sigʻimiga salbiy taʼsir koʻrsatadi. Shunga qaramasdan, hududiy joylashuvga xos omillar taʼsiri boshqa tarmoq tadqiqotlarida keng tan olingan boʻlsada, bu omilga qishloq xoʻjaligi innovatsiyalari tadqiqotlarida yetarlicha eʼtibor qaratilmay kelinmoqda [10, 11].

Ushbu masalalar qamrab olingan ba'zi tadqiqotlar ham mavjud. Masalan, Lapple va boshqalar, va Botha va boshqalar hududlarda bilimlarning tarqalishini qishloq xo'jaligida innovatsion jarayonlarni rag'batlantirishdagi ro'lini ta'kidlashgan. Ular, shuningdek, innovatsiyalarning aniq makonli konsentratsiyasi mavjudligini kuzatishadi. Mate-Sanches-Val va Xarris geografik yaqinlikning ispan qishloq xo'jaligi oziq-ovqat firmalarida innovatsiyalarga ta'sirini o'rganishadi va ilmiy-tadqiqot markazlariga yaqinlikning muhim va ijobiy ta'sirini aniqlaydilar [24]. Bjerke ta'kidlaganidek, sohaga oid bilim xizmatlariga yaqinlik qishloq xo'jaligi sohasidagi firmalar o'rtasida samaradorlikni oshiradi [12].

Qishloq xo'jaligi korxonalarini innovatsion rivojlantirish masalalari bir qator milliy va xorijiy olimlar tomonidan o'rganilgan. Ulardan Z.S.Shoxo'jaeva va Y.Y.Muxammadievalar qishloq xo'jaligini rivojlantirish va undagi dehqon va fermer xo'jaliklari subyektlari faoliyati samaradorligini oshirishga yo'naltirilgan innovatsion siyosatning muhim yo'nalishlari sifatida mayda va yirik korxonlarda ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarning bir-birini to'ldiruvchi maqbul nisbatda bo'lishi, ekotizimga antropogen ta'sirni kamaytirish orqali resurslardan foydalanish samaradorligining oshirilishi va h.k.larda ko'radilar [13].

A.J.Abdulloev va A.A.Hasanovlar qishloq xo'jaligi korxonalarining raqobatbardoshligini oshirishda, xususan, innovatsion rivojlanish yo'liga o'tishda agroklasterning beqiyos o'rniga urg'u berishadi. Shu bilan birga agroklasterning bir qator afzalliklarini asoslab berishgan: birlashtirilgan kapitalarni bo'lishish va yangiliklarni tezlashtirish qobiliyati; resurslardan birgalikda foydalanish, moddiy-texnik ta'minotni sotib olish va saqlashda tejash; agrosanoat majmuasining har bir alohida korxonasi hududiga, faoliyat ko'lamiga va faoliyatining o'ziga xos xususiyatlariga muvofiq xo'jalikning samarali ixtisoslashuvini aniqlash va h.k.lar [14].

M.X.Kamilova va Y.A.Akhmedovalar agrar korxonalar innovatsion rivojlanishi insitutsional siyosat orqali mumkinligini ta'kidlab, uning asosiy elementlari sifatida fan, ta'lim va innovatsiyalar sohasidagi asosiy qoidalarni shakllantiruvchi huquqiy tizim, davlat ilmiy-texnikaviy va innovatsion siyosat tizimi, shu jumladan ishlab chiqaruvchilar, innovatorlar va iste'molchilar bilan bevosita hamkorlik qiluvchi institutlar (masalan, Innovatsion rivojlanish vazirligi, Intellektual mulk

agentligi, Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi va boshqalar), fan va texnika sohasining samaradorligini ta'minlash va h.k.larni sanab o'tadilar [15].

Tahlil va natijalar. Mahalliy va xorijiy olimlar tomonidan olib borilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, aksariyat qishloq xo'jaligi korxonalari uchun innovatsiyalarni ishlab chiqarish faoliyatiga joriy etish imkoniyatlarining yetishmasligi ko'plab salbiy omillar ta'siri, xususan, moliyaviy resurslarning yetishmasligi, innovatsiyalarni joriy etishni maqsadga muvofiqligini baholash metodikasi va axborotlarining yetishmasligi, innovatsion rivojlanish bo'yicha aniq yo'riqnomalarning yo'qligi, innovatsiyalarni joriy etishni rag'batlantirishning iqtisodiy mexanizmlari va ularni amalga oshirishni kuchaytirish vositalarining nomukammalligi bilan izohlanadi.

O'zbekiston Respublikasining agrar sektori mamlakat iqtisodiyotida muhim o'rinni egallaydi, shuning uchun uning samarali ishlashi fan, texnika va eng yangi texnologiyalar yutuqlariga asoslangan bo'lishi kerak. Bunday yo'naltirish faqat agrosanoat ishlab chiqarishi sohasida innovatsion faoliyatni joriy etish va ommaboplashtirish sharoitida mumkin bo'ladi. Innovatsion jarayon innovatsion mahsulotni ishlab chiqishdan tortib uni sinovdan o'tkazish va keng ishlab chiqarishga joriy etishgacha bo'lgan bir qator bosqichlardan o'tishidan kelib chiqqan holda, hozirgi vaqtda mamlakatimizda innovatsion faoliyat innovatsion jarayonning bosqichlari bilan muvozanatsiz, ayniqsa qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish va ularni iste'mol qilish jarayoni ishtirokchilari kam ma'lumotga ega va bir-biridan manfaatdor emas holda shakllangan.

Statistika qo'mitasi ma'lumotlariga ko'ra 2021-yilning yanvar-dekabr oylarida qishloq, o'rmon va baliqchilik xo'jaligi mahsulot (xizmat)lari hajmi o'tgan yilning mos davriga nisbatan 104,0 % ni, shu jumladan, dehqonchilik, chorvachilik, ovchilik va ushbu sohalarda ko'rsatilgan xizmatlar – 103,9 %ni, o'rmon xo'jaligida – 101,5 %ni, baliqchilik xo'jaligida – 121,4 % ni tashkil qildi [16]. O'zbekiston Agrosanoat majmuasi (ASM) tarmog'i jahon bozorlarida eksport hajmiga ko'ra yetakchi o'rnlarni egallaydi. Xususan, paxta tolasi eksporti va "qorako'ltari" yetishtirish bo'yicha 2-o'rin, xom ipak ishlab chiqarishda 6-o'rin [17]. Shu bilan birga, jahon iqtisodiy makoniga yanada kirib borish, globallashtirish va savdoni liberallashtirish jarayonlarini kuchaytirish doimiy o'zgarib turadigan

sharoitlarga moslashishni, shunga mos ravishda agrar siyosatni yanada takomillashtirishni taqozo etadi.

Shu bilan birga, agrar ishlab chiqarishni takomillashtirish uchun innovatsion komponentni ham hisobga olish zarurki, bu qishloq xo'jaligi korxonalarining innovatsion yo'nalishda texnologik, agroteknik va tashkiliy-iqtisodiy imkoniyatlarini shakllantirish asosida xo'jalik faoliyatining ichki ko'rsatkichlarini mustahkamlash imkonini beradi. Ya'ni, mamlakatimiz qishloq xo'jaligi korxonalarining innovatsion faoliyatini jadallashtirish mamlakat barqarorligi va barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining muhim shartlaridan biridir. Bu shuni anglatadiki, qishloq xo'jaligi korxonalarining samarali faoliyat yuritishi faqat biznes muhiti taqdim etayotgan yangi xilma-xil imkoniyatlarni topishga qaratilgan tizimli va maqsadli innovatsiyalar sharoitida mumkindir. Bunday innovatsiya, aslida, innovatsion faoliyatning mazmuni bo'lib, uning natijalari ichki ishlab chiqarish va iqtisodiy jarayonlarni takomillashtirish, bozor ehtiyojlarini qondirishning yangicha yondashuvlariga asoslangan kelajak rivojlanish yo'nalishlarini belgilab beradi.

Jahon tajribasi shuni ko'rsatadiki, agrar korxonalarining innovatsion rivojlanishini cheklovchi omillar makroiqtisodiy va mikroiqtisodiy xususiyatlarga ega. Alohida makroiqtisodiy omillarga quyidagilarni kiritish mumkin: qishloq xo'jaligi va sanoat mahsulotlari narxlarining nomutanosibligi, markazlashtirilgan subsidiyalar va kreditlar hajmining qisqarib ketishi, soliq yuki, investitsiyalarning kamayib ketishi, tarmoqda past ish haqi miqdori.

Qishloq xo'jaligi ishlab chiqaruvchilarining innovatsion yo'lga o'tishini murakkablashtiruvchi mikroiqtisodiy sabablari quyidagilardan iborat:

- moliyaviy resurslarni, shu jumladan asosiy kapital tarkibini, amortizatsiya siyosatini samarasiz boshqarish;

- umumiy xarajatlarni irratsional taqsimlash;
- ishlab chiqarish va xo'jalik ishini, mehnatga haq to'lash va mehnat resurslarini rag'batlantirish tizimlarini samarasiz tashkil etish;

- buxgalteriya hisobini yuritishda qiyinchiliklar, korxonada aniq hisob siyosatining yo'qligi.

Nazariy jihatdan shuni ham hisobga olish kerakki, qishloq xo'jaligidagi innovatsion jarayonni tarmoqni innovatsion rivojlanishga o'tkazish maqsadida alohida texnik, texnologik, tashkiliy-iqtisodiy g'oyalar va ilmiy variantlarni muayyan amaliy vazifalarga, shuningdek, qishloq xo'jaligi korxonalarini ishlab chiqarishning sifat jihatidan yangi bosqichga doimiy, uzluksiz ravishda o'tib borish jarayoni sifatida ko'rib chiqilishi kerak.

Shu bilan birga, agrar ishlab chiqarishni innovatsion rivojlanishi zamonaviy sharoitlarda o'ziga xos bir qator xususiyatlarga ega [18]:

- qishloq xo'jaligi mahsulotlari xilma – xilligi va ularni qayta ishlashning turli xil usullari, qishloq xo'jaligi turli tashkilotlarida, fermer xo'jaliklarida, dehqon xo'jaliklarida agrar mahsulotlarni ishlab chiqarish va yetishtirishda foydalaniladigan texnologiyalar orasidagi katta farq;

- iqtisodiyotning agrar sektorida ishlab chiqarish texnologiyalarining murakkab tabiiy sharoitlarga bog'liqligi;

- alohida turkumdagi qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish va uning mahsulotlarini qayta ishlash davrlari orasidagi katta farq;

- ishlab chiqarishning hududiy jihatdan kuchli tarqoqligi va alohida hududlarni ishlab chiqarish sharoitlariga ko'ra sezilarli farqlanishi;

- qishloq xo'jaligi xodimlarining turli xil ijtimoiy darajasi, bu esa kadrlar tayyorlash va ularning malakasini oshirishga, oliy o'quv yurtidan keyingi ta'limni tashkil etishga ko'proq e'tibor berishni talab qiladi.

Ta'kidlash lozimki, mamlakatimizda qishloq xo'jaligi mahsulotlarining fan sig'imi 2021-yilda 0,025 % ni tashkil qilgan [16]. Bu ko'rsatkich AQSh va Germaniyada mos ravishda 2,74 % va 2,93 % ni tashkil etadi. Innovatsion faollikni o'lchovchi asosiy ko'rsatkich bu davlatning innovatsiyalar uchun qiladigan xarajatlar miqdori bilan o'lchanadi. Jadvalda so'ngi yillar uchun O'zbekiston Respublikasining ITTKI (Ilmiy tadqiqot va tajriba konstruktorlik ishlari)ga xarajatlari dinamikasi keltirilgan (1-jadval).



1-jadval

**Ilmiy tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlanmalarida qishloq xo'jaligi fanlariga
ajratilgan xarajatlar (mln.so'm)**

Ko'rsatkichlar	2015 y.	2016 y.	2017 y.	2018 y.	2019 y.	2020 y.	2021 y.
ITTKI ga xarajatlar jami, mln.so'm	365160,1	440285,2	470938,3	528777,5	853404,4	838633,8	1028422,749
Qishloq xo'jaligi fanlariga	27345,8	36706,1	45539,7	49951,8	64937,6	86386,4	75040,9
<i>shu jumladan:</i>							
fundamental tadqiqotlarga	4952,8	6474,2	7337,3	7933,8	6314,7	8528,8	8430,8
amaliy tadqiqotlarga	16671,6	19061,8	28876,4	31902,8	46493,7	62427,8	31459,9
ilmiy-texnik ishlanmalarga	4362,8	5238,2	5064,7	4826,3	6585,4	6929,2	7684,8
Jami ITTKI ga xarajatlarda qishloq xo'jaligi fanlari ulushi, % da	7,5%	8,3%	9,7%	9,4%	7,6%	10,3%	7,3%
Qishloq xo'jaligi yalpi mahsulotiga nisbatan qishloq xo'jaligi fanlari bo'yicha ilmiy-tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlanmalari xarajatlarini oshirish, % da	0,027%	0,032%	0,031%	0,027%	0,030%	0,035%	0,025%

Manba: Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida tuzilgan.


Dinamikada iqtisodiyotda ITTKI ga xarajatlar kuzatilgan davr mobaynida 2,8 barobar oshgan. Xususan, qishloq xo'jaligi fanlarida o'sish 2,7 barobarni tashkil etgan. Qishloq xo'jaligi fanlariga xarajatlar tarkibida amaliy tadqiqotlar salmoqli 41,9 % ulushga ega bo'lgan.

Shu bilan birga, jami ITTKI ga xarajatlar tarkibida qishloq xo'jaligi fanlari ulushi ortib bormoqda. Bu sohaga so'ngi yillarda e'tibor kuchayayotganidan dalolat beradi.

Boshqa tomondan, jahon tajribasi shuni ko'rsatadiki, tarmoq barqaror innovatsion rivojlanishini ta'minlash uchun ushbu tarmoqda yalpi ishlab chiqarilgan mahsulot

hajmi ortishi bilan unga nisbatan xuddi shu tarqmoqda ITTKI ga xarajatlar mutanosib ravishda o'sib borishi lozim. Jadval ma'lumotidan ko'rinadiki 2021-yilda qishloq xo'jaligi yalpi mahsulotiga nisbatan qishloq xo'jaligi fanlari bo'yicha ilmiy-tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlanmalari xarajatlari 2015-yilga nisbatan 0,002 foiz punktga pasaygan.

ITTKI ishlariga xarajatlar so'ngi yillarda o'sib borishi ushbu sohalarida innovatsion mahsulotlar hajmi sezilarli oshishini ta'minlamoqda. Shunday qilib, 2021-yilda korxonalar va tashkilotlar innovatsion mahsulotlari hajmi 2015-yilga nisbatan 3,41 barobarga yoki 19 355 mlrd. so'mga oshgan (1-rasm).



**1 – rasm. Korxonalar va tashkilotlar innovatsion mahsulotlar, ishlar va
hizmatlar hajmi dinamikasi, mlrd.so'm.**

Manba: Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

Qishloq xo'jaligi subyektlarining hozirda joriy qilinayotgan innovatsiyalarda asosan mashina va asbob-uskunalarini sotib olish bilan bog'liq texnologik

innovatsiyalar ustunlik qiladi. Tarmoqlarni innovatsion rivojlantirishning asosiy manbai tashkilotlarning o'z mablag'lari va boshqa fondlardir (2-jadval).

2-jadval


Qishloq xo'jaligida joriy qilingan innovatsiyalar

Qishloq xo'jaligida joriy qilingan innovatsiyalar, % da				
T/r	Qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligida	2018	2019	2020
1	Texnologik innovatsiyalar	100	100	100
2	Shu jumladan:			
3	o'z kuchi bilan	66,7	90,4	98,8
4	boshqa tashkilotlar bilan hamkorlikda	0,0	5,8	1,2
5	boshqa tashkilotlar tomonidan	33,3	3,8	0,0
Qishloq xo'jaligida joriy qilingan texnologik, marketing va tashkiliy innovatsiyalar, %				
1	Innovatsion tashkilotlar	100	100	100
2	Shu jumladan:			
3	texnologik innovatsiyalar	100	91,2	100
4	marketing innovatsiyalar	0,0	0,0	
5	tashkiliy innovatsiyalar	0,0	8,8	

Manba: Statistika agentligi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

Boshqa tomondan, qishloq xo'jaligida innovatsion faollikning asosiy ko'rsatkichi bo'lgan ixtiro va foydali modellarga talabnomalar sonini tahlil qilganimizda, sohada ITTKI ga xarajatlar muntazam o'sib borishiga

qaramasdan, patent talabnomalari soni kamayib borganini ko'ramiz (2-rasm). Bu sohani innovatsion rivojlantirishga qaratilgan xarajatlarning qaytimi pasayib borayotganidan dalolat beradi.



2-rasm. O'zbekistonda qishloq xo'jaligida ixtiro va foydali modellar uchun patent talabnomalar soni dinamikasi, birlikda

Manba: [19] asosida muallif tomonidan tuzilgan.


Asosiy muammo korxonalarining innovatsion potensialidan to'liq va samarali foydalanishga imkon beruvchi strategiyani shakllantirishdadir (3-rasm).

Shuningdek, innovatsion yo'nalishda tegishli davlat siyosatini shakllantirmasdan turib, qishloq

xo'jaligini rivojlantirish mumkin emas. O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020–2030-yillarga mo'ljallangan strategiyasida qishloq xo'jaligini keyingi yillarda innovatsion rivojlantirish maqsadida bir qator vazifalar qo'yilgan:

- ilg'or xalqaro tajribalar asosida qishloq xo'jaligida qo'shilgan qiymat zanjirini rivojlantirishni qo'llab-quvvatlash bo'yicha innovatsion ta'lim markazini tashkil etish; qishloq xo'jaligida intensiv innovatsion texnologiyalarni joriy qilishni rag'batlantirish tizimini

takomillashtirish va boshqalar. Strategiyaning amalga oshirish natijasida hududlar ixtisoslashtiriladi, bir joyda bir xil mahsulotlarni yetishtirish, agroinnovatsion g'oyalarni joriy etish, hosildorlikni oshirish va mahsulot sifatini yaxshilashga sharoit yaratiladi.



3-rasm. Qishloq xo'jaligi korxonalarini innovatsion rivojlantirish strategiyasi modeli

Manba: muallif ishlanmasi.

Strategiya asosida korxonaning bozordagi pozitsiyasi va samarali ilmiy-texnikaviy siyosatini yaratish ketayotgan bir paytda korxonaning biznes – muhiti holatini hisobga olib, muayyan maqsadlarni doimiy ravishda baholash va tekshirishni hisobga oladigan

modelni ishlab chiqish murakkab va uzoq davom etadigan jarayondir. Shu bilan birga, asosiy komponent – bu turli tashkiliy darajalarda to'g'ri innovatsion mezonlarni aniqlashni ta'minlaydigan korxonada maqsadlarini aniqlashni shakllantirish va belgilashdir.

Taklif va xulosalar. Xulosa qilib aytganda respublikamizda ITTKI ga xarajatlarning so‘nggi yillarda ortib borishi va sohada patent talabnomalari sonining qisqarib borishi sohada innovatsiyalarni joiy qilish bilan bog‘liq muammolarning mavjudligidan darak beradi. Shunga qaramasdan, ba‘zi hududlarda “Qishloq xo‘jaligi 4.0” raqamli va axborot texnologiyalari masalan, Sirdaryo viloyatida “BEK CLUSTER” MCHJda qishloq xo‘jaligi xom ashyosini qayta ishlaydigan korxonalar, transport va logistika korxonalari va tarqatish tarmoqlarida allaqachon amalga oshirilmoqda. Bu qishloq xo‘jaligini innovatsion rivojlantirish ko‘p jihatdan raqamlashtirish texnologiyalari bilan bog‘liqligini va bu yo‘nalishga alohida e‘tibor qaratish lozimligini ko‘rsatadi.

Shuningdek, sohada asosiy turdagi mahsulotlarni ishlab chiqarishda dehqon xo‘jaliklarining ulushi 66 %ni tashkil etmoqda. Bu toifa xo‘jaliklarning moliyaviy imkoniyatlari chegaralanganligi bois innovatsiyalarning asosiy o‘zlashtiruvchilari bo‘lib qolishmoqda. Innovatsiyalarni joriy etishda nisbatan mustahkam moliyaviy bazaga ega bo‘lgan agroklasterning o‘rni beqiyosdir. Shuningdek, ushbu toifa investitsiyalarni jalb etishda afzalliklarga ega.

Shu bilan birga, O‘zbekiston jahon iqtisodiyotiga chuqur integratsiyalashgan davlat sifatida jahonda agrar sektorda sodir bo‘layotgan innovatsion jarayonlar ta’siridan chetda qolmaydi va bu agrar sohani innovatsion rivojlanish yo‘liga o‘tishini oldindan belgilab beradi. Respublikamiz qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishida innovatsion yutuqlardan foydalanishning asosiy zamonaviy yo‘nalishlarini ko‘rib chiqish, innovatsion yutuqlarning namoyon bo‘lishi quyidagi sohalarda kuzatilgan degan xulosaga kelishimizga imkon beradi:

- qishloq va o‘rmon xo‘jaligida tuproqni qayta ishlash; qishloq xo‘jaligi mashinalari detallari va tegishli qismlari, jihozlari, aksessuarlari ishlab chiqarish;

- ko‘chat yetishtirish, ekish, o‘g‘itlar ishlab chiqarish;

- o‘rim-yig‘im, hosilni yig‘ishtirish;

- o‘simliklarni yoki ularning qismlarini saqlash; biotsidlar, masalan, dezinfeksiyalash vositalari, pestitsidlar, gerbitsidlar; repellentlar yoki jalb qiluvchi moddalar; o‘simliklar o‘sishi regulyatorlari;

- oziq-ovqat yoki alkogolsiz ichimliklar; umumiy oziq-ovqat mahsulotlarini saqlash va h.k.lar.

Qishloq xo‘jaligi korxonalari uchun innovatsion yo‘naltirilgan rivojlanishning samarali strategiyasini ishlab chiqish va amalga oshirish, shuningdek, uning asosida samarali innovatsion siyosatni amalga oshirish katta ahamiyatga ega. Agrar sanoat korxonalari uchun bunday strategiyani shakllantirish strategik rejalashtirishning asosi bo‘lib, unda yangi turdagi ishlab chiqarish, shuningdek, yangi texnologiyalarni joriy etish va qo‘llash, rag‘batlantirishning tizimli jarayonini hisobga olgan holda marketing va ishlab chiqarishni samarali tashkil etish bilan bog‘liq chora-tadbirlar majmuini belgilab beradi.

Innovatsiyaga yo‘naltirilgan rivojlanish strategiyasini shakllantirish qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirishga ta’sir ko‘rsatish, barqaror raqobatdosh pozitsiyalarni ta’minlash va ularning faoliyat samaradorligini oshirish imkonini beradi. Binobarin, iqtisodiyotning zamonaviy agrar sektorini ilm-fanni ko‘p talab qiluvchi tarmoqqa aylantirish xususiyatini hisobga olgan holda, agrar korxonalarini innovatsion rivojlantirish strategiyalari uzoq muddatli vosita bo‘lib, demak, kelajakdagi rivojlanish yo‘nalishlarini belgilab beradi.

Manba adabiyotlar

1. Sh.M.Mirziyoyev. *Xalqimiz dunyoqarashida innovatsiya muhitini yaratish – eng muhim vazifamiz. Saytda mavjud: <https://uza.uz/posts/56685> (tashrif vaqti: 20.12.2022 y).*

2. Eshpulatov D.B. (2022). *Qishloq xo‘jaligi subyektlarining moliyaviy natijalari tahlili va prognozlari. Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar. № 4 (20).*

3. Knudson W., Wysocki A., Champagne J., Peterson H.C., 2004. *Entrepreneurship and innovation in the agri-food system. Am. J. Agric. Econ.* 86 (5), 1330–1336.

4. Caloghirou, Y., Kastelli, I., Tsakanikas, A., 2004. *Internal capabilities and external knowledge sources: complements or substitutes for innovative performance? Technovation* 24 (1), 29–39.

5. 17. Cohen, W.M., Levinthal, D.A., 1990. *Absorptive capacity: a new perspective on learning and innovation. Adm. Sci. Q.* 35 (1), 128–152.

-
6. 18. Moura, D.C., Madeira, M.J., Duarte, F.A., Carvalho, J., Kahilana, O., 2019. Absorptive capacity and cooperation evidence in innovation from public policies for innovation. *Int. J. Innovat. Sci.*
7. Alarcon, ' S., Sanchez, ' M., 2016. Is there a virtuous circle relationship between innovation activities and exports? A comparison of food and agricultural firms. *Food Pol.* 61, 70–79.
8. Jaffe, A.B., Trajtenberg, M., Henderson, R., 1993. Geographic localization of knowledge spillovers as evidenced by patent citations. *Q. J. Econ.* 108 (3), 577–598.
9. 21. Saxenian, A., 1994. Regional networks: industrial adaptation in Silicon Valley and route 128.
10. Bjerke, L., Johansson, S., 2015. Patterns of innovation and collaboration in small and large firms. *Ann. Reg. Sci.* 55 (1), 221–247.
11. 23. Nieto María, J., Santamaría, L., 2010. Technological collaboration: bridging the innovation gap between small and large firms*. *J. Small Bus. Manage.* 48 (1), 44–69.
12. Bjerke, L., 2016. Knowledge in agriculture: a micro data assessment of the role of internal and external knowledge in farm productivity in Sweden. *Stud. Agric. Econ.* 118, 68–76.
13. Shoxo'jaeva, Z.S., & Muxammadiyeva, Y.Y. (2022). Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida qishloq xo'jaligini innovatsion rivojlantirish yo'nalishlari. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (5), 16-24.
14. Asliddin Junaydullayevich Abdulloyev, & Akbar Abduqodirovich Hasanov (2022). Qishloq xo'jaligi mahsulotlari raqobatbardoshligini ta'minlashda klaster tizimining afzalliklari mexanizmlari. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2 (5), 796-802.
15. Kamilova Mashkura Xidoyatovna, & Akhmedova Yulduz Alisherovna (2022). O'zbekiston iqtisodiyotini modernizatsiyalashtirish va innovatsion rivojlanishning institutsional aspektlari. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (1 (149)), 54-60.
16. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi rasmiy sayti. www.stat.uz
17. O'zbekiston dunyo reytinglarida qanday o'rinlarda bormoqda? Saytda mavjud: <https://xs.uz/uz/post/ozbekiston-dunyo-reytinglarida-qanday-orinlarda-bormoqda> (tashrif vaqti: 20.12.2022 y).
18. Глобальный инновационный индекс 2020 г. Кто будет финансировать инновации: главные выводы // Всемирная организация интеллектуальной собственности. Saytda mavjud: <https://www.wipo.int> (tashrif vaqti: 23.07.2022).
19. O'zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi ma'lumotlar bazasi. Saytda mavjud: <https://www.ima.uz/> (tashrif vaqti: 30.01.2023).
-
-
-

УЎК: 334.722+330.322(575.1)

Бобир МИРЗАХАЛИКОВ,
PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),
Наманган муҳандислик-технология институти катта ўқитувчиси,
E-mail: qodirova1472@gmail.com

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Аннотация: мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг молиявий барқарорлиги ва инвестицион жозибдорлиги масалалари кўриб чиқилади. Иқтисодий ва молиявий барқарорлик атамалари ўртасида ўхшашлик келтирилади ва ушбу масала бўйича муаллифнинг нўқтаи назари келтирилган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг молиявий барқарорлиги ва инвестицион жозибдорлигини баҳолашни ягона алгоритмга боғлашга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, молиявий барқарорлик, инвестицион жозибдорлик, корхона активлари, корхона мажбуриятлари, молиявий ресурслар, молиявий кўрсаткичлар, ликвидлик, тўлов қобилияти, рентабеллик.

**Основные направления повышения
финансовой устойчивости субъектов
малого бизнеса и частного
предпринимательства**

Бобир Мирзахаликов,
PhD (по экономическим наукам),
старший преподаватель Наманганского
инженерно-технологического института

Аннотация: в статье рассматриваются вопросы финансовой устойчивости и инвестиционной привлекательности субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. Проводится аналогия между терминами экономическая и финансовая устойчивость, приводится авторская точка зрения по данному вопросу. Автор попы-

тался связать оценку финансовой устойчивости и инвестиционной привлекательности субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства в единый алгоритм.

Ключевые слова: малый бизнес, частное предпринимательство, финансовая устойчивость, инвестиционная привлекательность, активы предприятия, пассивы предприятия, финансовые ресурсы, финансовые коэффициенты, ликвидность, платежеспособность, рентабельность.

**The main directions of improving the financial
stability of small businesses and private
entrepreneurship**

Bobir Mirzakhalikov,
PhD (in Economic),
Senior teacher of Namangan Institute of Engineering
and Technology

Abstract: the article discusses the issues of financial stability and the attractiveness of small businesses to private entrepreneurship. An analogy is made between the terms economic and financial stability, and the author's viewpoint on the subject is presented. The author attempted to combine the evaluation of financial stability, investment attractiveness, and private entrepreneurship into a single algorithm.

Keywords: small business, private entrepreneurship, financial stability, investment attractiveness, assets of the enterprise, liabilities of the enterprise, financial resources, financial ratios, liquidity, solvency, profitability.

Кириш. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда кичик бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратилиши муҳим омиллардан бири эканлигини кўрсатмоқда. Кичик бизнес субъектларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини ошириш орқали мамлакат ва унинг алоҳида ҳудудларида юқори ўсиш суръатлари, аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлаш имкониятини кенгайтиришга эришилмоқда. “Барча корхоналарнинг деярли 90 фоизи – бу микро-, кичик ва ўрта корхоналар ҳисобланади. Улар иш ўринларининг 70 фоизини таъминлаб, жаҳон ЯИМдаги улуши 50 фоизни ташкил этади. Шундай қилиб, микро-, кичик ва ўрта корхоналар иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий иштирокчилари ҳисобланади” [1]. Давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес субъектларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик имкониятларидан фойдаланиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат томонидан мазкур соҳани қўллаб-қувватлаш, самарали фаолият учун қулай бизнес муҳитини яратиш, тегишли инфратузилма хизматлари билан таъминлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолият самарадорлигини оширмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги

улушини 60 фоизга етказиш” [2] вазифаси белгиланган. Мазкур вазифани амалга ошириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг самарали чораларини ишлаб чиқиш, ривожлантиришнинг истиқболли моделларини шакллантириш, тармоқ жиҳатидан ихтисослашув жараёнларининг самарадорлигини ошириш, инновацион ғоялар ва технологияларни амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Адабиётлар шарҳи. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш С.С.Фуломов [3], Ё.А.Абдуллаев [4], М.Р.Болтабаев [5], М.С.Қосимова, Ш.Ж.Эргашходжаева, Б.К.Ғойибназаров, А.Н.Самадов, А.А.Хаджимуратовларнинг [6] илмий изланишларида ўзининг аксини топган. Тадқиқот объектини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш масалалари Б.Ю.Ходиев, С.К.Салаев [7] ва Б.Т.Салимовларнинг тадқиқотларида кузатилади. Х.П.Абдулқосимов, И.А.Бакиева, Қ.Муфтайдинов, А.А.Кулматов ва У.В.Ғафуровларнинг [8] тадқиқот ишларида кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилган. Ш.И.Мустафақулов [9] ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан юксалтиришда инвестиция жозибадорлигини оширишга доир масалалар тадқиқ этилгани тадқиқот ишининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Асосий қисм. Бозор муносабатлари устуворлиги рақобат муҳити ривожланиши шароитларида корхона иқтисодий барқарорлигининг молиявий жиҳатлари, яъни молиявий барқарорлик ўта муҳим аҳамият касб этади. Шунини эътиборга олган ҳолда молиявий-иқтисодий барқарорлик ҳақида сўз юритиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

“Иқтисодий барқарорлик” тушунчасига олимларнинг таърифи

Т/р	Олимлар	“Иқтисодий барқарорлик”нинг таърифи	Таърифга хос жиҳатлари
1	Ю.М.Сулейманова	“Иқтисодий барқарорлик иқтисодий параметрларнинг маълум бир қийматларини сақлаб қолиш қобилиятидир, бу унинг иқтисодий самарадорлигини таъминлайдиган фаолият ва барқарор ривожланишидир”.	Иқтисодий самарадорликни таъминлайдиган фаолият асосида таърифланган.
2	Е.В. Лабазнова	“Иқтисодий барқарорлик – иқтисодий тизимнинг қобилиятидир, унга салбий омиллар таъсирининг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида такрор ишлаб чиқаришни ривожлантиришда мутаносибликни сақлашдир”.	Иқтисодий тизимнинг такрор ишлаб чиқаришни ривожлантиришда мутаносибликни сақлаш қобилияти сифатида ўрганилган.

3.	И.Б. Брянцева	“Иқтисодий барқарорлик – бу корxonанинг шундай ҳолати, унда уни тавсифловчи ижтимоий-иқтисодий параметрлар мувозанатни сақлайди ва ички ва ташқи муҳит таъсири остида белгиланган чегараларда бўлади”.	Ижтимоий-иқтисодий параметрлар мувозанатини сақлаш сифатида кўриб чиқилган.
4.	Ўзбек тили изоҳли лугатида	“Барқарор – қатъий, устувор, ҳеч қандай ўзгариш таъсир этмайдиган”	Сифат кўрсаткичи асосида таърифланган.
5.	Муаллиф	“Иқтисодий барқарорлик доимий ривожланаётган бизнес тизимининг ҳолати, унинг барча элементларининг мувозанати шароитида, шунингдек, корxonанинг мақбул тизимни сақлаб қолиш қобилияти ва истаги”.	Корxonанинг мақбул тизимни сақлаб қолиш қобилияти ва истаги сифатида таърифланган.

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Корхона молиявий барқарорлиги тушунчасини аниқлашда мавжуд ёндашувларни ўрганиб чиқиш кўрсатмоқдаки, кўпчилик илмий асарларда уни корxonанинг тўлов қобилияти, молиявий мустақиллиги, бизнеснинг фойда келтириши, молиявий ресурслар етарлилиги, инвестицион жозибadorлик билан боғлайдилар ҳамда молиявий барқарорлик айнан шу белгиларда ифодаланишини қайд этадилар. Мазкур белгиларнинг муҳимлигини инкор этмаган ҳолда таъкидлаш лозимки, улар барқарорликнинг ташқи томонларини кўпроқ ифода этади ва корxonанинг ички имкониятлари ва сифат кўрсаткичлари ёритилмасдан қолади.

Корxonанинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги – бу ўзгарувчан ички ва ташқи муҳит шароитларида қўйилаётган мақсадларга эришиш учун мақбул чекланишлар доирасида ўз имкониятларини ишга солиш, унумдорликни таъминлаш, молиявий-иқтисодий ресурсларни шакллантириш, тақ-

симлаш ва улардан фойдаланишга таянган ҳолда фаолият олиб бориш қобилиятидир.

Демак, корхона молиявий-иқтисодий барқарорлигини ўрганиш иқтисодий кўринишдаги омилларни ҳам назардан қочирмаслиги лозим, чунки уларнинг амал қилиши пировардида молиявий оқибатларни келтириб чиқармасдан қолмайди. Молиявий ресурслар жалб этилишида корxonанинг инвестицион жозибadorлиги муҳим ўрин эгаллайди. Бу ўринда ўзаро боғлиқлик мавжуд. Корxonанинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги унинг инвестицион жозибadorлигини оширади. Бошқа томондан эса инвестицион жозибadorлик корхона молиявий-иқтисодий барқарорлигида юзага келаётган муаммоларни қулайроқ шартларда ҳал этилишига қўмаклашади.

Наманган вилояти қурилиш соҳасида фаолият юритувчи “BINOKOR BUNYOD SERVIS” масъулияти чекланган жамиятининг молиявий кўрсаткичларини кўриб чиқамиз (2-жадвалга қarang).

2-жадвал

“BINOKOR BUNYOD SERVIS” МЧЖнинг 2017-2022 йиллардаги молиявий кўрсаткичлари (минг сўм)

Т/р	Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
1	Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	93800	2353000	1100000	1 750 000,0	2906657	7924537,3
2	Сотилган маҳсулот таннари	72000	1883386	854295	1 138 612,0	2651144	7630711,4
3	Сотилган маҳсулотдан ялпи фойда	21800	469614	245705	611388	255513	293825,9
4	Сотилган маҳсулотдан соф фойда	265	171464	112362	354789	192078	195979,9
5	Сотилган маҳсулот рентабеллиги, % да	0,28	7,29	10,2	20,3	6,6	2,5

Манба: муаллиф томонидан “BINOKOR BUNYOD SERVIS” МЧЖнинг 2017-2022 йил молиявий кўрсаткичлари асосида тузилган.

2017-2022 йилларда “BINOKOR BUNYOD SERVIS” МЧЖ сотилган маҳсулот рентабеллигининг энг юкори суръатлари 2020 йилда 20,3 фоизни ташкил этди, бу эса сотилган маҳсулотдан соф фойданинг шу йилда 2019 йилга нисбатан 3,2 баробар ошганлигининг натижасидир. 2021 ва 2022 йилларда сотилган маҳсулот таннархи мос равишда 2,3 ва 2,9 баробар ошганлиги туфайли сотилган маҳсулот рентабеллиги 6,6 ва 2,5 фоизларга тушиб кетди.

“BINOKOR BUNYOD SERVIS” МЧЖнинг 2018-2022 йиллар асосий фондлар кўрсаткичлари таҳлили натижасида фонднинг қайтарилиши 2021-

2022 йилларда пасайиб кетганлигини ва 2021 йилда 81,4 фоиз, 2022 йилда 30,6 фоиз камайганлигини кузатиш мумкин. Бу эса асосий фондлардан унумли фойдаланилмаганлигидан далолат беради. Фонднинг сиғими эса 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 5,4 баробарга ва 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 165,3 фоизга ошганини кузатишимиз мумкин.

Иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида корхона тегишли бошқариш сиёсатига эга бўлиши асосланди (3-жадвалга қаранг). Муаллиф фикрича қуйидагилар унинг асосий босқичлари бўлиши лозим.

3-жадвал

Корхона иқтисодий барқарорлигини таъминлаш сиёсати босқичлари

т/р	Босқичларнинг сони	Мазмуни
1	Биринчи	Корхона иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсад, вазифаларини белгилаш
2	Иккинчи	Корхона фаолияти ҳақида ахборотлар асосини шакллантириш
3	Учинчи	Корхона иқтисодий барқарорлигини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимини шакллантириш
4	Тўртинчи	Корхона иқтисодий барқарорлигини таъминловчи меъёрий миқдорлари тизимини шакллантириш
5	Бешинчи	Иқтисодий барқарорликни баҳолаш натижаларининг таҳлили
6	Олтинчи	Иқтисодий барқарорлигини таъминлаш асосида корхона иқтисодий ўсишини таъминловчи бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Бу корхона иқтисодий барқарорлиги маъносини чуқурлаштириш ва уни умумтизим нуқтаи назардан аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, бизнинг фикримизча, инновацион фаоллик асосида барқарор ривожланишни бошқаришнинг ташкилий - иқтисодий механизмини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли инновацион ислохотларни амалга ошириш корхоналарнинг стратегик барқарор ривожланишини таъминлашнинг етакчи омили сифатида намоён бўлади. Бунинг учун корхоналарда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб, қайта ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича кооперация алоқаларини йўлга қўйиш, янги турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш соҳасига кириб келиши учун кўмаклашиш талаб қилинади.

Қурилиш бизнесидаги субъектлар фаолиятининг барқарор ривожланиши учун календарь ва молиявий режалаштириш синтезига асосланган ўсиш стратегиясини амалга ошириш, шунингдек рискларни ҳисобга олган ҳолда, ноаниқликларни аниқлаш механизми таклиф этилди (1-расм қаранг).

СТРАТЕГИК МУҚОБИЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ



1-расм. Кичик бизнес субъектлари учун истиқболли муқобил вариантларни ишлаб чиқиш механизми

Календарь режаларни ишлаб чиқиш давомида вариантнинг шаклланиши, технологик жиҳатдан аниқланган вазифалар билан бирга молиялаштириш вазифаларини ҳам ўз ичига олади, бу лойиҳани молиялаштиришда, ликвидликни бошқариш босқичларини танқидий аниқлаш имконини беради. Бундай режада, нафақат чиқувчи тўловлар алоҳида вазифалар сифатида ҳисобга олиниши керак, балки ўз вақтида кирувчи тўловларга талаб аниқланиши лозим.

Таклиф этилган ёндашув молиявий ҳолатларни аниқлаш имконини беради, қурилиш лойиҳаларини таъминлаш ва молиялаштириш таъсирини, қурилишнинг тезлиги ва вақтини аниқлайди. Кичик корхоналар, одатда, молиявий маблағларга эҳтиёж сезади, бу ёндашув уларнинг фаолият истикболларини реалистик кўриш, манбалардан хабардорлик, хатарлар ва уларни бартараф этишнинг мумкин бўлган оқибатларини аниқлаб беради.

Бундай натижаларга таклиф қилинаётган чора-тадбирларни қўллаш орқали эришиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Кичик бизнес субъектларининг молиявий барқарорлиги ва инвестицион жозибдорлигини баҳолаш бир вақтнинг ўзида ягона алгоритм кўринишида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Кичик бизнес корхоналари ўсиш стратегиясини ишлаб чиқишда, инкироз таъсирини камайтириш ва барқарор ривожланишига эришиш учун кичик корхонани бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмидан фойдаланиш, маҳсулот ва стратегик технологик янгиликлар режалаштиришни таклиф этилади. Инновацион ислохотларни амалга ошириш корхоналарнинг стратегик барқарор ривожланишини таъминлашнинг етакчи омили сифатида намён бўлади. Бунинг учун корхоналарда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб, қайта ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича кооперация алоқаларини кучайтириш, корхоналар томонидан янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилишда

қўмаклашиш, уларнинг инновацион тадқиқотларни давлат билан шерикликда рағбатлантиришдаги иштирокини кенгайтириб бориш ҳамда юқори технологияли тармоқларда кичик корхоналарни ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг ҳаммаси улар фаолиятининг рақобатбардошлиги ва барқарорлигини оширишга хизмат қилади [11].

Кичик бизнесдаги субъектлар фаолиятининг барқарор ривожланиши учун календарь ва молиявий режалаштириш синтезига асосланган, шунингдек рискларни ҳисобга олган ҳолда, ўсиш стратегиясини амалга ошириш механизми таклиф этилди. Календарь режаларни ишлаб чиқиш давомида вариантнинг шаклланиши, технологик жиҳатдан аниқланган вазифалар билан бирга молиялаштириш вазифаларини ҳам ўз ичига олади, бу лойиҳани молиялаштиришда, ликвидликни бошқариш босқичларини танқидий аниқлаш имконини беради. Бундай режада, нафақат чиқувчи тўловлар алоҳида вазифалар сифатида ҳисобга олиниши керак, балки ўз вақтида кирувчи тўловларга талаб аниқланиши лозим. Бу ёндашув молиявий муҳим даврларни аниқлаш имконини беради, айниқса қурилиш лойиҳаларига таъминлаш ва молиялаштириш таъсирини, қурилишнинг тезлиги ва вақтини аниқлайди, уларни фаолият истикболларини реалистик кўриш, хатарлар ва уларни амалга оширишнинг мумкин бўлган оқибатларини аниқлаб беради.

Кичик бизнес корхоналарининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини ўрганиш махсус схема асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаёмиз, булар: оралик ва пировард мақсадларга эришиш таҳлили, ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, технологик босқичлар бажарилиши, ишлаб чиқариш муддатларига риоя этилиши, меҳнат, моддий техник-ресурслардан фойдаланиш таҳлили, меҳнат ва иш ҳақи бўйича режанинг бажарилиши, моддий ресурслардан фойдаланиш даражаси, ресурслар харажатиининг таннархга таъсири, корхона молиявий ҳолати таҳлили, сотишдан тушум, фойда ва рентабеллик, молиявий барқарорлик.

Манба ва адабиётлар

1. День микро-, малых и средних предприятий 27 июня. <https://www.un.org/ru/observances/micro-small-medium-businesses-day>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. - www.lex.uz

-
3. Ғуломов С.С. *Тадбиркорлик ва кичик бизнес*. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяси. 2002. – 365 б.
 4. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. *Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 100 савол ва 100 жавоб (1-қисм)*, – Т. “Меҳнат”, 2000. – 347 б.
(2) Ln_Entrepreneurship	0.435*	1.000					
	(0.000)						
(3) Ln_Business procedures	-0.350*	-0.382*	1.000				
	(0.000)	(0.000)					
(4) Ln_Cost of new business	-0.400*	-0.484*	0.580*	1.000			
	(0.000)	(0.000)	(0.000)				
(5) Ln_Days to start business	-0.266*	-0.291*	0.763*	0.456*	1.000		
	(0.000)	(0.000)	(0.000)	(0.000)			
(6) Ln_Trade openness	0.266*	0.410*	-0.261*	-0.199*	-0.123*	1.000	
	(0.000)	(0.000)	(0.000)	(0.001)	(0.036)		
(7) Ln_Urbanpop	0.273*	0.166*	-0.180*	-0.054	-0.346*	0.017	1.000
	(0.000)	(0.005)	(0.002)	(0.359)	(0.000)	(0.778)	

* p<0.05

Согласно корреляционному тесту в таблице 3, существует сильная и положительная корреляция между HDI и предпринимательством.

Источник: анализ автора.

Показатели фасилитаторного предпринимательства сильно и отрицательно коррелируется с HDI и предпринимательством. Показатели контрольного фактора сильно и положительно коррелируется с HDI и предпринимательством. Есть и отрицательные и положительные корреляции между показателями фасилитаторов предпринимательства. Но они сильно коррелированы.

Классический регрессионный анализ.

Для достижения целей работы будет построена линейная регрессионная модель с использованием метода оценки панельных данных. И в этом исследовании будет использоваться следующая модель:

$$HDI_{it} = b_0 + b_1 * EA_{it} + b_2 * EF_{it} + b_3 * CF_{it} + u_{it}$$

где предпринимательская активность = EA, фасилитаторы предпринимательства = EF и контрольные факторы = CF. Здесь i = страны, t = годы с 2016 по 2020 год.

Чтобы найти подходящую модель для нашей регрессии среди моделей оценки панельных данных ((Pooled OLS, Fixed effects, and Random effects models), были использованы тест Hausman и тест Breusch and Lagrange Multiplier [19]. Эти тесты помогли нам найти правильную модель. После проведения этих тестов мы выяснили, что модель Panel Fixed effects является наиболее подходящей моделью и использовали эту модель для регрессии.

Анализ результатов

Hausman (1978) specification test

	Coef.
Chi-square test value	116.77
P-value	000

Комментарий: P-значение ниже 0,05, поэтому мы отвергаем нулевую гипотезу и принимаем альтернативную гипотезу. Поэтому в нашем случае мы используем модель с фиксированным эффектом Panel (Panel Fixed effect model).

Breusch and Pagan Lagrangian multiplier test

$$\begin{aligned} \text{Test: } \text{Var}(u) &= 0 \\ \text{chibar2}(01) &= 540.24 \\ \text{Prob} > \text{chibar2} &= 0.0000 \end{aligned}$$

Комментарий: Мы проводим «Breusch and Pagan Lagrangian multiplier test», чтобы определить, какая из моделей Pooled OLS или моделей с фиксированным эффектом панели (Panel fixed effect)

подходит. Результат показал, что значение P ниже 0,05, поэтому мы отвергаем нулевую гипотезу и принимаем альтернативную гипотезу. Таким образом, в нашем случае подходящей является модель с фиксированным эффектом Panel.

Тест на гетероскедастичность. Modified Wald test for groupwise heteroscedasticity in fixed effect regression model

$$\begin{aligned} H_0: \sigma(i)^2 &= \sigma^2 \text{ for all } i \\ \text{chi2}(58) &= 25107.45 \\ \text{Prob} > \text{chi2} &= 0.0000 \end{aligned}$$

Комментарий: По критерию гетероскедастичности p-значение меньше 0,05. Нулевая гипотеза - гомоскедастичность. Поскольку наше значение p меньше 0,05, это означает, что мы должны отклонить нулевую гипотезу и принять альтернативную гипотезу, гетероскедастичность.

По результатам тестирования в нашей аналитической работе существует проблема гетероскедастичности. Чтобы решить эту проблему, мы используем команду Robust в Stata.

Таблица 4

Результаты регрессии

HDI	Coef.	RobustSt.Err.	t-value	p-value	[95% Conf	Interval]	Sig
Ln_Entrepreneurship	.018	.004	5.11	0	.011	.026	***
c.Ln_Entrepreneurship#c. Ln_Business procedures	-.002	.002	-0.90	.366	-.007	.002	
c.Ln_Entrepreneurship#c. Ln_Cost of new business	-.003	.001	-3.87	0	-.004	-.001	***
c.Ln_Entrepreneurship#c. Ln_Days to start business	-.002	.001	-1.25	.211	-.004	.001	
c.Ln_Entrepreneurship#c. Corruption	-.001	.001	-0.55	.586	-.003	.002	
Ln_Urbanpop	.514	.039	13.30	0	.438	.591	***
Ln_Trade openness	.015	.004	3.65	0	.007	.023	***
Constant	-1.419	.166	-8.55	0	-1.746	-1.092	***

Mean dependent var	0.858	SD dependent var	0.071
R-squared	0.616	Number of obs	290
F-test	51.513	Prob > F	0.000
Akaike crit. (AIC)	-2367.765	Bayesian crit. (BIC)	-2338.406

*** $p < .01$, ** $p < .05$, * $p < .1$

Источник: анализ автора.

Предпринимательская деятельность. В нашем случае в качестве измерения предпринимательской активности использовался показатель Плотности нового бизнеса (New business density) Всемирного банка.

При изучении индивидуальных эффектов убеждаемся, что увеличение предпринимательской активности на один процент, служит на увеличение индекса человеческого развития (HDI) на 0,018 процент, где значение вероятности подтвердило пря-

мой и значительный эффект для всех стран. Этот прямой эффект связан с тем, что экономический рост будет происходить за счет высокого уровня регистрации бизнеса и его эффективного управления.

Концепция человеческого развития включает в себя усилия государственных служащих по улучшению медицинского обслуживания, социального обеспечения, образования и уровня жизни. Таким образом, рост человеческого развития может создать среду, в которой люди смогут максимально раскрыть свой потенциал и вести более совершенную и инновационную жизнь. Здоровый образ жизни и хорошее образование позволят людям повысить свои способности и заработать достаточно денег для достижения своих целей и повышения уровня своей жизни. А это, в свою очередь, служит снижению бедности в странах.

Предпринимательские фасилитаторы используются в качестве модераторов между предпринимательством и HDI.

Коэффициент количества процедур, необходимых для создания нового бизнеса отрицательный. Это указывает на то, что увеличение на один процент количества процедур, необходимых для создания нового бизнеса, уменьшает способность новых субъектов бизнеса увеличить индекс человеческого развития (HDI) на 0,002 процента. Также он не является статистически значимым, поскольку значение вероятности этого коэффициента выше 0,05.

Коэффициент перекрестного произведения предпринимательской активности и стоимости нового бизнеса отрицательный. Это указывает на то, что увеличение стоимости бизнеса на один процент, снизит способность новых хозяйственных субъектов увеличить индекс человеческого развития (HDI) на 0,003 процента. Поскольку значение вероятности этого коэффициента меньше 0,05, он статистически значим. Отрицательный коэффициент показывает, что увеличение стоимости нового бизнеса создает препятствия для новых предприятий по созданию рабочих мест.

Коэффициент перекрестного произведения предпринимательской активности и количества дней, необходимых для открытия нового бизнеса, отрицательный. Это указывает на то, что увеличение количества дней на один процент, необходимых для открытия бизнеса, снизит способность новых субъектов бизнеса увеличить индекс человеческого развития (HDI) на 0,002 процента. Результаты

показывают, что коэффициент количества дней, необходимых для старта не оказывает значительного влияния на взаимосвязь между HDI и предпринимательской активностью. Поскольку значение вероятности этого коэффициента выше 0,05, он не является статистически значимым. В целом, увеличение количества дней, необходимых для открытия нового бизнеса во всех странах, в той или иной мере препятствует к началу создания бизнеса и может служить демотивацией для людей, желающих начать собственное дело. Это может привести к сокращению рабочих мест, в последствии чего увеличивается число бедных в будущем.

Коэффициент перекрестного произведения предпринимательской активности и контроль над коррупцией отрицательный. Это указывает на то, что рост коррупции на один процент, снизит способность новых субъектов бизнеса увеличить индекс человеческого развития (HDI) на 0,001 процента. Результаты показывают, что коррупция не оказывает существенного влияния на взаимосвязь между HDI и предпринимательской активностью. Поскольку значение вероятности этого коэффициента выше 0,05, он не является статистически значимым.

В целом, рост коррупции во всех странах в той или иной мере мешает начать бизнес и вести существующий бизнес. Кроме того, это может служить демотивацией для людей, чтобы начать свой собственный бизнес. Это может привести к сокращению рабочих мест и увеличению числа бедных в будущем.

Контрольные факторы. Результаты показывают, что существует высокая корреляция между городским населением и индексом человеческого развития (HDI). Увеличение населения в городских районах на один процент, повлияет на человеческое развитие, которое увеличится на 51 процент. Значение P равно 0,000, и это указывает на то, что оно статистически значимо. Это означает, что городская среда предоставляет людям множество более качественных услуг, чем сельская местность. Кроме того, у жителей городов больше возможностей для ведения бизнеса, чем у жителей сельской местности. А это, в свою очередь, создает широкие возможности для улучшения жилищных условий людей и занятия предпринимательской деятельностью [20].

С другой стороны, оценочные результаты показывают, что повышение открытости торговли на один процент имеет положительный и значитель-

ный эффект и увеличит HDI на 0,015 процента. Это означает, что открытость торговли позволит людям освоить новые навыки и увеличить HDI, что сократить бедность в странах.

В нашей работе также использовались следующие диагностические тесты:

Тест Рамси. Ramsey RESET test using powers of the fitted values of HDI

Ho: model has no omitted variables

$F(3, 279) = 42.72$

Prob > F = 0.0000

Комментарий: Тест Рамсея показывает, что р-значение меньше 0,05. Это означает, что в этой модели ропущены переменные (omitted variables). В целом, согласно Georgiou (2009a), экономический рост, процентная ставка, охват высшим образованием и показатели качества регулирования могут улучшить нашу модель и HDI и помочь сократить бедность в странах.

Таблица 5

Наличие мультиколлинеарности в модели

	VIF	1/VIF
Ln_Entrepreneurship	12.662	.079
c.Ln_Entrepreneurship#c.Ln_Business procedures	19.95	.05
c.Ln_Entrepreneurship#c.Ln_Cost of new business	1.682	.595
c.Ln_Entrepreneurship#c.Ln_Days to start business	9.425	.106
c.Ln_Entrepreneurship#c.Corruption	3.937	.254
Ln_Urbanpop	1.147	.871
Ln_Trade openness	1.283	.779
Mean VIF	7.155	.

Источник: анализ автора.

Комментарий: «Тест коэффициента инфляции дисперсии (**Variance inflation factor, VIF**) использовался, чтобы проверить, существует ли проблема мультиколлинеарности между переменными. Результаты теста VIF показали, что средний VIF составляет 7,155. Это означает, что в нашей работе нет мультиколлинеарности между переменными (если среднее значение VIF меньше 10, это означает, что между переменными нет мультиколлинеарности. Если среднее значение VIF больше 10, тогда это означает, что между переменными существует мультиколлинеарность).

Заключение. Цель этого исследования состояла в том, чтобы проанализировать влияние предпринимательской деятельности и фасилитаторов предпринимательства на уровень бедности, измеряемая HDI.

В целом данная исследовательская работа показала, что существует значительная и положительная взаимосвязь между предпринимательской активностью и сокращением бедности, измеряемая Индексом человеческого развития (HDI). Более того, результаты показали, что некоторые фасилитаторы предпринимательства, которые использовались в качестве модераторов способствующие развитию предпринимательства (например, стоимость открытия бизнеса), оказывают значительное влияние на взаимосвязь между предпринимательской активностью и борьбой с бедностью, измеряемая HDI. Тем не менее, большинство фасилитаторов (дни, необходимые для открытия бизнеса, количество необходимых процедур и коррупция) оказывают негативное влияние на взаимосвязь между предпринимательской активностью и борьбой с бедностью, измеряемая HDI.

Контрольные переменные и их взаимосвязь с бедностью, измеряемой HDI. Результаты показали, что во всех странах существует положительная и значимая связь между открытостью торговли и HDI. Открытость торговли также играет жизненно важную роль в развитии экономики. Согласно Ravallion (2006), открытость торговли в стране может снизить уровень бедности. Китай является несравненной иллюстрацией ранее упомянутой аналогии. Он преодолел распространенный уровень бедности, применяя такие модели развития, как свободная торговля как внутри страны, так и за ее пределами. А также, постоянные поддержки со стороны правительство для улучшения бизнес-среду в стране, особенное внимание было уделено на улучшение качество жизни в сельских местностях. Это стало возможным благодаря широкому росту торговых возможностей, начиная с начала 1980-х годов.

Мы также выяснили в ходе нашего анализа, что урбанизация оказывает большое влияние на повышение уровня жизни населения и сокращение бедности. Люди, живущие в городах, будут иметь больше качественных услуг и больше возможностей, чем люди, живущие в сельской местности. При этом роль урбанизации оказывает огромное влияние на развитие предпринимательства, поскольку городское население имеет больше возможностей

заниматься предпринимательской деятельностью, чем сельское население. В исследовании использовалась модель линейной регрессии. Кроме того, чтобы найти подходящую модель для нашей регрессии среди моделей групповой оценки (Pooled OLS, Panel Random effect and Panel Fixed effect), были использованы тест Hausman и тест Breusch and Pagan Lagrangian multiplier. Эти тесты помогли нам найти подходящую модель. После проведения этих тестов мы обнаружили, что модель с фиксированными эффектами панели является наиболее подходящей мо-

делью, что позволило использовать данную модель для нашего регрессионного анализа. Кроме того, в исследовании использовались годовые данные переменных, собранных за период с 2016 по 2020 год. Результаты исследования показывают, что предпринимательская деятельность оказывает прямое и существенное влияние на HDI для всех стран. Более того, наши результаты показывают, что модераторы (фасилитаторы предпринимательства), такого как стоимость бизнеса, имеет отрицательную и значительную связь с HDI во всех странах.

Источники и литература

1. World Bank. (2017). *Poverty and shared prosperity 2018: piecing together the poverty puzzle*.
2. Hussain, M. D., Bhuiyan, A. B., & Bakar, R. (2014). *Entrepreneurship development and poverty alleviation: An empirical review*. *Journal of Asian scientific research*, 4(10), 558.
3. World Bank. (2020). *Poverty and Shared Prosperity 2020: Reversals of Fortune*. The World Bank.
4. UNDP and OPHI (2022). *Global Multidimensional Poverty Index 2022: Unpacking deprivation bundles to reduce multidimensional poverty*. United Nations Development Programme (UNDP), and Oxford Poverty and Human Development Initiative (OPHI), University of Oxford.
5. McMullen, J. S. (2011). *Delineating the domain of development entrepreneurship: A market-based approach to facilitating inclusive economic growth*. *Entrepreneurship Theory and Practice*, 35(1), 185-215.
6. World Bank, (2021). *Entrepreneurship database. New business density (new registrations per 1,000 people ages 15-64)*
7. Cashin, P., Mauro, P., & Sahay, R. (2001). *Macroeconomic policies and poverty reduction: Some cross-country evidence*. *Finance & Development*, 38(2), 46-46.
8. Singer, A. E. (2006). *Business strategy and poverty alleviation*. *Journal of Business Ethics*, 66(2), 225-231.
9. World Bank. (2009). *Handbook on Poverty and Inequality*. The World Bank.
10. Lammam, C., & MacIntyre, H. (2016). *An introduction to the state of poverty in Canada* (pp. 978-0). Fraser Institute.
11. Sachs, J. (2005). *The End of Poverty: Economic possibilities for our time*. *International Journal*, 60(3), 849.
12. Acs, Z. (2006). *How is entrepreneurship good for economic growth?*. *Innovations: technology, governance, globalization*, 1(1), 97-107.
13. Slivinski, S. (2015). *Bootstraps tangled in red tape: How state occupational licensing hinders low-income entrepreneurship*. *Policy Report*, (272), 23.
14. Amorós, J. E., & Cristi, O. (2011). *Poverty and entrepreneurship in developing countries. The dynamics of entrepreneurship: Evidence from global entrepreneurship monitor data*, 209-230.
15. Todaro, M., & Smith, S. (2003). *Development economics*. UK: Pearson education.
16. Baron, R., & Shane, S. (2007). *Entrepreneurship: A process perspective*. Nelson Education.
17. Bruton, G. D., Ketchen Jr, D. J., & Ireland, R. D. (2013). *Entrepreneurship as a solution to poverty*. *Journal of Business Venturing*, 28(6), 683-689.
18. Mohamed, N. A. (2018). *Entrepreneurial Orientation and Small and Medium Enterprises Performance in Somalia*. *Jour of Adv Research in Dynamical & Control Systems*, 10(6).
19. Amini, S., Delgado, M. S., Henderson, D. J., & Parmeter, C. F. (2012). *Fixed vs random: The Hausman test four decades later*. In *Essays in honor of Jerry Hausman*. Emerald Group Publishing Limited.
20. Nistotskaya, M., & Cingolani, L. (2016). *Bureaucratic structure, regulatory quality, and entrepreneurship in a comparative perspective: Cross-sectional and panel data evidence*. *Journal of Public Administration Research and Theory*, 26(3), 519-534.

УЎК: 339.9+332.146(575.1)

Жаъсур УМИРЗОҚОВ,
PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),
Тошкент молия институти доценти в.б.

“Миллионлик шаҳар” концепцияси орқали инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш методологияси

Аннотация: ушбу мақолада “миллионлик шаҳар” концепцияси орқали инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш методологияси акс эттирилган. Самарқанд шаҳрида “миллионлик шаҳар” концепциясини амалга оширишнинг амалдаги ҳолати тадқиқ этилган. Шаҳарнинг sanoat тармоқлари драйверлари инвестицион салоҳиятининг модификацияланган рейтинги ишлаб чиқилган. Мақола сўнгида “миллионлик шаҳар” концепцияси орқали инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: “миллионлик шаҳар”, махсус иқтисодий зона, sanoat драйвери, инвестиция муҳити, солиқ ва божхона имтиёзлари, аҳоли сони, туризм, экспорт, демографик дивиденд, инфратузилма.

Методика повышения привлекательности инвестиционной среды через концепцию «города-миллионника»

Жаъсур Умирзоков,
PhD (по экономическим наукам),
и.о. доцента Ташкентского финансового
института

Аннотация: в данной статье описана методика повышения привлекательности инвестиционной среды с помощью концепции «город-миллионник». Изучено современное состояние реализации концепции «город-миллионник» в городе Самарканде. Разработан модифицированный рейтинг инвестиционного потенциала драйверов промышленных отраслей города. В конце статьи даны рекоменда-

ции, направленные на повышение привлекательности инвестиционной среды за счет концепции «города-миллионника».

Ключевые слова: «город-миллионник», особая экономическая зона, промышленный драйвер, инвестиционная среда, налоговые и таможенные льготы, население, туризм, экспорт, демографический дивиденд, инфраструктура.

Methodology for increasing the attractiveness of the investment environment through the concept of “Million City”

Jasur Umirzokov,
PhD (in Economics),
Associate professor of the Tashkent
Institute of Finance

Abstract: this article describes the methodology of increasing the attractiveness of the investment environment through the concept of "million city". The current state of implementation of the "million city" concept in the city of Samarkand has been studied. A modified rating of the investment potential of the drivers of the city's industrial sectors has been developed. At the end of the article, there are recommendations aimed at increasing the attractiveness of the investment environment through the concept of "million city".

Keywords: "million city", special economic zone, industrial driver, investment environment, tax and customs benefits, population, tourism, exports, demographic dividend, infrastructure.

Кириш. Кучли рақобат ва глобаллашувнинг жадал суръати “миллионлик шаҳарлар”даги инвестиция муҳитини оширишда катта аҳамиятга эга. Шу маънода, ҳозир Марказий Осиёда аҳолиси миллиондан ортиқ шаҳарлар сони 7 тага етганини қайд этиш жоиз. Минтақамизда пойтахт Тошкент шаҳри билан бир қаторда, бошқа йирик шаҳарлар ҳам “ўсиш нуқталари”га айланмоқда. Улар орасида Самарқанд ва Наманган шаҳарлари ҳам бор. Уларнинг ҳар бирида аҳоли сони миллион нафарга етмоқда.

Президент Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида мамлакатимизнинг мазкур йирик шаҳарларини “ўсиш нуқталари”га айлантириш, алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликлар сифатида республика бўйсунуви-га ўтказиш таклиф қилингани бежиз эмас. Чунки юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида иккала шаҳарнинг ҳам муносиб ўрни бор. Айна пайтда Самарқанд шаҳрида аҳоли 1 миллион 18 минг нафардан зиёдни ташкил этмоқда. Шаҳарда яшовчилар сони миллиондан ошгани инобатга олиниб, ҳозир “миллионлик шаҳар” концепцияси амалиётга татбиқ этилмоқда [1].

Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки, республикамизнинг шаҳарларида аҳоли сони ва зичлиги ортиб бориши қатор жиҳатлар, шу жумладан инвестиция муҳитини яхшилаш ва бу борадаги замонавий тенденцияларни ҳисобга олиб, тегишли чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Ушбу йўналишда “миллионлик шаҳар” концепцияси асосида инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишнинг методологик жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Адабиётлар таҳлили. Россиялик иқтисодчи олимлар И.Глебова, Р.Хабабрахманова томонидан мамлакатда “миллионлик шаҳар” концепциясини амалга оширишнинг асосий мақсадлари аниқланган. Улар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, “миллионлик шаҳар” концепциясининг умумий мақсадлари куйидагилардан иборат:


Юқорида аниқланган “Миллионлик шаҳар” концепциясининг умумий мақсадлари икки йирик гуруҳга ажратилган. Жумладан, шаҳарларнинг ижтимоий ривожланишини таъминлаш мақсадлари гуруҳи (инфратузилма ҳолатини яхшилаш ва ривожлантириш, аҳолининг иқтисодий фаоллигини таъминлаш ва манфаатдорлигини ошириш); Иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсадлари гу-



1-расм. “Миллионлик шаҳар” концепциясининг умумий мақсадлари [5]
Манба: муаллиф ишланмаси.

руҳи (инвестиция ва бизнес юритиш муҳитини яхшилаш, худудлар иқтисодиётини диверсификация қилиш).

Халқаро молия корпорациясининг экспертлари [4] томонидан иқлим ўзгаришлари шароитида “миллионлик шаҳарлар”нинг инвестиция муҳити салоҳияти ўрганилган (1-жадвал). Унга кўра, Халқаро молия корпорацияси 2030 йилгача ривожланаётган давлатлар 6 та минтақанинг миллионлик шаҳарларида иқлим ўзгариши билан боғлиқ ҳолда инвестиция муҳити имкониятларини 29,4 трлн. АҚШ долларга баҳоламоқда. Имкониятларнинг асосий улуши “яшил” биноларга тўғри келади (24.7 трлн. АҚШ доллар), миллионлик шаҳарлардаги иқлим ўзгариши шароитларга мослашиш учун қурашаётганлиги сабабли, янги “яшил” қурилиш ва таъмирлаш ишларини ҳам қамраб олади. Жамоат транспорти инфратузилмаси ва электр транспорт воситаларининг қутилаётган ўсиши билан боғлиқ бўлган кам углеродли ҳаракатланиш воситалари мос равишда 1 трлн. АҚШ долларни ташкил этади.



1-жавдал

2030 йилгача ҳудудлар ва тармоқлар бўйича шаҳарларнинг
инвестиция муҳити салоҳияти [9]

Минтақалар Кўрсаткичлар	Шарқий Осиё – Тинч океани	Жанубий Осиё	Европа & Марказий Осиё	Яқин Шарқ & Шимолий Африка	Саҳрон Қабир Африкаси	Латин Америкаси ва Кариб денгизи	Жами
Чиқиндиларни қайта ишлаш, млрд долл.	82,0	22,0	17	28	13	37	199,0 млрд. долл.
Қайта тикланувчи энергияси, млрд долл.	266,0	141,0	88,0	31,0	89,0	226,0	841,0 млрд. долл.
Жамоат транспорти, млрд долл.	135,0	217,0	116,0	281,0	159,0	109,0	1,0 трлн. долл.
Ақлли сув технологиялари, млрд долл.	461,0	110,0	64,0	79,0	101,0	228,0	1,0 трлн. долл.
Электр транспорт воситалари, млрд долл.	569,0	214,0	46,0	133,0	344,0	285,0	1,0 трлн. долл.
Яшил қурилишлар, трлн долл.	16,0	1,8	88,1	1,1	768,0	4,1	1,0 трлн. долл.
Жами, трлн долл.	17,5	2,5	1,2	1,7	1,5	5,0	29,4 трлн. долл.

Мое Куав томонидан “миллионлик шаҳарлар”ларда инвестиция муҳити жозибadorлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги таъкидланади [3]:

- табиий бойликларни қазиб олиш ва уни мустақил сотиш имконияти;

- нефть ва табиий газни қидириш, қазиб олиш, сотиш ва ишлаб чиқариш;

- давлат томонидан илмий тадқиқотлар учун ажратилган молиявий ресурслар ҳажми;

- почта ва телекоммуникация хизматларининг сифатини яхшилаш;

- ҳаво ва темир йўл транспорти хизматларининг қулайлик ва хавфсизлик даражасини ошириш;

- молиявий хизматлар инфратузилмасини (банк ва суғурта хизматлари) ривожлантириш;

- ИТ технологиялари соҳалари кўламини кенгайтириш;

- электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича хизматлар (қонун ҳужжатларида хусусий ва кооператив электр энергияси ишлаб чиқариш хизматларига рухсат этилганидан ташқари) кўламини кенгайтириш;

Юқорида кўриб ўтилган илмий тадқиқотларда “миллионлик шаҳарлар”ни иқтисодий ривожлантириш масалалари, бошқарувни режалаштириш, инвестиция салоҳиятини ошириш

кабилар тадқиқ этилган. Аммо, ушбу шаҳарларнинг инвестиция муҳитидаги асосий драйверлар аниқланмаган, “миллионлик шаҳар” концепциясининг афзаллик ва заиф жиҳатлари қиёсий солиштирилмаган. Бу концепциянинг инвестиция муҳити жозибadorлигини оширишдаги аҳамияти етарлича тадқиқ этилмаган. Бундан ташқари, республикамиз олимларининг айнан “миллионлик шаҳарлар” концепцияси ва унинг инвестиция муҳитини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти борасидаги илмий-тадқиқотларини топишнинг имкони бўлмади.

Методология. Мавзу доирасида тадқиқотларга кўра, аҳоли сони миллиондан ошган замонавий шаҳарларни ривожлантиришга доир илмий-тадқиқотлар олиб борган Ю.П.Воронов, С.А. Заусаев, С.А.Смирнов томонидан ушбу шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини таҳлил қилиш ва турли ҳудудларга ажратиш орқали инвестиция муҳитини баҳолаш методологияси таклиф этилган. Таклиф этилган “Миллионлик шаҳар”лар инвестиция муҳитини эксперт усулда баҳолаш методологиясида ҳудудлар асосан 2 та йирик кўрсаткичлар орқали, яъни “Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши” ҳамда “Ижтимоий қулайлик” кўрсаткичлари орқали баҳолаш назарда тутилади.

2-жадвал

“Миллионлик шаҳар”ларнинг инвестиция муҳитини дастлабки эксперт усулда баҳолаш методологияси [6]

Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари		Ижтимоий қулайлик кўрсаткичлари		
1	Худудий бирлик кесимида тадбиркорлик фаолияти концентрацияси	1	Хизмат кўрсатиш (савдо ва маиший хизмат тармоғи)	
2	Худуднинг ички боғланиш даражаси	2	Шаҳар марказларига кириш даражаси	
3	Худуддаги 1 кв.м ернинг нархи	3	Уйларнинг нархи	
4	Ижара нархлари	4	Ободонлаштириш, экологик хавфсизлик даражаси	
5	Йўл тармоғининг зичлик даражаси	5	Аҳолининг ҳаракатчанлиги, 1 нафар аҳолига саёҳатлар сони, йилда	
6	Инфратузилманинг етарлилик даражаси			
Биринчи синф	бу шаҳарда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш даражасини (ёки худуднинг капиталлашув даражасини) тавсифловчи хусусиятлар синфи. Ушбу режа бизнес учун шаҳарнинг жозибадорлиги мезонини тақдим этади.	Кўрсаткичларнинг капитализация даражасига кўра	юқори	7-9 балл
			ўрта	4-6 балл
			кичик	1-3 балл
Иккинчи синф	бу маълум бир худуднинг аҳоли учун ижтимоий қулайлик даражасини тавсифловчи хусусиятлар синфи	Қулайлик даражаси	юқори	7-9 балл
			ўрта	4-6 балл
			паст	1-3 балл

Аммо, ушбу методология “миллионлик шаҳар”ларнинг иқтисодий ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичларини тўла қамраб олмаган. Шу сабабли, ушбу методология орқали шаҳарнинг инвестиция муҳитини кенг қамровда баҳолаш имконияти чекланган.

Таҳлил ва натижалар. Бутун дунёда “миллионлик шаҳар”лар ўзига хос мақом ва мавқега эга. Ҳар қандай инвестор, бизнес доира вакиллари мамлакатнинг алоҳида маъмурий-худудий бирликларига

инвестиция киритишдан аввал аҳоли сони ҳақидаги маълумотларга мурожаат этади. Яъни шаҳарнинг меҳнат ресурслари мавжудлиги борасидаги инвестиция муҳити жозибадорлиги баҳоланади. Чунки етарли аҳоли сони ва меҳнат ресурслари юқори даражадаги истеъмол, талаб даражасини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, “миллионлик шаҳарлар” инвестициявий жозибадор ҳисобланади. Бу эса мамлакат иқтисодий салоҳиятига ҳам таъсир этувчи омиллардандир.

3-жадвал

“Миллионлик шаҳар”лар демографик кўрсаткичлари қиёсий таҳлили (2021-2022 йил ҳолатига) [6]

Шаҳарлар номи	Аҳоли сони, <i>минг киши</i>	Майдони, <i>кв. км</i>	Аҳоли зичлиги, <i>км. кв</i>
Россия Федерацияси			
Қозон	1258	614,2	2134
Воронеж	1045	596,1	1768
Красноярск	1093	353,9	2765
УФА	1128	707,9	1595
Озарбайжон			
Боку	2 270	2140	1 055,8
Қозоғистон			
Чимкент	1093	1 170	1 191
Олма-ота	2001	682	2899

Остона	1212	797,3	1485,5
Украина			
Одесса	1013	162,4	6266
Киев	2 893	839	3 415,8
Харьков	1 451	350	4100
Беларусь Республикаси			
Минск	1 900	348,8	5723
Арманистон			
Ереван	1 129	223	4815
Қирғиз Республикаси			
Бишкек	1 071	127	8 435
Ўзбекистон			
Тошкент	2862,4	334,8	6379,1
режалаштирилаган “миллионлик шаҳарлар”			
Самарқанд	548,3	120	4415
Наманган	1852	101,5	4150,7

3-жадвал маълумотларига кўра, МДХнинг кўплаб давлатларида уч ва ундан кўп “миллионлик шаҳар”лар ташкил этилган. Мисол учун, Россияда 15 та (аҳоли сони 33,7 млн. нафар), Украинада 3 та (аҳоли сони 5,3 млн. нафар), Қозоғистонда 3 та (аҳоли сони 4,3 млн. нафар) “миллионлик шаҳар” мавжуд. Айрим мамлакатлардаги “миллионлик шаҳар”лар (масалан, Чимкент, Красноярск, Олмаота) таҳлил қилинганда уларнинг майдони, аҳолиси сони ва зичлиги Самарқанд шаҳри аҳолиси сони ва зичлигига тенглиги, ҳатто ундан паст экани маълум бўлди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасида аҳоли сони 36,0 миллиондан ортиқ бўлишига қарамай, республикада биргина Тошкент шаҳри “миллионлик шаҳар” ҳисобланади. Айрим мамлакатлардаги “миллионлик шаҳар”лар (Олмаота, Остона, Чимкент, Боку, Қозонь, Воронеж, Красноярск,

УФА, Киев, Харьков) аҳоли зичлиги таҳлил қилинганда, ушбу кўрсаткич Самарқанд шаҳри аҳоли зичлигига (зичлиги 4,4 минг киши) тенг ва ҳаттоки ундан паст. Таҳлиллардан келиб чиқиб, Самарқанд шаҳрини ҳам “миллионлик шаҳар”лар рўйхатига киритилиши мақсадга мувофиқ бўлганини таъкидлаймиз. Бу ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир этиш билан бирга инвестициялар мобиллигини таъминлашдаги рақобатбардошлигини оширади.

Самарқанд шаҳрига киритилиш белгиланган Самарқанд, Пастдарғом, Оқдарё ва Тойлоқ туманларининг айрим аҳоли пунктлари, шунингдек, доимий рўйхатдан ўтмаган аҳоли ва талабалар ҳисобига ҳудуд аҳолиси сони миллиондан ошиши шубҳасиз. Амалга ошириладиган чора-тадбирлар давомида шаҳар ҳудудини 5 та туманга бўлиш режалаштирилган (4-жадвал).

4-жадвал

Самарқанд шаҳрининг таклиф этилаётган янги маъмурий ҳудуди [10]

Т/р	Кўрсаткичлар	Самарқанд шаҳри жами	шу жумладан, ҳудудлар бўйича				
			Қорасув тумани	Сибё тумани	Темирийўл тумани	Боғишамол тумани	Мароқанд тумани
1	Майдони (минг га)	30,6	7,0	5,4	5,3	3,0	9,9
2	Аҳоли сони (минг киши)	1019,4	105,1	292,8	193,8	212,9	214,8
3	МФЙлар сони	293	34	105	51	51	52
4	Мақтаблар	137	15	43	22	29	28
5	МТМлар	138	25	39	18	31	25
6	Тиббиёт муассасалари	25	3	8	7	5	2
7	Йўллар узунлиги (км)	1 111,8	224,0	256,6	183,0	159,0	289,2
	Шундан, умум фойдаланишдаги автомобиль йўллари	96,6	29,0	19,4	15,0	7,0	26,2
	Ички хўжалик автомобиль йўллари	1 015,2	195,0	237,2	168,0	152,0	263,0
8	Аҳоли зичлиги (1 км.кв/киши)	2 655	1 244	5 051	2 525	4 463	1 866

Самарқанд шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган “миллионлик шаҳар” концепциясига кўра, шаҳар таркибидаги янги ташкил этиладиган туманларнинг асосий драйвер соҳалари шаҳарнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишга хизмат қилади. Масалан, Сиёб туманида асосий туристик инфратузилма объектлари жойлашган. Худудни ривожлантиришнинг асосий драйвери – туризм соҳаси ва тармоқлари, тарихий обидалар, хунармандчилик, меҳмонхоналар ва умумий овқатланиш корхоналари. Маъмурий биноларнинг шаҳар четига кўчирилиши натижасида туристик инфратузилма объектлари сони янада ошади. Маданий мерос объектларига туташ худудда жойлашган хонадонлар туризм соҳасига ихтисослаштирилади. Боғишамол туманида инновацион таълим, бизнес ва хизмат кўрсатиш марказлари жойлашган. Ушбу худуднинг асосий драйвери инновацион таълим, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасидир. Шу боис, технопарк, инновацион ғоялар маркази, кўнгилочар объектлар, савдо марказлари, ресторанлар, инновацион ғоялар, тадбиркорлар ва олимлар ўртасида онлайн мулоқот майдони ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Сўғдиёна тумани кимё саноати, транспорт логисти-

каси ривожланган, кўшимча кичик саноат зоналари ташкил этиладиган худуддир. Асосий драйвери кичик саноат ва махсус иқтисодий зоналарни барпо этиш орқали саноатни ривожлантиришга қаратилади. “Самарқанд кимё заводи”га туташ бўлган собик полигондан камида 100 гектар ер ажратиб, туман саноатини диверфикация қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мумкин. Мароқанд тумани қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш салоҳиятига эга. Асосий драйвери озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспорт қилишдан иборат. Шунингдек, худуддаги “Кони-гил-туризм қишлоғи” лойиҳаси ҳисобига туристик салоҳият ҳамда хизматлар монетизацияси янада ошади. Янгикент (Зарафшон, Қорасув массиви) туманига “Йўлдош шаҳар”, “Ақлли шаҳар” мақоми берилиб, худуднинг асосий драйвери инновацион технологиялар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришни назарда тутди.

Самарқанд шаҳрини “миллионлик шаҳар”лар рўйхатига киритилиши билан боғлиқ ҳолда, худуднинг инвестиция муҳити ва имкониятларини ўрганиш мумкин. Бу борада қуйида таҳлилий маълумотлар келтирилган.

5-жадвал

Самарқанд шаҳрида саноат ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичлари ва прогноз параметрлари [10]

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2022 й.	прогноз параметрлар		
			2025 й.	2030 й.	2040 й.
Корхона сони	дона	1 533	2 288	3 151	4 633
Ишлаб чиқариш ҳажми	млрд.сўм	13 274,5	16 579,5	20 484,9	36 711,5
Ўсиш суръати (2022 йилга нисбатан)	марта	-	1,2	2,9	5,2
Вилоят ялпи саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши	фоизда	43,8	49,8	53,1	58,2
Аҳоли жон бошига	минг сўм	8 734,0	10 991,0	13 872,8	17 149,7
Ўсиш суръати (2020 йилга нисбатан)	марта	-	1,2	1,5	1,9

5-жадвалга кўра, Самарқанд шаҳрида саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг кўрсаткичи 2022 йилда 13 274,5 млрд. сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич вилоятнинг ялпи саноат ишлаб чиқариш ҳажмида 43,8 фоизни ташкил этиб, шаҳарнинг юқори саноат салоҳиятидан далолат беради. “Миллионлик шаҳар” концепцияси асосида саноат ишлаб чиқариш ҳажмини шаҳарда 2025 йилда 1,2 мартага, 2030 йилда 2,9 мартага, 2040 йилда 5,2 мартага ошиши прогноз қилинган.

Тадқиқот давомида шаҳарнинг саноат ишлаб чиқариш бўйича инвестиция муҳити драйверлари аниқланди. Бунда вилоятнинг саноат ишлаб чиқариш таркиби таҳлили натижалари асосида соҳаларни тоифаларга ажратишнинг методологияси таклиф этилган. Унга кўра, “юқори даромадли инвестицион салоҳиятга эга саноат драйвери”, “барқарор даромадли инвестицион салоҳиятга эга саноат драйвери” “ўрта даромадли инвестицион салоҳиятга эга саноат драйвери”, “ўртадан қуйи даромадли

инвестицион салоҳиятга эга саноат драйвери”, “паст даромадли инвестицион салоҳиятга эга саноат драйвери”, “истикболсиз саноат драйвери” тоифаларга ажратилган.

6-жадвалга кўра, Самарқанд шаҳри саноат тармоқлари драйверлари инвестицион салоҳиятининг модификацияланган рейтингдаги субтоифалар маъноси халқаро мустақил рейтинг агентликлари: S&P, Moody’s and Fitch кўрсаткичлари модифика-

циясига асосланган. Юқорида ифодаланган рейтингга кўра, шаҳар саноат ишлаб чиқариш ҳажмида юқори улушга эга соҳалар: тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш ва металлургия саноати асосий инвестицион салоҳияти юқори саноат драйверлари ҳисобланади.

6-жадвал

Самарқанд шаҳрининг саноат тармоқлари драйверлари инвестицион салоҳиятининг модификацияланган рейтинги [10]


Гуруҳлар	Субтоифа	Меъёри, %	Кiritилган соҳалар	Шаҳарнинг тармоқлар бўйича жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмида улуши, %
“САНОАТ ДРАЙВЕРЛАРИ”	“Юқори даромадли инвестицион салоҳиятга эга саноат драйвери (80-100 %)”			
	AAA	96-100	Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	93,8
			Бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш	96,4
	AA	86-95	Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	89,3
	A	80-85	Металлургия саноати	82,0
	“Барқарор даромадли инвестицион салоҳиятга эга саноат драйвери (60-79 %)”			
	BBB	76-79	-	-
	BBB	70-75	-	-
	BBB-	60-69	Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	66,5
			Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	60,2
	“Ўрта даромадли инвестицион салоҳиятга эга саноат драйвери (45-59 %)”			
	BB+	56-59	Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	58,2
	BB	51-55	Кийим ишлаб чиқариш	52,2
	BB-	45-50	-	-
	“Ўртадан қуйи даромадли инвестицион салоҳиятга эга саноат драйвери (30-44 %)”			
	B+	40-44	Ичимликлар ишлаб чиқариш	41,5
			Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	44,1
			Компютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	40,2
Электр ускуналар ишлаб чиқариш			44,5	
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш			41,7	
B	36-39	Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	39,0	
B-	30-35	Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	31,1	

“Паст даромадли инвестицион салоҳиятга эга саноат тармоқлари (10-29)”				
“САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ”	CCC	26-29	Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	28,7
			Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	28,0
	CCC-	21-25	-	-
	CC	16-20	Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	20,9
			Машина ва ускуналардна ташқари тайёрметалл буюмлар ишлаб чиқариш	17,9
			Мебел ишлаб чиқариш	16,5
	C	10-15	Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	15,3
			Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	11,1
	“Истиқболсиз саноат тармоқлари (0-9)”			
	DDD	8-9	-	-
DD	5-7	Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	8,7	
DD-	0,1-5	Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,9	
D	0	-	-	

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Аммо, “миллионлик шаҳар” концепциясининг фундамента тамойилларига эътибор қаратилса, шаҳарнинг урбанизация жараёнида инсон омилига, унинг саломатлигига, атроф-муҳит барқарорлигига салбий таъсирлар чекланиши лозим. Шу сабабли, шаҳарнинг саноат ишлаб чиқариш таркибини чуқур диверсификация қилиш инвестиция муҳити жозибдорлигини оширади.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрининг инвестиция муҳити жозибдорлигини таъмилашда хизматлар соҳаси асосий драйверлардан.



2-расм. Самарқанд шаҳрида хизмат кўрсатиш соҳаси ҳажми ва прогноз параметрлари [10]

2-расмга кўра, Самарқанд шаҳрида хизмат кўрсатиш соҳаси ҳажми кўрсаткичи 2022 йилда 3713,3 млрд. сўмни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич вилоят ялти хизматлар соҳаси ҳажмида 42,7 фоиз улушга тўғри келган.

“Миллионлик шаҳар” концепциясини амалиётда тадбиқ этиш орқали 2025 йилда хизматлар ҳажми

шаҳарда 34840,0 млрд. сўм, 2030 йилда 50300,0 млрд. сўмга, 2040 йилда 79750,0 млрд. сўмга етказиш прогноз қилинган. Шунингдек, аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизмат ҳажмини мос равишда 2025 йилда 30443,9 минг. сўмга, 2030 йилда 34069,4 минг. сўмга, 2040 йилда 37259,4 минг. сўмга етказиш прогноз қилинган.

Таҳлилларни мантиқан давом эттириб, “миллионлик шаҳар” концепциясининг афзалликлари ва камчиликлари қиёсий таҳлили куйида келтирилган 7-жадвалда акс эттирилган.

7-жадвал

“Миллионлик шаҳар” концепциясининг афзалликлари ва камчиликларининг қиёсий таҳлили

АФЗАЛЛИКЛАРИ	КАМЧИЛИКЛАРИ
Дунёдаги нуфузли компанияларнинг бизнес стратегияси катта мегаполисларга мўлжалланган: Phillips, Hayat, Total ва бошқалар.	Аҳоли сони ҳисобига ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма тармоқлари босим ва харажатлар ортади.
Иқтисодий тармоқлар диверсификацияси кучаяди, юқори технологияли sanoat тармоқлари, хизмат кўрсатишнинг янги турлари пайдо бўлади.	Турли тоифадаги аҳоли гуруҳлари жамланиши боис шаҳар хавфсизлигини таъминлаш даражасининг пасайишини мумкин.
Бошқа шаҳарларга нисбатан иқтисодий ўсиш даражаси юқори бўлади, аҳоли жон бошига даромад тез ўсади.	“Хавфсиз инвестиция”ларнинг оқимини назорат қилиш имконияти пасайиши.
Тармоқ кластерларини ташкил этиш имкониятлари пайдо бўлади (брендлар ва уларнинг тармоқлари, маълум бир соҳанинг эгалари).	Йирик sanoat объектларининг ташкил этилиши ва улардаги “яшил технологиялар”га бўлган эътиборнинг пасайиши орқали шаҳар табиий иқлим шароитининг ёмонлашуви.
Йирик савдо брендлари ва хизмат кўрсатиш компанияларини (Hilton, Novotel, Merriod, MCDonalds, KFC ва бошқалар) жалб қилинишига эришилади.	Жамоат транспортга бўлган босимнинг ортиши ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришдаги молиявий харажатлар ортади.
Масштаб эффекти: Одамлар учун яшашга жозибадор ҳисобланади, чунки, кўп хизмат турлари ривожланган ва карьера учун имконият катта бўлади.	Турли “маданият”ларнинг қўшилиши натижасига туб аҳоли маданий урф-одат ва кадрларнинг йўқолиши.
Йирик лойиҳаларда иштирок этиш имконияти	Шаҳарда аҳоли зичлигининг ортиши.
Рақобатбардош корхоналар сони кўпаяди ва қурилиш соҳасида янги инновациялар кириб келади.	Бош режа асосида қилинмаган қурилишлар натижасида шаҳарсозлик атмосферасининг “бўғилиши”.
“Миллионлик шаҳар”лар мамлакат ЯИМни ўсишида драйверга айланади ва юқори қўшилган қиймат яратади.	Аҳоли даромадлари ўратсидаги ёриқ фарқларнинг юзага келиши.
Туризм соҳаси жадал ривожланади.	Туристтик оқим кўпайиши таъмирлаш харажатларини оширади.

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

“Миллионлик шаҳар” концепцияси натижасида Самарқанд шаҳри инвестиция салоҳиятини 2025 йилда 644 млн, 2030 йилда 938 млн, 2040 йилда 1 млрд 848 млн АҚШ долларига етказилади. “2025 йилга қадар меҳмонхоналар сони 163 тага, меҳмон уйлари сони 472 тага кўпаяди. Туристлар сонини 4 миллион нафарга етказиш орқали туризм хизматлари экспорти 526,3 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Соҳада 12400 дан ортиқ янги иш ўрни яратиш, туроператорлар сонини 630 тага етказиш мумкин [11]”.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилганда, Самарқанд шаҳрининг sanoat тармоқлари драйверлари инвестицион салоҳиятининг модификацияланган рейтингига кўра, “ўрта даромадли” ҳамда “ўртадан куйи даромадли” инвестицион салоҳиятга эга sanoat драйверларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Самарқанд шаҳри-

да “миллионлик шаҳар” концепциясини амалга оширишда махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ўзининг ижобий самарасини беради. Жумладан, шаҳарнинг Хишрав қўрғони ҳудудида “Ўзбекистон-ШХТ” эркин иқтисодий зонасини ҳамда янгидан ташкил этилиши режалаштирилган Сиёб туманида туристик хизматлар кластери –“Афросиёб” эркин туристик зонани ташкил этиш, уларга реинвестиция ҳажмига кўра солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш инвестиция муҳити жозибадорлигини оширади. Асосийси, алоҳида миллионлик ҳудудларнинг маъмурий-худудий бирлик сифатида тўғридан-тўғри республика бўйсунувида ўтказилиши Самарқанд шаҳридаги йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда молиявий ресурслар оқимини фаоллаштириш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик салоҳиятини янада оширишга пухта замин ҳозирлайди.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 23-сон қарори.

3. Kyaw Moe, 2010. “Investment Climate and Business Cost of Major Cities in Myanmar.” In *Investment Climate of Major Cities in CLMV Countries*, yedited by Masami Ishida, BRC Research Report No.4.

4. International Finance Corporation [2018]. All rights reserved. 2121 Pennsylvania Avenue, N.W. Washington, D.C. 20433 Internet: www.ifc.org

5. Глебова И., Хаббрахманова Р. Социально-экономическое развитие городов-миллионников России. Монография. Россия. 205 с. 2020 г.

6. Воронов Ю., Заусаев С., Смирнов С. Концепция пространственного развития современного города (на примере г.Новосибирска). Вестник НГУЭУ, 2008, № 1, – С 49.

7. Абдуллаев И., Пахимов Т. Иқтисодиёт тапмоқлапининг ривожланишини прогнозлаш усуллари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2018 йил. 9 б.

8. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги маълумотлари.

9. Халқаро молия корпорацияси маълумотлари.

10. Самарқанд вилояти ҳокимлигининг маълумотлари.

11. Самарқандда туризм инфратузилмасини ривожлантириш стратегияси.



IQTISODIYOT:
TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

100000, Toshkent sh., Xadra massivi 33a.
Tel: (+998 71) 244-05-42. E-mail: info@fmr.uz